



Сема Марашли

*Тўйдан кейин ҳам
муҳаббат бўлсин*



Ёзувчининг
асарлари
1 миллион
ўқувчига
етиб борган

821.512.133-3 2022/84-2

С. Иларасеев

Приёмка работ по
изысканиям гидролог

T-2021. 6. 17 6.8. 21.000

Сема Марашли

*Тўйдан кейин ҳали
муҳаббат бўлсин*



ТОШКЕНТ
Noshirlik yog'dusi
2021

УЎК: 821.512.133-3

КБК:84(5турк)

Марашли, Сема

Тўйдан кейин ҳам муҳаббат бўлсин [матн] / Сема марашли. Таржимон У.Адизова. – Тошкент: «Noshirlik yog'dusi», 2021. – 176 б.

ISBN 978-9943-7047-9-4

Сема Марашли Туркияning Қаҳрамонмараш вилоятида туғилган. Менежмент ва бихевиористика йўналишида таҳсил олган ёзувчининг илк қитоби «Менга эртак айтиб бер» 2001 йилда нашрдан чиққан.

Оила ахлоқи ва фарзанд тарбиясига оид мақола ва ҳикоялари даврий нашрларда мунтазам эълон қилиб борилади. Оилали, уч фарзанднинг онаси.

Китоб «Misbah» таржимонлар гурӯҳи томонидан нашрга тайёрланди

Лойиҳа муаллифи
Шаҳзод РАМАЗНОВ

Таржимон
Умида АДИЗОВА

ISBN 978-9943-7047-9-4

© Сема Марашли, «Тўйдан кейин ҳам муҳаббат бўлсин», «Noshirlik yog'dusi», 2021.

Zangiota AKM
Inventar № 2022/84-2

Кунларнинг бирида ҳузуримга ёш оила –
Фарҳод ва Ширин келишди. Айтишларича, баҳт-
сиз эмишлар, бир-бирларини тушунишмасмиш.
Аввалига Ширин дардини очиб-соҷди:

– Бир пайтлар бир-биримизни телбаларча се-
вардик. Хабарингиз бордир, Фарҳод мен учун
тоғларни толқон қилди. Кейин висол насиб бўл-
ди, ғоят баҳтли эдик. Бир куни, ўзимиз ҳам бил-
май қолдик, нимадир бўлдию кечқурун ухлагани
ётиб, тонгда кўзимизни очсак, орадан юз йил-
лар ўтиб кетибди. Қўп қаватли уйнинг ўнинчи
қаватида яшар эканмиз. Ҳайрон қолдик, ал-
батта. Майли, биргамиз-ку, муҳими шу, дедик.
Буни қарангки, болаларимиз, ота-оналаримиз
ва яқинларимиз ҳам биз билан келишган экан.

Ҳеч нарсадан кам-кўстимиз йўқ, ҳатто кера-
гидан ортифига эгамиш. Фарҳоднинг яхшигина
иши бор. Шунча мол-дунёга кўмилган бўлсак-да,
баҳтли эмасмиз. Бир-биримизни тушуна олма-
япмиз, ҳатто ҳозир севгимиздан ҳам шубҳала-
ниб қолдик. Балки йўл-йўриқ кўрсатарсиз деган
умидда ёнингизга келдик. Илтимос, бизга ёрдам
беринг!..

– Хўп, Шириной, қўлимдан келганча сизларга
ёрдам беришга, тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат
қиласман. Демак, ягона кемтигингиш чиқиша ол-
маслик, шундайми?

– Афсуски, шундай. Биласизми, бундоқ ўти-
риб дилдан суҳбат қуролмаймиз, гаплашишни
бошлишимиз билан жанжаллашиб кетамиз.

ки пайт юмшоқ ўриндиқда бир-биримизга совуқ, нигоҳларимизни қадаганча ўтирамиз. Мана, муаммоимиз нимадалигини энди сиз ҳам биласиз. Бизга ёрдам беришингизга ишонаман. Шириң суҳбат қуришимиз, бир-биримизга меҳр-муҳаббатли бўлишимиз учун нималар кераклигини, нималар қилишимизни айтасиз, тўғрими?

– Бунинг биргина сири бор, шуни ёдда тутишингиз зарур.

– Қандай сир?

– Буни бир кунда гапириб, тушунтира олмайман. Сизлар билан қадам-бақадам сафарга чиққач, бу сирдан воқиф бўласизлар. Сафар асносида оёғингизга ботаётган тошларни кўрасизлар, ҳар қадамда уларни олиб ташлаб, йўлингизни тозалашга ҳаракат қиласиз. Бунинг учун қирқ ҳафта давомида қирқ кун менинг ёнимга келасизлар. Бу йўлда биргаликда қирқ қадам қўйишимиш керак. Ҳар сафар келганингизда фақатгина битта қадам ташлаймиз.

– Нега қирқ кун ва қирқ қадам? – дея суҳбатга кўшилди Фарҳод.

– Ҳамма нарсанинг «қирқ»и бўлади: чақалоқнинг, онанинг, келиннинг, туғилиш, ўлимнинг... Ибтидо ва интиҳодан ўтадиган қирқ кун ниҳоятда муҳим. Қирқ – машаққатдан халос бўлиш, кўнизиш, қийинчилликларни енгиш даврини билдиради. Дунёдаги кўпгина воқеа-ҳодисалар қирқ сони билан боғлиқ. Биз ҳам қирқ кун қирқ қадам ташласак, фойдали бўлади, деб ўйлайман.

– Авваллари ҳеч дарду қайғумиз йўқ эди, жудаям баҳтли эдик, – деди Фарҳод. – Бир-биримизни ниҳоятда севардик, энди эса икки бегонага айландик. Севгимизга нима бўлди, билмайман, ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

– Мехр-муҳаббат йўли бўйлаб қадам қўяр экансиз, йўлдаги тиканакларни кўрасизлар ва севгингизга нималар бўлганини ана ўшандаганда англайсизлар. Ўрни келганда Ширин, гоҳида сен қадам қўйишинг керак бўлади. Бир қадамни Ширин қўйса, бир қадамни сен қўйсанг ҳам илдамлашимиз мумкин, лекин бундай қилмаган маъқул дейман. Чунки бу ҳолатда тамалар пайдо бўлади, бир-бирингизнинг қадамига қарайсиз ва қайси тараф одим отишга қийналса, иккичи тараф қадам ташлашни қўйиб, қарши томонни кутади. Бунда эса тўхталиш бўлади. Шундай экан, ҳар бир киши ўз одимидан масъул бўлсин, ҳеч ким жуфтининг қадамларини санамасин.

– Майли, шундай бўла қолсин, – деди Ширин.
– Сиз нима десангиз, розимиз.

– Келишдик, Шириной, аввал сендан бошлаймиз. Сен йигирма беш қадам қўясан, Фарҳод эса ўн беш қадам.

– Ахир бу ҳақсизлик! – дея зорланди Ширин.
– Нега мен кўпроқ қадам қўйишим керак экан? Ҳамма нарса фақат аёллардан кутилади ўзи! Икковимиз ҳам йигирма қадамдан қўйиб, ўртада учрашсак бўлмайдими?

– Бу савоннинг жавобини ҳозир бермайман. Қадам қўйганинг сари бу ишнинг ҳикматини ўзинг кўриб бораверасан. Аввал сендан бошлаймиз.

ШИРИН БИЛАН ЙИГИРМА БЕШ ҚАДАМ

Бир ҳафтадан кейин илк қадамни ташлаш учун Ширин ёнимга келди.

– Шириной, мұхаббат йүлини маشاққатта дүндириган тош ва тиканларнинг аксарияти аслида онгдадир. Шунинг учун илк қадам онгни тозалаш бўлади. Хўш, яхшилаб тозалашга тайёрмисан?

– Тайёрман!

– Унда дарҳол бошлаймиз!

БИРИНЧИ ҚАДАМ

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳақида бари билғанларингни унут

– Онгу дунёқарашингни яхшилаб тозалашинг зарур: хотин-қизлар ҳуқуқлари мавзусида нима-ики билсанг, миянгдан ўчириб-сидириб ташлайсан. Ҳатто губори ҳам қолмасин.

Ширин ҳайратга тушди, кўзларини катта-катта очганча менга тикилди:

– Нега бундай деяпсиз? Хотин-қизлар ҳуқуқлари жуда ҳам муҳим-ку! Биз аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билмасак, эркаклар бизни эзib ташлайди.

– Сен феминистга айланибсан-ку, Ширин.

– Йўқ, йўқ, мен феминист эмасман, ҳатто феминизмга қаршиман! Мен фақат хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қиляпман!

– Сен пинҳоний феминистсан, Шириной. Феминистларнинг энг хавфли тури бу. Феминист эканлигингни ҳатто ўзинг ҳам билмайсан.

– Икки оғиз сўзимдан қандай қилиб бу фикрга келдингиз?

– Бунга ишончим комил, чунки мен ҳам собиқ феминистман. Бир пайтлар менга «феминистсан» десалар, қаттиқ жаҳлим чиқар ва буни асло қабул қиласдим. Ортимга ўгирилиб қараганимда, ўша йилларда қабул қилишдан қанчалик бош тортсам-да, пинҳоний феминист бўлганимни бугун яхши тушунаман.

– Феминист бўлсам, бу унчалик ёмон эмас, менимча. Феминизм эркак ва аёлни teng ҳуқуқди қилди, бу жуда яхши нарса.

– Эркак ва аёл инсон сифатида teng, лекин улар ҳақ-ҳуқуқ ва вазифалар жиҳатидан бир хил бўлолмайди. Феминизм ҳуқуқ ва вазифалар жиҳатидан эркаклар билан teng бўлишни даъво қиласди. Аслида фитратингда бўлмаган хусусиятлар ўртасида tengлик яратишга уриниш – бу ноҳақлик ва адолатсизлик. Аёл ва эркак яратилишига кўра фарқлар сабабли teng бўлолмайди. Феминизм «Қара, арслон гўшт билан озиқланади, сен нега ўт ейсан? Кел, сен ҳам гўшт е, чунки сизлар teng ҳуқуқлisisизлар», дея жайронни мажбуран овга жўнатиб, уни гўшт ейишга мажбурашдек аянчли ҳолат.

– Лекин биз эркаклар бажарган ҳар бир ишни бажара оламиз-ку?

– Зеро, бугунгача «Сен эркак қилган ҳамма ишни бажара оласан», дея аёлларни ишонтириб, ортиқча ҳаволантириб юборишиди. Лекин қанот билан эмас, ёлғончи мақтов билан учганда ерга қулаш ҳам тез содир бўлади. Аёллар шун-

чалик ҳаволандики, энди эркак билан бир қаторда бўлишни истамай, ундан олдинга ўтмоқчи бўлишяпти. Оилавий ҳаётда ҳам, иш борасида ҳам... Авваллари ҳар бир омадли эркакнинг орқасида бир аёл бўларди, энди эса ҳар омадсиз эркакнинг олдидаги бир аёл бор.

— Лекин тенглик бўлмаса, эркаклар аёлларни эзмоқчи бўлади-да...

— Афсуски, аксарият аёллар сенинг хавотиринг билан яшайди. Эзилиб қолишдан қўрқсан аёл нима қиласди? «Ишқилиб, мени эзмоқчи бўлмасин!» дега умрини эри билан курашиб ўтказади. Эзилиш қўрқувининг остида эса бироз аввал айтганимдек «феминизм» дейиладиган «хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳақидаги шов-шув» бор. Йиллар давомида матбуот томонидан аёлларга секин-аста сингдирилган, лекин уларни бир зумда заҳарлаган фикрлар: «Аёллар! Ҳақ-ҳуқуқингизни билинг! Сизни эзишларига йўл қўйманг!»

— Аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқини билишининг қандай зарари бор?

— Ҳозирга келиб эришилган натижаларга қарайлик. Аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб баҳтли бўлдими? Йўқ! Аёллар ҳуқуқини эмас, ақлини ишлатсагина баҳтли бўлади олади. «Эримга ўзимни эздриб қўймайман!» деган қўрқув билан яшайдиган аёл ҳар доим эри билан олишади. Алал-оқибат эрнинг хотинини эзишига ҳожат қолмайди. Аёллар ўзини ўзи еб битиради.

— Ҳозир бу сўзларингизни эшитиб, ўйланиб қолдим, афтидан, мен ҳам Фарҳод билан кўп олишаман. Бугунгача бу ҳаракатимни «олишув» деб номламагандим, лекин менга қанчалик ёқмаса-да, бу тўғри сўзга ўхшайди чофи...

– Феминизмнинг зиёни фақат эзилиш кўркуви билан чекланиб қолмади. Феминизм «озодлик» номи билан аёлларни кўп нарсадан маҳрум этди. Аввало аёлларни эркакка айлантириб, уларни аёллигидан маҳрум қилди. Бахтидан, севинчидан маҳрум, қадр-қийматидан айирди. Аёлни маъсумияти ва эҳтиромга лойиқликдан жудо этди. «Жинсий эркинлик» дея аёлларни эркакларга тортиқ қилди.

– Феминизмнинг ютқизиқлари билан бирга ютуқлари ҳам бўлди. Уларни инкор этмайлик.

– Ҳақсан. Феминизм аёлларга «туҳфа» этган нарсалар ҳам бор, албатта. Аёлларга эркакка душман бўлишни, кибр ва уй-рўзгор ишларига душман бўлишни «туҳфа» этди. Феминистларнинг аёлларга берган энг катта заарларидан бири уйда ўтирадиган аёлни камситиши, уни «оддий аёл» сифатида кўришидир.

Бизнинг асл қадриятларимизда аёл уй ишини қиласи, эркак оиланинг моддий эҳтиёжлари учун ишлайди. Авваллари аёллар уй ишларини, бола туғиш, боқиш, тарбиялашни жону дилдан бажаарди. Ҳозир эса эрига хизмат қилишдан лаззат оладиган аёлларнинг ўрнига эрига хизмат қилишни ҳақорат деб биладиган, эрининг хоҳишини оғриниб бажарадиган, «Нега ўзи шуни қилмайди?!» дея гудранадиган аёллар кўпайди.

– Мен бундай ютуқларни назарда тутмагандим. Демак, булар ҳам бор экан.

– Сен бу масалани бошдан-оёқ яхшилаб ўйлаб кўр, Шириной. Миянгни тозалагин. Албатта, бир ҳафтада тамоман тозалаб улгурасан, демайман. Ҳозирча тозалаш кераклигига ишонишинг кифоя. Зоро, бундан кейинги бир неча қадам ҳам бевосита ёхуд билвосита шунга боғлиқ. Бу ҳаф-

тадаги учрашувимизни кичик ҳикоя билан битиришни хоҳдайман.

– Жуда соз, ҳикояларни роса яхши кўраман.

– Бир мода ва нар чумчук, дарахт шохига қўнганча чуғурлашаётган экан. Шу пайт бир тую келиб, чумчуқлар ўтирган шохни тишлаб, тортқилашга уринибди. Чумчуқлар сал қолибди тушиб кетишига. Нар чумчук туюга ғазаб билан бақирибди:

«Пастга тушсам, оёқларингни синдираман!»

Тую ҳайрат билан қари туюнинг ёнига борибди ва бўлган воқеани гапириб берибди. Қари тую сўрабди:

«Чумчуқнинг ёнида модаси бормиди?»

«Ҳа, бор эди».

«Ундей бўлса, қўрқиш керак, ҳеч нимаға қулоқ солмайди, синдиради! – дебди кекса тую».

– Жуда яхши ва ибратли ҳикоя экан.

– Қиссадан ҳисса шуки, Шириной, сен аёл бўлиб табассум қил, кўзларингни суз, эркагингга жилва қил, унинг хизматини адо этгин, у эса сен учун туюнинг оёғини синдирисин! Бўлмаса, туюнинг оёғини ўзинг синдиришга мажбур бўласан!

– Қиссадан ҳисса чиқардим, миннатдорман. Кейинги ҳафтада кўришгунча омон бўлинг!

ИККИНЧИ ҚАДАМ

Романтизм ҳақида билганингни унум

Ширин иккинчи ҳафтада иккинчи қадамни ҳам эътиroz билан бошлади.

– Кўйсангиз-чи, бундай деманг энди! Романтизм бўлмаса, ҳаётнинг лаззати қоладими?

– Тўғри, романтизм яхши, лекин романтизм оқими туфайли романтика сийқалашиб кетди.

– Бу иккисининг ўртасидаги фарқ нима?

– Романтизм ўн тўққизинчи аср бошларида, рационализмга зид равишда хаёлни устун дея илгари сурган адабий жараён эди ва назму наср таъсирида аёлларнинг қўлига ўтиб, ҳиссисёт кўзголонига айланди. Чунки романтизм ҳаракат аёлларнинг энг нозик нуқтасидан – юрагидан муҳаббат қуроли билан урди. Феминизмдан кейин оиласа романтика орқали иккинчи зарба берилди.

– Ортиқча романтизмнинг қандай зарари бўлиши мумкин?

– Матбуот романтизмнинг асосий тарифотчиси бўлиб хизмат қилди. Айниқса, телевизор ихтиро қилинганидан кейин романтизм аёлларнинг муҳаббат ва никоҳдаги бутун ўлчов-мезонларини ўзгартириб юборди. Айтганингдек, романтизм ёмон эмас, романтизмнинг ҳаддан ортиғи, бугунимиздаги сийқаси чиқиб, bemазалашгани ва эркакнинг елкасига мажбуран орттирган вазифалари ёмон. Телевизор қўланкасида хаёлдан учиб келган ҳақиқатдан узоқ эркаклар аёлларнинг ақдини адаштируди.

– Бу мулоҳазангизда ҳақлisisiz. Сериаллардаги муҳаббатга қараганинг сари, кишининг кўнгли бошқача бўлаверади. Худди Фарҳод билан бир неча аср аввалги муҳаббатимиздек... Ҳозир ундан мұхаббатлар фақат фильмларда бор, шекилли.

– Ана, телевизорнинг заарини ўзинг ҳам тилга олдинг. Зеро, телевизор – оиласий мұхаббат олдидаги энг катта тўсиқ. Хонанинг тўрини эгаллаб олиб, бутун оила аъзоларининг вақтини ўғирлайди. Мұхаббатнинг энг катта душмани. Жуфтларнинг ўзаро сұхбати ва мұхаббатига тўсинлик қилади. Энг катта ёмонлиги эса сериаллар, фильмлар, ҳатто рекламалари билан одамларга бир томондан феминизм «вакцина»си урар экан, бир тарафдан романтизм дорисини беришляпти. Ҳолбуки, бу икки модда бирлашиб, соғлом фитратни ҳам бузади.

– Нега феминизм билан романтизм чиқишлоғрайди?

– Феминизм аёлларга «Сен эркак билан тенгсан, аёлдек бўлма, эркакдай бўлгин! Эркин бўлгин, ишлагин ва карьера қилгин, сен энг кучлисан! Эркакларнинг қилган ҳамма ишни бажара оласан!» дейди. Романтизм эса «Ҳаётингда ҳеч қачон тугамайдиган, камаймайдиган улкан мұхаббат бўлади. Севган кишинг сени ўлгунича севади, сени ҳеч хаёлидан чиқармайди. Сұхбатижон, келишган, пулдор ва сенга сюрпризлар қиладиган, тушунганди, кибор эркак бўлади», дейди.

Феминизм билан эркакка айланган аёлни эркак қандай қилиб бунчалик севсин, қандай қилиб унга нисбатан кибор бўла олсин?

Юзага келган манзара эса шу: эркакдай аёл ва аёлдай эркак.

– Мен шу ерига қўшилмайман. Романтик эркак аёлсифат эркак дегани эмас. Романтик аёл ҳам эркакшода аёл эмас! Романтик эркак – аёлнинг руҳидан, кўнглидан ҳис қила оладиган, мулоҳазали, кибор эркақдир.

– Шириной, мени яхши тушунмадинг. Табиийки, меъёридаги романтик ҳисларга эга бўлган эркак аёл каби бўлмайди, аксинча ҳақиқий эркак бўлади. Менинг айтмоқчи бўлганим шуки, романтизм шабодаси билан келган романтизм эпидемиясида эркакдан кутилаётган хатти-ҳаракатлар кўпроқ аёл фитратига муносибдир.

– Нимани назарда тутяпиз?

– Жуфтини ўйлаб тез-тез қўнгироқ қилиш, сюрпризлар уюштириш, маҳсус кунларни эслаб совға-тухфа олиш, шам ёруғида ёлғиз қолиб овқатланиш, ҳаётнинг майда-чуйда жиҳатлари ва бу хатти-ҳаракатлар АЁЛ ТАБИАТИГа мос келади. Лекин сериалларда бу ишлар эркакларга юкландан, бу кунларни эслай олмаган эркакка қўпол, ўйловсиз, бемулоҳаза деган тамғаси урилади, оиласарда маҳсус кунлар даҳшатли жанжаллар билан ўтказилади.

– Бу ўринда ҳақлisisiz. Ўтган йили Фарҳод турмуш қурган кунимизни эсламагани учун қаттиқ хафа бўлдим. Очиқ-ойдин айтаман, мен шундай ўйлайман: эрим турмуш қурган кунимизни эсламаганига кўра, энди мени севмайди, никоҳимизни ҳам қадрламайди.

– Романтизмдан таъсирланиб ўйляяпсан-да: эрим турмуш қурган йилимизни эслолмагани мени буткул мени севмаслигидан нишона... Қандай алоқаси бор? Ишлар, ташвишлар билан бўлиб эсидан чиққандир. Сен эсла, эслат, таш-

киллаштирип, иккингиз қувончли оқшомни бирга ўтказинглар.

— Лекин бу кунларни эслайдиган эркаклар ҳам бор...

— Эслайдиган эркаклар ҳам бор, албатта. Лекин қанча эркак чин кўнгилдан эслайди-ю, нечта эркак хотинининг вовайлоларидан қўрқиб эслайди, бу энди бошқа масала. Сериалдаги эркаклар маҳсус кунларни унутмайди. Ҳар оқшом экран бошида бир неча соат сериалларга термилган аёллар ҳақиқат билан хаёлотни ажратолмайдиган ҳолатга келади. Шундоқ ҳам одамзоднинг мияси ҳақиқат билан хаёлотнинг бир хил дарражадаги таъсирида юради. Ҳақиқий ҳаёт ва хаёл онгимизда ва онгостида аксарият пайт бир қиёфага бурканиб, бир хил сифатда кўринади. Телевизор сабабли аёллар сериал қаҳрамонларидек эркак билан яшашни истайди. Бундай одам топилмаганидан кейин эрни сераил қаҳрамонига ўхшатишга ҳаракат қилишади. Оқибати ҳафсаланинг пир бўлиши билан якунланяпти: хонадонларда аёллар бахтсиз, эркаклар хафа...

— Лекин ҳақиқий ҳаётдан тополмаганимиз ёки топиб йўқотган ҳақиқий муҳаббатларни телевизордан томоша қилиш биз аёлларни хурсанд қиласади.

— Мутлақо акси, хафа қиласади. Фақат телевизорда томоша қилиш инсонга камлик қиласади, ҳар бир киши ҳаётида муҳаббат тўқис бўлишини истайди. Ҳатто кекса аёллар ҳам. Ёши етмишга борган, оиласи, фарзандлари ва набиралари бўлган аёл «Дунёга яна бир бор келсам, асло турмуш қурмайман, ўйнаш бўлиб яшайман. Ҳаётимда чиройли муҳаббатни кўрмадим. Агар бир им-

коним бўлса эди, ўйнаш бўлардим, муҳаббатда яшардим...» дейишдан тап тортмайди.

Ҳар кеч сериал томоша қилишнинг табиий оқибати бу. Рекламаларда жизиллаб қовурилаётган колбаса, имкони бўлмаганларнинг оғзидан сувини оқизганидек, сериаллардаги муҳаббат ҳам бевосита аёлларнинг қалбларини жароҳатлади. Ошиқ бўлиб, ишқи тугаганларнинг яраси янгиланади, муҳаббатни ҳис қилмаганлар ҳаётини кемтик ҳис қиласди.

– Ҳа, бу жиҳатдан ҳақдисиз.

– Сен мерос масаласи туфайли йифлаган кишининг муҳаббат ҳикоясини биласанми?

– Йўқ.

– Бир кишини мерос масаласи туфайли чиққан тортишувда қариндошлари бироз уриб-туртибди. Ҳалиги одам шикоят қилмоқчи бўлиб аризачининг ёнига борибди. «Қариндош-уругларим мени урди, уларнинг устидан шикоят қилмоқчиман», дебди. Аризачи: «Пешиндан кейин кел, сенга яхшигина даъво аризаси тайёрлайман», дея жавоб қайтариби. Эркак пешиндан кейин борган экан, аризачи ўзи ўйлаб топган ҳодисаларга тўла, бир неча саҳифалик даъво аризасини кўрсатибди: «Даъво аризанг тайёр бўлди, мен ўқийман сен эшитгин, кейин остига имзо қўясан», дебди. Эркак даъво хатини эшитаётib йифлай бошлабди.

Аризачи ҳайрон қолибди. «Нега йифлаяпсан?» дея сўрабди. Эркак «Ҳайҳот, менга нималар қилишишибди, менинг хабарим йўқ!» деган экан.

Телевизор туфайли аёллар ҳам «Оҳ, биз ҳеч кун кўрмабмиз», деб ўз ҳолларига ачиниб йифлаб ўтиришади.

– Сериаллар менинг ҳам эътиборимни тортади. Уларнинг ҳаммаси кўшку қўрғонларда, виллаларда суратга олинади. Сериал тугаганидан кейин ўз уйингга қараб, хафа бўласан. «Нега менинг уйим унақа эмас?», деб ўкинасан. Ҳатто башзида уй ишларини қилаётib «Шу сериаллардаги хизматчилардан бири чиқиб келиб уй ишларини қилса, дастурхон тайёрласа, мен чиройли кийиниб келиб стол атрофига ўтирсам», дея ўйлаган пайтларим ҳам бўлган.

– Бу жуда аниқ холоса. Бу сериал томошабинларни ўзининг оддий ҳаётидан зерикишга бошлайди. Бойликка ҳавас уйғотади. Қолаверса, сериаллар туфайли оиласвий хиёнатлар оддий ҳолга айлантириляпти, жинсий эркинлик ва никоҳсиз бола туфишга ташвиқ этиляпти. Шунингдек, томошабинга адоксиз мунофиқлик ва қутқу ўргатиб бориляпти.

– Бу ҳақида чуқур мулоҳаза қилган сари зарарларини янада яққол англайди киши. Менимча, энди телевизор ҳаётимда унча ҳам кўп жойни ишғол қilmайди.

– Бу ҳафтадаги сұхбатимиз ҳам охирлади, Шириной. Сен бир ҳафта давомида романтизмга бўлган иштиёқингни ва телевизорнинг сенга қандай таъсир кўрсатаётганини ўйлагин. Ми янгни, ўй-хаёлларингни бу заарлардан имкони борича тозала, ўчир ва сидириб ташла. Кейинги ҳафта бошқа бир қадам билан давом этамиз.

УЧИНЧИ ҚАДАМ

Аёлдай аёл бўй!

Ширин кулди.

- Нега унақа дейсиз? Эркакка ўхшайманми?
- Йўқ, аёлдай кўринасан, лекин эркакдай муомала қиласан.
- Қанақасига?
- Саволингга кейинроқ жавоб бераман. Аввал сен менинг саволимга жавоб бергин. Сен эрингга нозаниндай жилва қиласидиган аёлмисан?
- Йўқ, унақа эмасман, шундай бўлиш керак, деб ҳам ўйламайман.
- Бунинг замирида «Эркаклар билан тенг бўлмоқчи бўлсанг, эркакдай бўлишинг керак, унда аёлдай бўлишимга ҳожат йўқ», деган мантиқ ётган бўлиши мумкинми?
- Йўқ, мен табиатан жиҳдий аёлман. Жилваю ноз қилмоқчи бўлсам, кулгили туйилади. Расво қиласман ҳаммасини. Филга жилва қил деганларида, учта дўконни бузиб юборган экан.
- Майли-ку, сен фил эмассан. Аллоҳ сени аёл қилиб яратган. «Эркак ва аёл тенг ҳуқуқли!» деган бақир-чақирлар оқибатида сенга ўхшаган кўп аёллар, фитратидаги аёлга хос хусусиятларни бир четга суриб, эркаклар билан тенг бўлиш учун ўзини эркакча тута бошлади. Оқибатда на аёл, на эркак бўла оладиган бир мавжудот пайдо бўлди. Таши аёл, ичи эркак...

Эркак-аёл муносабатлари ҳақида бир семинарда қатнашган эдим, тадбирдан кейин ёнимга бир хоним келди. Ўз мулоҳазаларини мен билан баҳам кўрди. «Аёллар эридан нуқул меҳр-эътибор кўришни, унга яқинлашишини кутади», деген

Zangiota АКМ

Inventar №0022/84-2

кутиб ўтирмайман. Қачон эримнинг севгисига эҳтиёж сезсам, бориб қучоғига ётаман. Ми-я-яв, мушукчанг келди, севилишни, эркаланишни хоҳлайди, дейман. Эрим суйиб-эркалайди», деди.

— Жуда унчалик ҳам эмас-да, аёлнинг ҳам ўзиға яраша ғурури, шарафи бор, ахир.

— Гапларинг мени ҳайрон қолдирмади. Мен бу аёлнинг сўзларини жуда кўп жойларда мисол сифатида айтдим. Гапириб бергандан кейин аёлларнинг муносабатини билиш учун жим бўлиб қоламан. Аксарияти: «Во-о-ой, ўзимизни бунчалик ерга урмайлик, миёвлаб ўлмайман ҳам, тиззасига ётмайман ҳам!» дейди. «Эрим билан танишишни унутибмиз» китобидаги «Миё-ёв» деган ҳикоямни ўша аёлнинг сўзлари ва аёлларнинг муносабатларидан келиб чиқиб ёзгандим.

Аёлнинг фитратида бўлган жилва, ишва, нозу карашма, айёрлик каби хусусиятлар бугун кўп нарсани билгич аёллар томонидан бетайнилик ва жўн ҳолат сифатида кўрилмоқда. Ҳолбуки, аёл ўзини аёлдай тутмаса, эркак қандай муносабатда бўлишни билмайди ва мувозанатлар бузилади...

— Ҳозир мен аёлдай аёл эмасманми?

— Сенга яна бир савол берай: Фарҳод ҳар оқшом уйга келиб, ўзини аёлдай тутишини хоҳлайсанми?

— Асло истамайман!

— Сен аёлсифат эркак хоҳламаганингдек, эринг ҳам эркакшода аёлни хоҳдамасликка ҳаққи бор ва бу табиий ҳол! Бу ерда бўлиши керак бўлган нарса аёлнинг аёлдай бўлишидир. Аёллар ақлидан кўра ҳиссиётларига эътибор бериши ва онг остида яширинган яратилиш сифатларини очиқка чиқариб, фойдаланиши керак.

– Аёлга хос сифатлар деганда қандай хусусиятларни назарда тутяпсиз?

– Аёлнинг заковати эркакнидан кўра бошқача ишлайди. Аёллар миясининг икки тарафида сўзлашув маркази бор, икки мия орасида электр оқими тез ишлайди. Шунинг учун аёлларнинг муомала-муносабат қобилияти кучли бўлади. Лекин надоматлар бўлсинки, бугун аёлларнинг кўпчилиги ақдини ўз баҳтсизлиги учун қўллайди.

Миясига сингдириб олган «эркак билан кураш» фикридан бутунлай қутулиб, эри билан баҳтли бўлишни уddyалай олмаяпти. Аёл аёл бўлишдан қочяпти.

– Аёл бўлишдан қочиш мумкинми?

– Буни сенга кичик бир латифа билан изоҳдайман. Бир маҳкум қамоқхонада касал бўлиб қолибди. Эркакни касалхонага олиб боришибди. Бир оёфини кесишибди, битта оёқ билан қайтибди. Яна бир бор касал бўлиб қолибди, бу сафар қўлинни кесишибди, бир қўл билан қайтибди. Эркак яна бир бор касал бўлиб қолган экан, қамоқхона мудирининг жаҳди чиқибди: «Менга қара, диққатим сенда, қамоқхонадан бўлакларга бўлинниб қочаётганингни сезмайди деб ўйлама!»

Аёллар ҳам бўлак-бўлак ҳолда аёлликдан қочишияпти. Ҳеч ким пайқамайди деб ўйламасинлар.

Ширин жилмайди:

– Четдан қараганда яхшигине сезиладио, биз пайқамаймиз чоғи.

– Аёл ўзини эркакдай тутгани сари эркак билан ҳеч тугамайдиган жангга киришаверади. Эркак қўлидаги кучни йўқотмаслик учун қаршилик кўрсатади. Аёл уни тортиб олиш учун

тиришади. Ва бу аҳволда иккови ҳам баҳтсизликка йўлиқади. Ҳолбуки, иккисини ҳам севинтириб, баҳтли қиласиган бошқа бир йўл бор. Мисол сифатида сенга Хуррам Султон ҳақида гапирмоқчи эдим.

– Хуррам Султон ҳақида? Ҳукмронликни қўлга олиш учун Қонуний Султон Сулаймонга ҳар қандай истагини бажо қилдирган ва Усмонийлар салтанатининг таназзулини бошлаб берган аёлми? Ўшани ўрнак қилиб кўрсатмоқчимисиз?

– Усмонийлар салтанатини таназзулга учратиб-учратмагани бизнинг эмас, тарихчиларнинг масаласи бўла қолсин. Бизга керак бўлган жойи шу – Хуррам аёл сифатида Қонунийни қандай қилиб ўз таъсири остига одди? Истаганини қилдириш учун жуфти билан курашдими, унга қарши чиқдими? «Менинг ҳам ҳақ-хуқуқим бор!» дея ёқасига ёпишдими ёки бошқа йўллардан фойдаландими? Биз шуларга қараймиз. Мен Хуррам Султондан олиш керак бўлган сабоқлар бор деб ўйлайман.

– Яхши, унда мен ҳам эшитишга тайёрман.

– Хуррам ўн етти ёшида урушда асирга олиниади ва Усмонийлар саройига туҳфа этилади. Ҳамма Хуррам саройда кўп қололмайди деб ўйлайди. Чунки у бошқа жориялар каби мулоим эмас, баджаҳл ва ғўдайган қиз эди. Юртидан, оиласидан айрилгани учун исён қиласиди, ҳарамда ҳар куни қандайдир ғавро бошлайди.

Хуррамнинг қилмишларини эшитган Қонуний уни кўрмоқчи бўлади. Қонуний ўша пайтларда йигирма олти ёшларда эди. Хуррам дардини, исёнини унга айтиб беради. Илк учрашувдаёқ Қонуний уни ёқтиради, ўша ҳафтада-

ёқ, Хуррам Қонунийнинг кўзга яқин, танланган жориялари орасидан жой олади. Хуррам чиройли эди, лекин саройда шундай чиройли қизлар бор эдики, уларнинг ёнида унинг ҳусни нурсиз кўринарди. Шундай бўлса-да, Қонунийнинг танланган жорияси бўлди. Ҳамма бундан ҳайратланди. Ҳолбуки, Хуррам ҳусни билан эмас, ақли билан подшоҳнинг диққатини жалб қилганди. У Қонунийнинг ёнида бошқа бир аёлга айланди. Хуррам ўзини Қонунийга шу қадар севдирдики, ҳамма уни подшоҳни сеҳр қилган дея шубҳаланди. Ҳолбуки, Хуррамнинг сеҳр-жодуга эҳтиёжи йўқ, чунки у сўзлари сеҳрдек таъсирли эканини жуда яхши биларди. Зеро, энг чиройли аёл ҳам оғзидан чиқадиган сўзлар билан хунукалашиши мумкин, энг хунук аёл ҳам оғзидан чиққан сўзлар билан жозибадор, чиройли аёлга айланишни улдалайди.

– Жуда қизиқиб кетяпман, Хуррам Қонуний Султон Сулаймонга нималар қилиби?

– Хуррам кийимини, қиёфасини, соч турмагини ҳам эрининг кайфиятига қараб танлаган. Қонунийнинг кайфияти яхши бўлганида, чиройли кийиниб, ороланиб, бир гапириб, бир кулган экан.

Қонуний ташвишли кўринганида, оддий кийиниб, зийнатларсиз кўринар, мулоим мумомала қилиб, дона-дона, аниқ ва равон сўзларкан. Қонуний асабий бўлганида ҳеч қайси масалани кўтармасдан, унинг тинчланишини кутаркан. Қонунийнинг ўзига мафтунлигини билгани учун юраги сиқилганида ноз қилар, аразлаб олар, лекин асло ўзидан кетиб, ҳурматсизлик қилмас экан.

Хуррам ҳеч нарсани Қонунийга мажбуран қилдирмас экан. Зеро, мажбуран қилиши мумкин эмасди. Хуррамнинг услуби истаклари борасида шошилмаслик, вақтга бўлиб, секин-аста эрига тушунтириб, сингдириб бориш бўлган. Бироз вақт ўтгандан кейин Қонуний унинг фикрини эътиборга олар ва ўз фикри сифатида татбиқ қилишни бошлар экан.

– Сабр талаб қиласиган моҳирона услуб...

– Хуррам эри узоқ жойларга сафарга кетганида севгилари совимасин дея, Қонунийга тинимсиз ишқий мактублар ёзиб юборар экан.

– Ишқий мактубларми? Нималарни ёзар экан, ажабо?

– Хуррамнинг мактубларидан айримларини сен учун олиб қўйдим. Мактублар анчагина узун бўлгани сабабли фақат кириш ва якуний қисмларини ёздим. Хуррамнинг бир мактуби шундай бошланади: «Кўзларимнинг нури, саодатим сармояси, сирларимдан хабардорим, ғамзада кўнглимнинг ҳаловати, ярадор руҳим ишқининг малҳами, кўнгил тахтимнинг абадий Султонни...»

Бошқа бир мактубида Қонунийга шундай хитоб қиласиди: «Менинг давлатим, менинг Султоним...»

Бошқа бир мактубда эса: «Менинг Юсуф юзли, ширинсўз Султоним. Аллоҳдан тезроқ юзингизни кўрсатишини сўраб ёлворяпман!.. Агар денигизлар сиёҳдон, дарахтлар қалам бўлса ҳам, бу айрилиқнинг изтиробини ифодалай олмайди. Кимки айрилиқнинг изтиробини билмоқчи бўлса, «Юсуф» сурасини ўқисин.

Юзимни ерга босиб, саодат саждагоҳи бўлган хоки пойингизни ўпганимдан кейин...

...Фарҳод ва Мажнундан баттар шайдо қулингиздан ҳол-аҳвол сўрасангиз, қанча замонлардир Султонимдан айри булбул каби оху фарёдим тинмас, ҳижронингиздан шундай ҳолдаманки, Аллоҳга кофир бўлган бандаларга ҳам раво кўрмасман!

- Жуда ажойиб ёзибди, ростдан ҳам.
- Бу мактублар билан Хуррам Қонунийнинг ишқини мудом янги ва оҳорли тутарди. Қонуний ҳам унга шеърлар ёзарди.

*Ишқ билан сарсону саргардонлик аро овораман,
Чорасиз дардга йўлиқдим, оҳ, мен бечораман!*

Дунёни титратган подшоҳни бир аёл не ҳолларга солибди!

- Буюк муҳаббат экан чиндан ҳам! Неча йил давом этган?
- Хуррам эллик олти ёшида вафот этади, қирқ ийлга яқин пайт бирга бўлсалар-да, бу давр ичida Қонунийнинг энг севимли аёли бўлишни уddyalайди, хоҳлаганини Қонунийга қилдира олади.
- Бу билан демоқчисизки, эркак билан курашиб, беллашиб ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.
- Худди шундай! Аёл эркакдай бўлганида, аёл-эркакнинг баробарлигида завқ қолмайди. Аёл ва эркак бир-бирига қарама-қарши бўлгани учун бир-бирини жалб этади. Бир-бирига ўхшай бошлидими, баҳтсизликка йўлиқди.
- Бу ҳафта Хуррамнинг услубларини унутмасликка ҳаракат қиласман ва аёл бўлишга ҳаракат қиласман.

ТҮРТИНЧИ ҚАДАМ

Жуфтингни ҳурмат қил

— Эркак ҳам аёлга ҳурмат кўрсатиши керак, — деде Ширин яна эътиroz билдириди.

— Ҳали йўлнинг бошидамиз. Тенг ҳуқуқлилик даъвойингиз давом этяпти, биламан. Эркакнинг ҳурматга, аёлнинг эса меҳрга эҳтиёжи катта. Яратилишдан келган сифатлар ва масъулиятлар жиҳатидан оила бошлиғи эркак бўлиши зарур. Аёл эркакдан бир қадам орқада бўлиши керак.

— Нега бири иккинчисидан устунроқ мавқеда бўлиши керак, буни тушунмайман.

— Ҳуқуқлар тенглигидан жанжал чиқади, деган эди Жаноб Шаҳбиддин. Оиласарда жуда кўп жанжал ва тортишувлар икки томоннинг ўз айтганини қилдиришга уринишидан бошланади. Ҳолбуки, бир киши охирги сўзни айтиш керакки, жанжал чўзилмасин. Оилада бир киши раис, бошлиқ, раҳбар, етакчи — қайси сифатни қўлласанг қўлла — бошқарувчи бўлиши керак!

— Бир киши аниқ бошлиқ бўлиши керак, демокчисиз-да?

— Худди шундай. Ҳар муассасанинг бир мудири, ҳар шаҳарнинг бир раҳбари бор. Оила ҳам давлатнинг энг кичик жамиятидир. Бир ҳокимликнинг икки бошлиғи бўлмаганидек, икки раҳбарли оила ҳам бўлмайди.

«Битта ёмон раҳбар иккита яхши раҳбардан афзалdir», деган экан Наполеон. Ота-боболаримиз ҳам «хўрози кўп қишлоқнинг тонги кеч отади», «икки қўмондон кемани чўқтиради» деган мақоллар билан бошлиқнинг кўп бўлишидан ке-

либ чиқадиган заарларга эътибор қаратишган.

Бир инглиз мақолида эса шундай дейилади: «Ошпаз кўп бўлган жойда шўрва яхши пишмайди».

Мантиқ ва заковати, кучи ва қарор қабул қилиш механизмлари яхшироқ бўлгани учун етакчиликка эркаклар муносиброқ. Аёл эрини оила раҳбари сифатида қалбан қабул қилиши, унга ҳурмат ва эҳтиромда бўлиши даркор.

– Тўғрисини айтаман, буни қабул қилиш менга машаққат туғдиради. Мен оиласда тенглик тарафдориман.

– Буни эсингдан чиқар, чунки эркак ва аёл муносабатларида тенглик бўлиши имконсиз. Аёллар ҳислари билан ҳаракат қилгани сабабли тенг ҳуқуқдиликни таъминлай олишмайди. Шунинг учун аёл эркакдан ё бир қадам олдинда, ё бир қадам орқададир. Аёл эркакдан бир қадам олдинда бўлса, эркакка ҳукмини ўтказади, лекин бу билан бахтга эришолмайди. Чунки аёл эркакнинг оиласи асраб-авайлаб, қўллаб-қувватлашини, уни ҳар доим кучли кўришни истайди. Эркак аёлнинг кўзига ожиз ва қўрқоқ кўринишни бошлиши биланоқ турмушда турли муаммолар чиқа бошлади.

– Баъзи уйларда аёлнинг айтгани бўлади, лекин эр-хотин ғоят бахтли кўринишади.

– Ташқаридан кўринганга алданиб қолма. Чунки ҳукмни ўтказадиган аёл билан яшайдиган эркак ўзини қафасга қамалгандай ҳис қиласди. «Айтганим айтган, деганим деган» қабилида иш тутадиган аёллар учун «хукуматдай аёл» деган ўхшатма бор. Агар аёл хукуматдай бўлса, эри албатта зинданда! Ёки эр зиндандан қочиш учун режа тузажетган бўлади.

– Тенглил бўлмаса, менинг эмас, Фарҳоднинг устун бўлиши адолатлироқ қўринар экан. Сиз билан суҳбатлашгач, тушуняпманки, биз ҳарбий хизматга борсин, Ватанини ҳимоя қиласин, курашсин, ўлсин, уйини қўллаб-кувватласин дейдиган эркакларнинг уйда бир пофона пастда бўлиши уччалик тўғри эмас экан...

– Жуда ўринли масалани айтиб ўтдинг. Гап ҳарбий хизматга келганида биз аёллар эркаклардан ортда қоламиз. Лекин ҳеч бир феминист чиқиб: «Нима бўлади? Биз нега эркаклардан ортда қоляпмиз? Биз ҳам ҳарбий хизматга боррамиз, биз ҳам ўлимга тайёрмиз!» демайди. Ватан ҳимоясида арслон бўлишини хоҳлаганимиз эркакнинг уйда қўзичоққа айланишини кутишимиз ақдга сифмайди.

– Ҳақсиз. Менимча, биз аёлларга оғир ботадиган нарса – эркакдан бир қадам ортда бўлиш.

– Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам севимли қизлари Фотимани никоҳлаётганларида шундай ўгит берган эканлар: «Қизим, сен эрингга чўри бўлгинки, эринг сенга қул бўлсин!» Ҳозирги аёллар ўзлари чўри бўлмай туриб, эрларнинг қулга айланишини хоҳлайди.

Бу ҳафтага шу суҳбатимиз етарли деб ўйлайман. Бу гапларимни қабул қилишинг ва ҳазм қилишинг бироз вақт олади. Ушбу масалани кичик бир латифа билан тутатмоқчиман: бир оға ўғилларини олиб, масжидга борибди. Жамоат намозини адо этаётганларида, имом энг олдинги сафга ўтгани учун ўғилларнинг асаби таранглашибди. Намоздан кейин имомнинг изидан тушишибди, кимсасиз бир кўчага кирганида ёқасидан олишибди:

– Сен ким бўлибсанки, оға отамиздан ҳам олдинда турасан? – дея имомни калтаклашибди.

Эртаси куни имом оғанинг ёнига бориби:

– Ўғилларинг нега оға отамизнинг олдида турдинг, деб жанжал қилишди. Намозда имом ҳаммадан олдинда туриши керак-ку!

Оға бироз ўйлаган бўлиб:

– Имом домла, тўғри айтасиз, лекин ўғилларим ҳам ҳақ. Чунки сиз жуда олдинда турасиз-да, – деган экан.

Бу ҳикоядан кейин имомнинг орқасида туришни хоҳламаган оғалар масжидга бормасин, эридан бир қадам орқада қолишни истамаган қизлар эрга тегмасин, дейман.

БЕШИНЧИ ҚАДАМ

Эринг сен учун ҳар доим биринчи ўринда бўлсин

– Ўтган ҳафтадаги қадам билан бир хил эмасми бу айтганингиз?

– Бир-бири билан боғлиқдек кўринади, лекин фарқли масалалар. Эркак хотинининг кўзида ҳаммадан севимлироқ, ҳатто ўз боласидан ҳам қадрлироқ бўлишни хоҳлайди. Аёlinи ўз боласидан қизғанадиган эркаклар ҳам бор.

– Ҳазиллашяпсизми?

– Йўқ, жиддий гапиряпман. Аёл она бўлганидан кейин ўзини ҳаддан ортиқ оналикка бағишлайди. Баъзи аёллар оналик билан ўзини йўқотади, десак ҳам бўлади. Аёлнинг бутун ҳаётини боласи эгаллаб олади: бола еди-емади, йиғлади-кулди, жим бўлди-гапирди, ухлади-ухламади, йиқилди, иссиғи чиқди, аксирди, йўталди,

қорни дам бўлди... Энди эрини эр сифатида эмас, боласининг отаси сифатида эслайдиган бўлади.

— Унда Фарҳод ҳам мени болаларимиздан қизғанаётгандир. Болалар гўдаклигида бу айтгандарингизни мен ҳам қилганман. Болалар туғилишидан олдин унчалик жанжаллашмасдик, ҳаммаси тўнничимиз туғилганидан кейин бошланди.

— Мутлақо тўғри! Чунки бола туғилгунича аёлнинг бутун эътибори эрига қаратилади. Лекин фарзандли бўлгач, эрини иккинчи ўринга қўяди ва бутун севгисини боласига беради. Қанийди фақат шу билан чекланиб, чегараланиб қолса! Эри ҳам камида у каби бола билан шуғуланишини хоҳдайди. Эри болага у кутганидек эътибор қаратолмаса, уни лоқайдликда, яхши ота бўломмаганликда айблайди. Ана шунда эркак нима қилишини билмай қолади. Уйда иккинчи даражали одамга айланиш оғир ботади ва жонидан ортиқ кўрган фарзандига ҳасад қила бошлайди. Ўзини бу аҳволга солгани учун аёлидан жаҳди чиқади. Шу тариқа эр-хотиннинг ораси бузила бошлайди. Бундай ҳолатда аёл ўзини боласига янада кўпроқ бағишлайди.

— Буларни мен ҳам бошимдан ўтказдим, лекин ўшанда хатоларимни билмасдим.

— Баъзан аёлнинг оиласи ҳам монелик қиласди. Айрим аёллар турмуш қурса-да, ота уйидан айрилолмайди. Онаси пиширган овқатлардан егиси келади. Ишқилиб, нимадир қилиб ҳафтанинг ярмини онасининг ёнида ўтказади. Ўзи боролмаса онаси келади, синглиси келади, уй ишларига ёрдам беради. Қизлар турмуш қургунча онаси билан келишолмай юрадијо, эрга тегиб

birdaniga onasi қадrli bўlib қoladi. Aёл ўз oиласи bilan shunchalik ofiz-buurn ӯpiшадiki, gўёki odamlar «ütirib қoldi» demasinalar deя erga tekkandek. Bu ҳolatda erkak ovozini чиқарmasa ҳam, kўngliga қattiq oladi. Ikkinchi ӯringa tushiш албатта unga ёқmайдi.

– Bu aytganlaringiz boшdan-oёқ ҳasad. Erkak хотинини oиласидан ҳam қizgananadimi axir?..

– Aёл ota uйiga boriб keliш muвозanatini тўғrilamasas, eriga tiniмsiz ўз oиласидан gapirsa, ularni eriga ўrnak қiliб kўrsatsa, ўз эри bilan oиласini taққoslasa, erkak қizganchiқlik қiladi, хотининi oиласi bilan kўriшишинi xoҳlamайдi, nimir қiliб йўлига fov bўладi.

– Farҳod oилam bilan kўriшиш borasiда menga tўsiқ bўlmadi, lekin onamlarникига boriшni uncha xoҳlamайдi. Onamlarникига borganimda ҳar doim ҳam menga ҳamroҳ bўlmайдi.

– Xa, ja buניסи ҳam bor. Aёл ўzinинг borgani etmaganday, ҳar doim erini ҳam olib boriшga ҳarakat қiladi. Erkak xoҳlamasas, oиласini яхши kўrmasligini aйтиб norozи bўладi. Xolbuki, erkaklarning akcari қайната-қайнanasinini яхши kўradi, lekin uйlariга boriшni xoҳlamайдi. Aёllar esa қайнatasinini яхши kўradiyu, қайнanalariдан faшlanadi, lekin uйlariга kўp boriшadi.

– Bu katta noҳaқlik emasmi sizningcha?

– Йўқ, unday emas. Чунки erkaklar tufigilib-ўsgan va ўргангандай жойи bўlganii учун ўз onalari uйida хотиржам bўладi. Erkak onasinining uйida sport kiyimini kияди, ётади, ўтиради, xoҳlaganini eйdi, болалик paitlariдагидек

бироз эркалик қиласи, ўз уйидек бемалол бўлади. Ҳолбуки, қайнананинг уйида куёв сифатида унчалик бемалол бўлолмайди. Уларни нақадар яхши кўрса ҳам, уйида меҳмон кабидир. Қайнанаси уни меҳмон қилишга урингани сари эркак беҳадоват бўлаверади.

– Шу ерда бир тўхтанг-да. Бу ношукрилик, нонкўрликтан бошқа нарса эмас! Онам Фарҳод билан борганимизда уни меҳмон қилиш учун эрим севган овқатларни тайёрлайдилар, унинг атрофида парвона бўладилар, лекин Фарҳод ҳечам севинмайди. Қачон онамларникига борайлик десам, чарчаганман дейди. Ўзининг онаси никига борадиган бўлса, бирданига чарчоги арийди!

– Бироз олдин айтган сабаблар туфайли шундай қиласи. Оғир иш кунидан кейин қайнанасиникига боришни хоҳламаслиги мумкин, чунки у ерда дам ололмайди, лекин онаси никига боришни хоҳлайди. Чунки у ерда дам олиши мумкин. Бу меҳр масаласи эмас, ҳаловат масаласидир. Масалан, бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Инжик, жанжалкаш онаси ва унга онадай муомала қиласиган қайнанаси бўлса, эркак онаси никинг ўрнига қайнанасиникига боришни афзал кўрар. Лекин истисно ҳолатларда бўлади ва юқорида айтиб ўтганим қоидани бузмайди: куёвларнинг тўқсон фоизи қайнанаси меҳмон қилиш учун югуриб-елгани сари нокулай аҳволга тушади ва хотинининг ота уйига боришни унчалик ҳам хоҳламайди.

– Майли. Дейлик, мен бу сабоқни англашим. Онамникига бораётганда уни мажбурламайман. Лекин худди шу мулоҳазани ундан ҳам истайман. У ҳам онаси никига бир ўзи кетсин унда!

— Яна олди-бердига тақаяпсан. Мен қадам қўйсам у ҳам қўйсин, қўймаса мен ҳам юрмайман деяпсан. Бу сўзларинг билан эркак фитратини ва дунёқарашини писанд қилмаяпсан. Эркаклар оналарининг уйига хотинларисиз бормайди. Бунинг сабаблари кўп. Биринчидан, эркак неча ёшда бўлишидан қатъи назар, унга ҳалиям ёш боладай қарайдиган оиласига «Мен энди катта одамман, менинг ҳам ўз оиласам бор, буни қабул қилинглар!» демоқчи бўлади.

Иккинчидан, ўзи борганида оиласи олдида хижолат чекади, гапига қулоқ тутиб, хотинини ўзи билан бирга олиб келолмаган ожиз эркак бўлиб кўринишни истамайди. Чунки бизнинг урф-одатларимизда қайнана-келин муносабатлари диққат марказда бўлади. Эркак онасининг уйига бир ўзи борса, бундан бир маъно изланади. Камида келин уларга аччиқ қилган, кўришни хоҳдамагани учун келмагандек тушунилади.

— Унда мен эримнинг ота-онасиликига ҳар доим у билан бирга боришим керак, у эса мен билан онамникига бормаса ҳам бўлади, деган ўйни миямга сингдиришим керак, шундайми?

— Албатта, эркак хотинининг ота уйига бормаса ҳам бўлади, демоқчи эмасман, вақти-вақти билан аёлининг ота уйига ҳам бирга бориши керак. Лекин аёл эрини ҳар доим онасиликига боришга мажбурламасин, шу сабаб билан ширин турмушига заҳар қўшмасин. Бу борада қиёслашнинг ҳожати йўқ. Чунки айтганимдай, ҳаётимизда урф-одатларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ўзаро борди-келдиларни ҳам эрнинг асабига тегадиган даражада қилмаслик керак.

— Мен эркакларни бундай деб ўйламасдим, жуда ҳам қизғанчиқ экан улар.

– Эркаклар аёли тарафдан уни иккинчи даражага туширилишига сабаб бўладиган ҳамма нарсадан нафратланади. Бу аёлнинг иши ёки меҳмонлари ҳам бўлиши мумкин. Аёл ақд билан ҳаракат қилиши зарур. Меҳмонлари қанчалик қадрли бўлса бўлсин, буни эрига сездирмаслиги керак. Аёл ота уйидан хурсанд бўлиб, оғзи қулогида қайтмасин, агар онасиникига bemalol бориб келишни истаса, албатта! Бу мавзуларда аёл бироз мулоҳазали ва оқилона иш тутса, кифоя. Онасиникига бориб, яқинларидан ҳолаҳвол сўраб келган бўлади, холос.

– Яъни аёл эрига «Ҳаётимдаги энг қадрли инсон сенсан!» деган маънони ҳар қандай ҳолатда ҳис эттира олиши керак демоқчисиз, тўғрими?

– Худди шундай! Хотинининг назарида энг қадрли, биринчи даражали инсон бўлишни хоҳламайдиган эркакнинг ўзи йўқ. Ҳаттоки хўжа Насриддин бўлса ҳам!

– Навбат ҳафта латифасига келди, шекилли.

– Ҳа, бу ҳафтадаги учрашувимизни ҳам бир латифа билан якунлайман.

Хўжа Насриддинни шаҳдо кўзли сулув деб, бир филай аёлга уйлантириб қўйишибди. Кеч кирибди, Насриддин бир коса қаймоқ олиб келиб, дастурхонга қўйибди.

Аёл филай бўлгани учун:

– Насриддин жаноби олийлари, нега икки товоқ олдингиз? Бир товоғи ҳам етарди, – дебди. Хўжа Насриддин уйдаги бир таомни иккита кўрса, зарари йўқ деб, қаймоқни ейишни бошлаган экан, хотин бу сафар:

– Хўжам, ёнингиздаги эркак ким? Илк кечамизда бегона эркак билан дастурхонда ўтирамизми? – дебди.

– Йў-ў-ўқ! Хотин, бу ишинг яхши эмас! Ҳамма нарсани иккита кўрсанг ҳам бўлади, лекин эрингни битта кўришинг керак, – деган экан Насридин.

ОЛТИНЧИ ҚАДАМ

Эрингни ўз тарозинг билан ўлчама

– Қанақасига?

– Аёллар ва эркаклар бир-бирига ўхшамаган ҳолатда яратилгани учун ҳаёт бозорида қўллайдиган ўлчов бирликлари ҳам фарқдидир. Аёллар тарозисида ўлчов бирлиги ҳис-туйғу, эркаклар мезонида ўлчов бирлиги мантиқдир.

– Унда бир-бирларини яхши тушунишлари учун аёл мантиқ, эркак эса ҳис ўлчовини ишга солиши керакми?

– Ҳа! Икки томон бир-бирини ўз тарозисида ўлчаса, янгишади ва ноҳақдикка учрадим, деб хафа бўлади. Фақат қарши томоннинг тарозисига кўра ўлчов олинса, ҳақиқатга яқин мезонга борилади. Қарши томоннинг тарозисини қўллаш учун эса уни яхши таниб, билиб, ўлчов бирликлари ҳақида маълумотга эга бўлиш зарур. Бунинг учун эса аёл ва эркакнинг фитратидаги фарқларини билиш керак.

– Фарқлари шунаقا кўпми?

– Анча-мунча! Физиологик ва психологик фарқларни санаб адo этиш мушкул. Соч терисидан тортиб тана ҳарорати, юракнинг уриш тезлиги ҳам бир-биридан фарқли. Буларнинг ҳаммасини билиш шарт эмас. Мен сенга керакли бўлган бир неча маълумотни бераман.

– Жуда ҳам қизиқиб қолдим. Тезроқ изланиб, барча фарқларни ўрганаман.

– Ўзинг биласан, қизиқаётган бўлсанг, ўрганганинг яхши. Аёл ва эркак орасида энг асосий фарқ бош мияда бўлади. Бош мия икки қисмдан иборат: ўнг ва чап мия. Ўнг томон ҳислар билан боғлиқ. Ҳис қиласидиган, ўйлайдиган қисм бош миянинг ўнг томони ҳисобланади. Чап мия эса ақд, мантиқ, рақам ва одатларнинг томони. Сўнгти изланиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёлларнинг саксон фоизи бош миясининг ўнг тарафини, эркаклар эса саксон фоиз ҳолатда чап томонини ишлатар экан.

– Хайрият, бу ерда ақалли рақамларда тенглик бор экан.

– Ҳа, қарама-қаршиликда тенглик бор. Бир-бирига қўшса, бутун бўлади.

– Мен ҳалиям тенглик деб тутиб олдим, қўйвормаяпман-а?

– Қўявер, секин-аста қутуласан. Бир неча йил ишониб келган, ҳимоя қилган фикрингни бирданига улоқтириб ташлай олмайсан. Энди яна бир неча фарқларни билиб олайлик, бошқа фарқларни ўрни келгандаги айтиб бераман.

– Мен эшлишга тайёрман!

– Аёл ва эркак ўртасидаги фарқлар жуда кичкина кўрингани билан муҳим бўлиши мумкин. Масалан, эркакларда метаболизм тезроқ ишлайди. Шунинг учун эркаклар аёллардан кўра кўпроқ овқатланишади, аёлларга қарагандаги ортиқча вазндан камроқ азият чекишади. Саксон кило вазнли эркак шу вазндаги аёлдан озгин кўринади. Шундай экан, аёл эри еганининг ярмини еса кифоя. У билан тенг овқатланадиган бўлсанг, икки баравар вазн ортирасан.

– Буни билиб олганим яхши бўлди. Ҳар доим қарайман, Фарҳод мендан кўп ейди, лекин ҳеч семирмайди, мен эса кам есам ҳам семираман.

– Яна бир фарқ эса эркакларнинг мушаклари билан боғлиқ. Эркаклар танасидаги мушаклар аёлларницидан икки баробар ортиқ. Шунинг учун ҳам эркаклар жисмоний жиҳатидан аёллардан кучли бўлади. Бу маълумотлар сенга нима учун керак бўлади? Эрингнинг жаҳди чиқаётганида баттар асабига тегма. Сукут сақла ва айтмоқчи бўлган гапларингни эринг тинчланниб олгандан кейин ётифи билан тушунтиришга ҳаракат қил. Эркаклар разабланганда жисмоний куч ишлатишади, аёллар эса бундай пайтда тилини ишга солади. Аёллар тиллари билан отадиган ўқларига эҳтиёт бўлишлари керак. Зоро, тил жароҳатининг тузалиши бироз қийин бўлади.

– Ҳа, ўзи эрим қизишган пайтларда мен ҳам бақирсам, Фарҳод баттар разабланади. Баъзан эшикни қаттиқ тегиб чиқиб кетади, тинчланмагунча уйга келмайди.

– Жаҳди чиққанида сенга куч ишлатмасликдан қўрққани учун уйдан чиқиб кетар балки? Бу жуда яхши услуб. Яна бир фарқ – кўринмас кучларда. Аёллар дунёсининг ўлчови ҳислар, эркаклар дунёсининг мезони куч-кудрат ҳисобланади. Аёллар ҳис-туйғулари билан мақтанса, эркаклар кучлари, ишлари, эришган муваффақиятлари, пуллари ёхуд машиналари билан мақтанади. Ҳис-туйғу эркак дунёсида муҳим саналмайди. Ҳаттоки эркаклар ҳисларини куч-қувватдан айрилишдан кўрқиб, ҳар доим ҳам ошкор қилавермайди.

– Жуда тўғри айтяпсиз! Ўғлим ҳам ҳали

кина бўлса-да, ўйиндаги муваффақияти билан мақтанади. Қуввати, кучи билан мақтанади. Ҳар доим «Ойи, мен сизни ҳимоя қиласман, қўрқсангиз менга айтинг», деб туради.

– Эркакларнинг фитратида бу нарса бор. Қолаверса, биз кичиклигидан улардаги бу хусусиятни қўллаб-қувватлаймиз. Ўғилларимизни овқатлантираётганимизда «Есанг кучли бўлсан!» деймиз. Қизларга эса «Емасанг катта бўлолмайсан, бўйинг ўсмайди, калта бўлиб қоласан», деб жисмоний гўзаллигига эътибор қаратамиз.

– Қаранг, буни ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Ҳақиқатан, қизимни овқатлантираётганимда шундай деганимни эслайман. Ўғлимга ҳам «Егин, кучли бўл, ка-а-аттакон эркак бўл», деб едираман.

– Эркак учун куч-қувват жуда ҳам мухим. Шунинг учун ҳам эркаклар куч-қувват ҳақида аёл томонидан бўладиган танқид ва мазахлардан жаҳланади, эътироф ва илтифотлардан мамнун бўлади. Қандай иш билан шугулланиши, кўп-оз пул топиши, қандай мавқеда ишлашидан қатъи назар, раҳбарми ёхуд фаррошми, эркак аёлининг назарида унинг қаҳрамони бўлишни хоҳлади. Аёл эрига қаҳрамонга муомала қилгандек муомала қиласа, эркак ҳам унга маликага қарагандек қарайди.

Бу ҳафталик сұхбатимиз ниҳоясига етди.

ЕТТИНЧИ ҚАДАМ

Эрингга сўзлаётганингда элакдан фойдалан

– Тарозидан кейин элакка келдик, қани, давом этаверайлик-чи. Ишқилиб эркаклар учун ҳам қандайдир асбоб-ускуналар қолгандир.

– Нима бўлди, Ширин, мавзу сенга маъқул келмадими?

– Нега фақат биз аёллар бир нималар қилишимиз керак? Шуни ҳалиям тушунмайман-да.

– Эркаклар қилиши керак бўлган ишларни Фарҳод билан гаплашамиз. Буни аввал ҳам айтгандим. Сен эса ўзинг қўядиган қадамларга эътибор беришинг керак. Унинг қадамларига қарама. Энди мақсадга кўча қолайлик. Аёл эри билан гаплашаётганида элак ишлатиши даркор. Хаёлига келган ҳар қандай нарсани, оғзига келганини гапириб юрмасин. Сўзлашдан оддин сўзларини элакдан ўтказиб, ғадир-будирларини четга суриб, ундан кейин гапирсин.

– Хўш, кўрайлик-чи, нималарни элакдан ўтказар эканмиз.

– Аёл ҳамма нарсадан оддин гапириш оҳанганини элакдан ўтказсин. Баланд овозда, бақир-чақир қилиб гаплашмаслиги керак. Эркаклар ёқтирумайдиган, ҳатто нафратланадиган ҳолат – аёл кишининг баланд овозда бақир-чақир қилиб гапириши. Унга болалиги ва онасини эслатгани учун баланд овозда гапираётган хотини ўзига боладай муомала қилаётгандек туйилади.

– Фарҳод ҳам овозим баланд чиқишини ёқтирумайди. Менга «Овоз оҳангингни кўтарма!» дейди.

– Иккинчидан, айблашларни элакдан ўтказ.

Аёл эрини айблаши мумкин эмас. Эркаклар айбланганда ўзини қадри ерга урилгандай ҳис қиласы, шу боис бундай пайтда ҳаддан ташқари жаҳдолор ва таъсирчан бўлишади.

– Фарҳодга бирор хатосини айтсам, дарҳол қовоғини солиб олади.

– Эркак танқидни куч-қувватига хужум қилингандек қабул қиласы. Хотини томонидан тинимсиз танқидларга йўлиқсан эркак бир муддатдан кейин ўзини қадрсиз деб ўйлаб, хотинидан узоқлаша бошлайди. Ўзини эътироф этиб, ёқтирган бегона аёлга илакишиши ҳеч гап эмас.

– Жуда нозик масала, дейғиз-да.

– Худди шундай! Учинчидан, дардларингни элақдан ўтказ. Аёл эрига дарду ташвишни ҳадеб сездирмаслиги керак. Баъзи аёллар эридан мақтов олиш учун кун бўйи нималар билан шуғулланганини, қанчалик қаттиқ чарчаганини, хонадони учун нақадар фидойилик қилаётганини кунига икки-уч маротаба такрорлайди. Аёл эътироф ва мақтов кутади, эрнинг қовоғи солинади, юраги сиқилади. Аёллар шунчаки «сұхбат», «гурунг» деб ўйлаган баъзи мавзулар эркаклар томонидан шикоят деб тушунилади.

Шунинг учун ҳам аёл эркакка қанчалик қаттиқ чарчаганини сўзлаш феълидан воз кечиши керак. Катталаримиз бежизга «Сўзни сўйла уққанга, уқмаса ўтирил, сўйла деворга», демаган. Модомики, гапларингни эркак янгилиш тушунар экан, унда ўша сўзинг айтилмай қолаверсин.

Айниқса, болаларингдан отасига шикоят қилма. Болаларга тааллуқли муаммоларни шикоят қилгандай эмас, ёрдам ва фикр олиш учун гапираётгандек сўзла.

– Ҳали эланадиган кўп нарса бор, шекилли?

– Тўртингидан, пичинг-кесатиқларингни ҳам элакдан ўтказ. Коса тагида нимкоса билан гапирма! Эркаклар аниқ-тиниқликни хуш кўради. Эрингга пичинг қилиб фойда кўрмайсан. Ҳатто қўлидан келадиган иш бўлса ҳам, эринг кесатиғингдан жаҳди чиқиб, ўша ишни қилмаслиги мумкин. Эркаклар нолимасдан, айбламасдан очиқ ва аниқ тарзда ёрдам сўралганида ёрдам беришади. Эркаклар ёрдам беришни яхши кўришади. Уларга муҳтоҷлик сезиш эркакларга хуш ёқади. Фақат аёл ёрдам сўрашни билса, бас.

– Майли, пичинг, нолиш, шикоят, танқид ва айбловларни элакка солдик. Тўғриси, қизиқяпман, эланадиган яна нима қолди?

– Яна бир нарсалар бор. Аёл эрини асло мазах қилмаслиги зарур.

– Эркак ҳам хотинини мазах қилмаслиги керак.

– Тўғри айтасан. Масхара-мазахлар кишини ранжида қиласди. Эркак масхара қилинганида ўқ еган арслондай бўлади. Эркак ҳамма нарсани унутиши мумкин, лекин хотинининг масхара қилганини ҳеч қачон унутмайди. Қанчалик жаҳлинг чиқса ҳам, ҳеч қачон мазах қилма, қизим. У сени мазах қилган бўлса ҳам, сен қилма. Душманга ўзининг қуроли билан ўқ узиш мумкин, лекин у сенинг душманинг эмас, умр йўлдошинг, турмуш ўртоғинг. Унинг хатосига ундан кўра каттароқ хато билан жавоб берма! Айниқса, оиласининг ёнида, болаларингнинг кўз олдида эрингни камситма.

– Бир дугонам эрига «Мен оғилдаги ҳайвонларга қарагандек сенга эътибор бермайман», дебди. Эри ўша кундан бери унга совуқ муомала қилармиш...

– Жуда қаттиқ гапирибди. Эр-хотин бир-бирини ранжитиб ҳеч қаерга боролмайди. Эрингнинг иши, унинг муваффақиятсизлигини дастак қилиб олиб масхаралама. Муваффақиятли бўлиши учун унга босим ўтказма, эркаклар шундоқ ҳам муваффақиятли бўлиш, нималаргадир эришиш, пул топиш учун қўп уринишади. Ўзларига ўзлари босим ўтказади. Бунинг устига хотинининг босими эркакнинг фақат ғазабланишига сабаб бўлади.

– Бўпти, элакни ишлатаман, бақирмасдан, буюрмасдан, танқид қилмасдан, айбламасдан, пичинг қилмасдан, дардимни достон қилмасдан гапираман. Лекин сабрим чексиз эмас-да. Менга нисбатан хатолари бўлганида, юрагим сиқилганида бунга уни қандай айтаман?

– Сукут билан айтасан. Лекин қовоғингни осиб эмас. Юрагинг сиқилганини жуда чиройли юз ифодаси билан кўрсатасан. Ҳар хил юз ифодаси бор. Қовоғингни осма, аразлама, лекин маъюс ўтири, кам гапиргин. «Аёлнинг сукути кулоқни қоматга келтирадиган ҳайқириқдир», деган гапни бир фильмдан ёзиб олгандим. Эркаклар аёлларнинг кўп гапиришидан кўра аслида уларнинг сукутидан кўпроқ безовта бўлади. Юзингга нозиккина қилиб «ранжиридим» деган ифодани кўндирасан. Маъюсгина термилиш эрингнинг хатосини тушуниши ва пушмаймон бўлиши учун сенинг бақир-чақирингдан таъсирлироқдир.

– Бу гапларингизга амал қилиш жуда ҳам қийин. Индама, жим бўл деяпсиз, устига-устак, назокат билан сукут сақла, деяпсиз. Аёл сукут қилса-да, назокатини унутмаслиги керакми?

– Сукут ҳам назокатли бўлгани маъқул. Сукут-

нинг турлари кўп. Жим бўлиб: «Аллоҳ жазоингни берсин, ўлиб кетмайсанми?! Бунинг аламини сендан чиқармасамми ҳали?! Ўзингни ким деб ўйлаяпсан?» деганга ўхшаш ҳақоратлар ёғдираётган бўлишинг мумкин. Шунинг учун юз ифодаси сўзлардан ҳам қимматлидир. Жисм тилида сўзларнинг қадри ўн фоизгина. Қолгани термилиш, қараш, туриш, овоз оҳангига ва ҳатти-ҳаракатлардадир.

– Сизни тинглар эканман, шуларни ўйлаб қолдим: кўп ҳолларда нималар қилганимизни сезмаймиз. Масалан, қарашларимиз билан кўп нарсаларни тапириб қўйиб, кейин «Мен унга нима дедим?!» деб ўзимизни оқдашга уринамиз.

– Аёллар ойна қархисида ўтириб чиройли бўлиш учун ўтказган вақтининг ярмини «Ажабо, қарашларим билан нималарни демоқчи бўляпман, табассумим чиройлим?» деб синаб кўрсалар, ўшандা янада чиройли кўринишни уddeлар эди. Одамзод Аллоҳ яратган юзини, кўзини ўзгартириши мумкин эмас, лекин қарашини, кулишини ўзгартира олади.

– Фарҳод бу гапларингизни эшитса, ишончим комилки, менга: «Сенга шуни айтмоқчи эдим, менга ўқрайиб қарамай!» дерди!

– Ундей бўлса, бу ҳафтани ойна қархисида қарашларинг ва юз ифодаларинг билан нималар демоқчи бўлишингни кузатиб ўtkaz.

САККИЗИНЧИ ҚАДАМ

Умр йўлдошингни яхшироқ билиб олишга урин

— Муштарак жиҳатлардан кейин энди шахсият тафсилотларига келдик чофи?

— Худди шундай. Тўгри, аёл ва эркакнинг муштарак жиҳатлари бор, лекин ҳар бир киши ўзига хос феъл-авторга эга. Шунинг учун инсон умр йўлдошининг характерини яхшигина таҳлил қилиши ва шунга кўра муомала қилиши зарур. Ҳар кишининг нозик нуқталари бор. Масалан, баъзи эркаклар овқат вактида тайёр бўлмаса, жаҳли чиқади. Бошқа бири эса уйни бетартиб кўрса, разабланади. Шунинг учун эрингни яхши билиб олишинг ва ўзига хос нозик жиҳатларига эътибор қаратишинг керак.

— Фарҳод баъзан ошхонада менга ёрдамлашади. Салат тайёрлайди, саримсоқ қайлали макарон пиширади. Лекин ошхонани тўзғитиб юборади. Кейин мен йифишириб, супуриб-сидиришимга тўғри келади. Ҳамма жойни тўзғитмасдан ёрдам беришини сўрасам, жаҳли чиқади. Бошқа ёрдам қилмаслигини айтиб, ошхонадан чиқади...

— Аёллар ва эркаклар бир ишни бажарса-да, бошқа-бошқа тарзда амалга оширишади. Буни қабул қилиш керак. Эркак кишидан уй ишини ёки овқат тайёрлашни аёлга хос тарзда бажарини кутиш нотўғри.

— Ўзи эркаклар бирор ишни тузук-куруқ бажармайди. Масалан, мен чарчаган ёки бетоб бўлсам, Фарҳод ошхонани йифиширади, идиш-тобоқларни ювади, лекин ҳеч қачон газ плитасини тозаламайди. «Менинг ўзимга хос принципим

бор, газ плитасини артмайман!» дейди.

– Менимча, қилган ишларига рози бўлганинг маъқул. Гапираверсанг уларни ҳам қилмайдиган бўлади. Қолаверса, ҳар бир кишининг оиласидан кўриб ўргангани ҳар хил. Бу эса одамларга ҳаётга узига хос нуқтадан қараашни ўргатади. Масалан, бир эркак шундай деган экан: «Рўпарамдаги қўшни жуда хотинчалиш-да. Мен қачон балконни тозаласам, у кирларини осади...» Яъни ҳар кишининг қараashi, нуқтаи назари бошқача. Шунинг учун ҳам умр йўлдошини яхшилаб таниб, билиши керак инсон.

– Шу жиҳатларга баъзан эътибор бермаймиз.

– Бу жуда муҳим жиҳат. Масалан, батъзи аёллар атрофдан келган дўстона насиҳатларга эрининг феъл-атворини кўзда тутмасдан амал қилишади. Аёллар эри билан турмушларидаги масалаларни гаплашишни яхши кўради. Аёл кишининг уйида бирор дарди бўлса, уни дугоналари ёки қариндоши билан муҳокама қилмасдан туролмайди. Аёлнинг дардини эшитган сұҳбатдош хотин эса ақл ўргатмасдан, йўл-йўриқ кўрсатмасдан туролмайди. Акс ҳолда ёрилиб кетиши мумкин. Мана шу нуқтада эътиборли бўлиши даркор. Берилган тавсиялар эрингга ёхуд оиланг табиатига бир неча ўлчам катта ёки кичик келиши мумкин. Ана ўшандада уйда ишлар чалкашиб кетади.

– Бир дугонамнинг шундай машмашаси бор. Уни сизга айтиб бераман. Дугонамга қўшни аёл: «Мен пул олмай туриб эримни ўзимга яқинлаштиrmайман», деб эри билан орасидаги сирни айтиби. Дугонамга бу жуда ёқиб тушибди. Кечаси эри ёнига яқинлашганида «Пул бермасан-гиз бўлмайди», дейди. Эрининг шундай жаҳди

чиқибдики, дугонамни күчага ҳайдаб, «Пул билан бўладиган бўлса, кўчада тиқилиб ётибди!» дебди...

– Интернет ҳам шундай янгиш йўлларга судраши мумкин. Жуда кўп сайтларда оилавий масалаларда мақолалар бор. Қарийб ҳамманинг турмуш ўртоғи билан боғлиқ ташвиш-муаммоси бўлгани учун давлатга оид масалалардан кўра ундан саҳифалар кўп ўқилади. Аксарияти тест кўринишида ёки модда-модда қилиб ёзилган. «Эрингиз сизга хиёнат қиласми? Буни ўн одимда билиб олинг...», «Сизни ҳалиям севадими? Синаб кўринг...», «Романтик оқшом учун нималар қилиш керак?..», «Эркакнинг ёлгон гапираётганини қаердан билиш мумкин?» тарзидаги бир-бирини такрорлайдиган тестдар ва гўёки тўғридек кўринган тавсиялар бор. Уларга ҳаддан ортиқ ишониб, амалга татбиқ қилишга шошилмаслик керак. Чунки бу ҳолатларнинг аксарияти кишининг табиати билан боғлиқ масалалар.

– Ҳа, бир марта газетада шундай тестни тўлдирганимда, «Эрингиз сизга хиёнат қиласди» деган жавоб чиққанди. Бир неча кун Фарҳодни пойлаб юрдим, лекин хиёнат қилаётгани ҳақида ҳеч қандай далил тополмадим.

– Аёл эрини газетадаги тестларга қараб эмас, воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабатига қараб осонроқ таниб олади, буни эсингда чиқарма. Бу ҳафта эрингни яхшилаб кузат ва уни янада яқиндан танишга ҳаракат қил.

ТҮҚҚИЗИНЧИ ҚАДАМ

Умр йўлдошингни ўзгартиришига уринма

– Барибир ўзгаришмайди-ку? Шундай гапни ўқигандим: аёллар турмушга чиқмасдан олдин эркакнинг ўзгаришини умид қилишар экан, эркаклар эса аёлнинг ўзгармаслигини. Турмуш қургандан кейин эркак ўзгармас, аёл ўзгарар экан. Фарҳод менга: «Турмуш қуришимиздан аввал боши эгик, нима десам хўп дейдиган қиз эдинг, ҳар доим шундай қоласан, деб ўйлардим, лекин мутлақо ўзгариб кетдинг», дейди. Лекин мен Фарҳодни ўзгартиrolмадим.

– Ҳар бир аёлнинг миясида бир эркак тасаввури бор. Бу хаёлий эркак ҳам бўлиши, аёлнинг яхши кўрган бирор қариндоши ёки бирор сериал қаҳрамони ҳам бўлиши мумкин. Аёл кўп ҳолларда ўзи ҳам билмасдан, эрини ўша қолипга солишига ҳаракат қиласди. Эркак эса умр йўлдоши уни бир қолипга солиб қўймаслигига қарши тиришади. Аёл эркакка ўзгариши кераклигини очиқ-ойдин ёки билвосита тушунтирас экан, эркак қаттиқ хафа бўлади. Аёл эрига уни севишини қанча кўп айтса-да, ўзгаришини талаб қилса, эрининг ҳафсаласини пир қилишдан бошқа ишга ярамайди. Эркакдан романтик бўлишни талаб қилган аёл эркакни романтикандан яхшигина совитади.

– Мен энди Фарҳоддан романтик бўлишини кутмайман. Бир неча йилдан бери романтик эркак бўлсин деб уриндим, тиришдим, унга бир неча бор буни айтдим, лекин бирор фойдаси бўлмади. Мен ундан қатъий талаб қилаверганим

сари киборликни, вақти-вақти билан қиладиган сюрпризларни ҳам унуди.

– Жуда ўринли ва ҳақли хулоса. Аёл эркакка босим ўтказгани сари эркак оддиндан қилиб юрган яхши ишларини түхтатади. Чунки умр йўлдоши томонидан хуш кўрилмаслик эркакни қаттиқ жароҳатлайди. Эркак ўзини камситилган санайди. Эркаклар бу ҳолатда ранжиганларини ҳам тилга келтиришмайди. Хотиннинг эрини ўзгартиришга уринишлари туфайли эркак ўзининг мукаммал эмаслигидан эзилади, бундан ҳам яхши эр бўломмагани учун уяла бошлайди. Бу ҳолатда эркак яхши томонга ўзгариш ўрнига ўзи ҳам хотинидан қусур излай бошлайди ва аёлинни оғринтиради.

– Аслида жуда ҳам кўп нарса кутмаймиз-ку, нега истаганларимизни бажара олишмайди?

– Сен учун кўпдай туйилмас, лекин эркакка оғирлик қилиши мумкин. Аёл кўнгли: «Эрим футбол томоша қилмасин, ўртоқлари билан учрашиб юрмасин, ҳар доим ёнма-ён, бирга бўлайлик», дейди. Лекин бу – ҳаёт, инсоннинг хоҳдагани ҳар доим ҳам бўлавермайди. Чунки бу ҳолат эркак фитратига қарши. Айтайлик, аёл шантаж ёки бошқа йўллар билан эрини ҳар кеча уйда ушлаб туришга эришади. Лекин эркакнинг бу кўнгилсиз розилиги уйга меҳрли бўлишини таъминламайди.

– Буни қаранг, бу гал менинг хаёлимга бир латифа келди. Мавзуга алоқаси бор, менимча. Онаси болачани шўхлик қилгани учун койиб танбех бериди. «Бор, анави ўриндиқقا ўтиргин ва мен тур демагунимча у ердан зинҳор турмагин!» дебди. Бола бориб ўриндиқقا ўтирибди. Бир неча дақиқадан кейин: «Ойижон, ташим

ўтирибди, ичим ҳалиям тик турибди. Ҳеч нарса қилмайдими?» деб сўрабди.

— Мавзуга мос келди. Мажбуrlаш орқали яхшиликка етиб бўлмаслиги чиройли тасвирланибди. Эркак ҳам хотини томонидан тўсиқларга йўлиққанида, таши уйда бўлса-да, ичи уйда бўлмайди.

— Бўпти, эримни ўзгартириш учун махфий-ошкора барча истак ва ташабbusларимни бу ҳафта йўқотишга ҳаракат қиласман. Уни борича қабул қилиб севаман.

ЎНИНЧИ ҚАДАМ

Умр йўлдошинг учун ўзгар

— Нега энди ўзгаришим керак?

— Хол-аҳволингдан мамнун бўлмасанг, бир нималар ўзгаришини хоҳласанг, эрингни ўзгартиrolмаганингга кўра ўзинг ўзгаришинг керак. Зотан, аёл ўзгарса, эркак ҳам ўзи билмаган ҳолатда ўзгаради.

— Мен ўзгарсан; Фарҳод ҳам ўзгарадими?

— Ҳа, сен ўзгарар экансан, у аввалгисидек қолиши мумкин эмас. Икки киши бирлашганидан кейин албатта учинчиси туғилади: аёл билан эркак бирга бўлганида боладан аввал муносабатлар пайдо бўлади. Ўзаро алоқа эркак ва аёлнинг муносабатларидан юзага келади. Бирининг хатти-ҳаракатлари ўзгарганида, ораларидаги муносабат ҳам ўзгаради. Никоҳ эр-хотин муносабатларининг бешиги ҳисобланади. Никоҳдан аввал танишиш ва унаштириш даври ўзаро алоқаларнинг ҳомиладорлик давридир. Бирга яшамасдан туриб қандай қилиб болангиз бўлишини аниқ би-

лолмайсиз. Муносабатларнинг туғилиши никоҳдан кейин, бир уйда яшай бошлагандан кейингина ҳақиқий тус ола бошлиди. Муносабатлар ҳам худди чақалоқдек. Туғилади, ўсади ва ўлади. Яхши парвариш қилинса, узоқ йиллар яшайди.

– Бизнинг муносабатларимиз ҳам ўлар ҳолатга кеалганди.

– Бутунгача уни тўғри парваришилаганингизда бу аҳволга тушмасдингиз. Муносабатларингизни севги билан ҳам озиқлантиришингиз мумкин, шунингдек, ранжиш, разаб, қайсарлик ва рашк билан ҳам. Қандай йўл тутиш сизга боғлиқ.

– Жуда кўп хато қиласмиш. Балки бунга сабаб ҳам ўзимиздирмиз. Иккимиз ҳам яхши инсонлар бўлсак, балки баҳтли-хотиржам яшардик.

– Икки кишининг ўзаро бир-бирини яхши тушуниши, баҳтли оила қуриши учун иккисининг ҳам яхши инсон бўлиши талаб қилинмайди. Икки ёмон ҳам бир-бири билан ўзаро яхши муносабатда бўлиши, бир-бирини тушуниши мумкин. Бир яхши ва бир ёмон ҳам яхшигина келишиши, икки яхши инсон эса ўзаро келишолмаслиги мумкин. Сув кислород ва водороддан ташкил топган. Иккиси бирлашиб, «сув» деган мутлақо бошқача нарса пайдо бўлади. Эр-хотинлик муносабати ҳам иккисининг бир-бирига нисбатан тутум ва хатти-ҳаракатлари билан шакллангани учун муносабатлар жуфтларнинг тутумига қараб ўзгаради.

– Шунинг учун томонлардан бирининг ўзгариши билан муносабатлар ҳам ўзгаради, дейсизми?

– Ҳа. Эрининг хатти-ҳаракатларини ўзгартиришга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Лекин саъи-ҳаракат қиласа, ўзининг хатти-ҳаракатларини ўзгартира олади. Бироқ аёллар ўзгариш бора-

сида қатъий бўлолмайди. Ўзгаришни истайдилар, лекин ҳамон жавобини олиш, самарасини кўришни хоҳдаганлари учун муносиб жавоб ололмагач, бир зумда воз кечадилар. Бир зумда енгилиб, воз кечмасалар, турмушларида чиройли ўзгаришларга дуч келишади.

– Бу фақат биз аёлларнинг айбими? Эркаклар ҳам аёлларни қўллаб-куватламайди. Ҳозир сиз билан суҳбатлашар эканмиз, бир неча бор ўзгаришга ҳаракат қилганим хаёлимга келди. Масалан, бир дугонамникига боргандик, дугонам тинимсиз эрига «Хўжайин, хўжайин» дерди. Уйга келганимизда Фарҳод: «Сен менга ҳеч қачон хўжайин демагансан!» дея ўкинди. Мен эртаси куни «хўжайин» дегандим, кулди. Бошқа ҳеч қачон айтмадим.

– Шириной, жуда ўринли гапирдинг. Зеро, бутун масала мана шу! Аёл ўзгариш учун бошқача нарсаларни ўйлаб топиб, турмушда қўлласа, бу эрига ғалати туйилиши мумкин. Кулиши ёки нима қилишни билмасдан ҳеч қандай муносабат билдирамаслиги мумкин. Бу ҳолатда аёл: «Нима қилсан ҳам фойдаси бўлмайди, бу одам ҳеч нарсани тушунмайди ёки устимдан кулади», деб дарҳол воз кечмаслиги зарур. Истагини амалга оширишда давом этса, бир муддаттан кейин эрида ўзи кутган ўзгаришларни кўра бошлайди.

– Яъни «хўжайин» дейишда давом этганимда, ўрганиб кетардик, шунақами?

– Ҳа, муҳими қатъиятли бўлиш, воз кечмаслик.

– Бу қадамни ҳам қўйишга ҳаракат қиласман. Лекин бу бироз узоқ муддатли бўлади.

– Зеро, ҳамма нарсани бирданига бажарисингни кутмайман, дегандим. Бажаришга уриниб кўришингнинг ўзи бир қадамдир.

ЎН БИРИНЧИ ҚАДАМ

Нозик масалаларда эътиборли бўл

– Муҳаббатнинг ётоқхонасига қелдик, чоғи...

– Ҳа, нозик муносабатлар, яъни жинсий ҳаёт эр-хотин ўртасидаги муҳаббат воситасидир. Шунинг учун бу борадаги муаммолар эр-хотинни бир-биридан узоқлаштиради. Эр-хотин ўртасида бир ноҳушлик рўй берса, буни жинсий ҳаётига ҳам таъсириши мутлақо янгиш. Ҳолбуки, буткул акси, яъни ётоқхона ноҳушликни бартараф қилувчи, яқиндик ва муҳаббатга васила бўладиган макон бўлиши керак...

– Зиддиятларни ётоқхонада ҳал қила олган эр-хотин бўлиши мумкинми? Менга бунинг иложи йўқдек туйиляпти. Одам хафа бўлса ёхуд жаҳди чиқса, бир-бирига ҳатто тегинишни ҳам истамайди. Қандай қилиб у ерда иноқлашиш мумкин?

– Аслида муаммо шундай ўйлашингда.

– Табиий ҳолат эмасми бу? Катта ёки кичик дардлардан улкан зарарни биринчи бўлиб жинсий ҳаёт кўради, албатта. Менинг бир укам вафот этди. У ўлганидан кейин ота-онамнинг жинсий ҳаётлари тугади. «Ўғлимиз тупроқ остида ётар экан, биз қандай қилиб бундай нарсаларни ўйлай оламиз?» дейишиди.

– Катта эҳтимол билан буни онанг айтган. Ҳўш, ўша кундан бошлаб ота-онангнинг муносабатлари қандай?

Ширин бироз ўйга ботди:

– Ўша билан боғлиқми ёки укамнинг вафоти туфайлими, билмадим, аммо ўша кундан эътиборан ота-онам бир-бирларига бегоналашиб

кетиши. Бир-бирларини жуда қаттиқ севишарди. Отам онамнинг кўзларига қараб турар, бетоб бўлиб қолсалар, уйга шифокор олиб келардилар. Ўша кундан кейин отам онамга умуман меҳр кўрсатмадилар: «Худдий бир тобм остидаги бегоналардай бўлдилар.

— Ўлим орқада қолганларни бир-бирларига янада кўпроқ яқинлаштиради. Эҳтимол, отонангнинг бир-биридан узоқлашишига жинсий ҳаётнинг тугагани сабаб бўлган. Эркак ва аёл орасидаги фарқлардан энг муҳими ҳам жинсий ҳаётга оид фарқдир. Жинсий ҳаёт эркаклар учун ейиш-ичишдай табиий эҳтиёж ҳисобланади. Очқаса, овқатлангандай бир ҳолат яъни. Аёл физиологияси бундай бўлмагани учун аёллар эркакларни тушунишда қийналади. Эркакнинг жинсий эҳтиёжи кўп ҳолларда аёлларга ортиқчалик қиласи ва турмуш ўртоғини рад этади. Рад этилиш эса эркакларни ҳаддан ортиқ ранжитади ва жуфтидан узоқлашишига сабаб бўлади.

— Лекин мажбуран рад этади-да. Чарчаган бўласан, касал бўласан, жаҳлинг чиққан бўлади, хафа бўлган бўлишинг мумкин ёки хоҳла маётган бўлишинг мумкин, албатта бир сабаби бўлади-ку. Эркак шундай пайларда хотинини тушуниши керак, деб ўйлайман.

— Аёл жинсий ҳаётдан завқланмаса, жуда кўп баҳона топади, албатта. Қолаверса, чарчаганлик баҳона бўлмайди. Авваллари аёллар сойдан олиб келинган муздай сувда ювенишган, ҳозир ҳамманинг уйида иссиқ сув бор. Ҳаммомга тушиш чарчоқни аритади. Динимиз нуқтаи назаридан қаралганда ҳам, севикли Пайғамбари миз соллаллоҳу алайҳи васаллам оила баҳти учун аёл эрини рад этмаслигини насиҳат қилганлар.

Оила саодатининг замирида жинсий ҳаёт ётади. Бу борада бир-бирини тушунмаган жуфтлар очиқ-ойдин ташқарига акс эттиромагани учун муаммоларининг аламини ундан-бундан чиқариб, майда-чуйда нарсалар учун жанжаллашиб юришади.

Ширин ҳечам овозини чиқармади. Фақат ерга қараб ўйланиб турди.

– Аёл жинсий муносабатни мажбурият билан эмас, завқланиб, яйраб ўтказиши керак. Агар аёл жинсий ҳаётдан завқланмаса, демак, унинг бир дарди бор ва аввал яхшигина муолажа олиб, даволаниши зарур.

– Биламан, бунинг учун дорилар ҳам бор экан. Фарҳоднинг шарофати билан билиб олдим.

– Қанақа дорини айтиётганингни тушунмадим.

– Мен ҳам жинсий ҳаётни хуш кўрмайдиган аёлларданман. Турмушда жинсий ҳаёт ҳеч қачон бўлмаса, курсанд бўламан.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим.

– Бир куни Фарҳоднинг иш столи тортмасида бир дори топиб олдим. Бу дори оддин уйимизда йўқ эди. Нималигига қизиқдим ва дорихонага олиб бориб кўрсатдим. Дорихонадагилар аёлларнинг жинсий майлини орттирувчи дори, деди. Қанчалик уялганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Ширин бир муддат жим қолди, чукур-чукур нафас олди. Сўнг давом этди:

– Кечки пайт Фарҳодга дорини қўрсатиб, бу дори нега кераклигини сўрадим. Аввалига айтишни хоҳламади. Ранги-туси ўзгарди, кейин иқрор бўлди. Дорини мен учун олган экан, баъзан кечалари маъданли сув ичганимизда менга билдирамай ичига ташлаб, ичирап экан.

– Демак, эрнинг қўлидан маъданли сув ичмаслик керак экан...

– Илтимос, кулманг.

– Айбга буюрмайсан, бирдан хаёлимга турк сериалари келди. Майли, эрингнинг нияти ёмон эмас. Сен билан тунларни ширин ўtkазиш учун қилибди.

– Ҳа, ширин кечалар ўтказаман деб оз қолибди мени ўлдиришига. Чунки дорини сўраганимда фармацевт «Қон босими баланд кишилар учун мумкин эмас! Уларга ноxуш таъсирлари бор», дея мени огоҳлантириди. Менда қон босими баланд.

– Фарҳод буни била туриб қилмагандир.

– Ноxуш таъсири борлигини билмасмиш. Ўйлаб кўринг-да, мен бу дори сабабли ўлсайдим, Фарҳод яхши ниятда хотинини ўлдирган эр бўлиб қамалиб кетарди. Жиноятини сўраганларга нима дерди, ажабо? Бундай жиноятдан қамалганлар сўраганларга қандай жавоб қиласкан?!

– Фарҳоднинг нияти ёмон эмас. Бошқа аёлга бориш ўрнига сен билан баҳтли бўлишни хоҳдабди. Ҳа, топган чораси нотўғри. Демак, бошқа чора тополмабди. Эҳтимол, интернетда reklamasini кўриб, ўша маҳсулотга буюртма берган. Лекин бу дорилар муолажа учун эмас, аксариятининг ноxуш таъсири бор. Зеро, жинсий истаксизлик дори билан эмас, терапия ва таълим билан даволанадиган муаммо.

– Ўша дорининг менга ҳеч қандай фойдаси бўлмади. Соҳтадир балки.

– Бўлиши мумкин. Лекин асосий сабаб, сен дори ичганингни билмаганингда бўлиши мумкин. Чунки жинсий ҳаёт буткул мия билан боғлиқ. Дорини билиб ичганингда балки фойдаси

бўларди, руҳий жиҳатдан фойдасини кўрардинг. Тузалишига ишонмаган беморни ҳеч қандай дори даволай олмайди, дейдилар. Бу руҳият билан боғлиқ масала.

Фарҳод дори олгунича менга қандай муомала қилиш кераклигини билганида яхшироқ бўларди.

– Бу борада бироз ҳақлисан. Аёлнинг жинсий жиҳати кўмилган хазина кабидир, эркакларни кидек очиқ эҳтиёж эмас. Бу хазина ўртага чиқиши учун эркак бироз ҳаракат қилиши керак. Аёлларнинг ҳиссий эҳтиёжи жисмоний эҳтиёжидан олдин келгани учун аёллар жинсий алоқадан олдин ширин сўзлар эшитишни хоҳлашади. Бу ерда эркак аёлга қандай муомала қилишини билиши керак, лекин бу масалада ҳамма нарсани фақат эркакдан кутмаслик зарур.

– Аёл нима қиласин?

– Аввало истаксизликнинг сабабини топишимиз керак. Аёл жинсий ҳаётни оғриқ, уят, гуноҳ, фақат эркакнинг иши деган янгиш шивир-шивирларни эшитиб улғайган бўлса, болаликдан бери миясига сингиб кетган бу ўйларнинг таъсиридан қутулолмагани учун жинсий яқинликни севмаслиги мумкин. Аёл жисми ва жинсий ҳаёт ҳақида тўғри маълумотларга эга бўлолмагани учун бундай муносабатларни ёқтирмаслиги мумкин. Ҳамма нарсанинг ўзига хос илми бор. Ҳатто картошка арчишнинг ҳам! Жинсий муносабатлардек муҳим мавзуда кишилар саёз маълумотлар билан турмуш қургандан кейин бундай муаммоларга дуч келишлари табиий ҳол. Шунинг учун ҳам турмуш қуришдан аввал аёл ва эркак жинсий ҳаёт ва нозик муносабатлар ҳақида сабоқлар олиши керак.

- Бу ҳақда интернетда сайtlар бор-ку.
- Интернет бу масалани кўпроқ порнография сифатида кўрсатади. Порнография эса ўргатувчи эмас, йўлдан оздирувчидир. Жуфтларнинг қувончини янада кўпроқ ўғирлайди. Лекин шифокорлар тайёрлаган, ўргатувчи, маълумот берадиган сайtlардан фойдаланса бўлади.
- Аёл маълумотга эга бўлса, жинсий ҳаётни хуш кўриши мумкинми?
- Xa! Жинсий муносабатлар фақат эркаклар учун эмас, аёллар учун ҳам завқли ва муҳаббат василаси сифатида яратилган. Бунинг учун ҳам аёл эрига ёрдам бериши керак. «Уф, янами?», «Бошим оғрияпти!» дея ёткоғдан қочмасдан, жинсий муносабатларга жиддий қарashi даркор. Турмуш ўртоғига йўл кўрсатсан, эридан қочиши ўrniga либоси, пардози билан унга хуш кўринисин. Баданининг тозалигига аҳамият бериши, ўзидан ноxуш ҳидлар келмаслигига эътибор қаратиши зарур. Турмуш ўртоғига ёқадиган ифорлардан сепиши керак.
- Фарҳод ифор севмайди...
- Бўлиши мумкин. Эринг совун ҳидини яхши кўрса, унга ёқмайдиган ифорларни қайсарлик билан ишлатаверма. Жуфтингга хуш ёқадиган ифорларни танла. Ҳид инсонга ғоятда кучли таъсири қилади.
- Ишқилиб эрингга ёқадиган махсус ич кийимларни киясан демасайдингиз...
- Шундай дейман. Эрингга ёқса, бошқача ич кийимлар киясан. Юртимизда шундай аёллар борки, бирининг кўчада кийган кийимни бошқаси ёткоғда кийишга уяди. Эркаклар кўчада кўрганидан кейин ҳам кўргиси келади-да.

– Тўғриси, жинсий муносабатлар ўрнига овқат тайёрлашни, ошхонада пешбанд тақишини афзал кўраман. Танлаш ҳуқуқим йўқми?

– Бунга ҳайрон қолмадим. Баъзи аёлларда куч олиш, лаззатланиш туйгуси мутлақо суст бўлади. Жинсий ҳаётдан лаззат олмаган совуқён аёлларнинг айримлари ўзини овқат тайёрлашга, баъзилари уй ишлари, тозалаш ишларига, бошқалари эса шоппингга бағишлайди. Масалан, бир аёл эри уни ошхонада овқат тайёрлаётганини кўриб, алами келишини айтди. Эри «Ошхонага кирганингда ўзингни мутлақо йўқотиб қўясан!» дермиш. Эркак киши хотини фақат у билан бирга бўлганида ўзини йўқотишини истайди.

– Эркаклар жуда худбин-да!

– Бу худбинлик эмас! Чунки жинсий ҳаёт эркак учун фақат жисмоний эҳтиёж эмас, бир вақтнинг ўзида севиш, севилиш эҳтиёжи ҳамдир.

– Севиш эҳтиёжи десангиз, унда аҳвол ўзгари. Бунга жиддий қарааш керак.

– Бу ҳафтада ҳам эринг билан бир-бирингизга муҳаббатли бўлишингиз учун муҳим қадам хусусида гаплашдик. Кейинги ҳафтада учрашамиз.

ЎН ИККИНЧИ ҚАДАМ

Ҳаддан ортиқ масъулиятни зимманга олма

– Тўғриси, бунга ҳайрон қолдим. Ҳозиргача шунчалик эркаклар томонида туриб гапирдингизки, «Оиланинг бутун масъулиятини зимманга ол, эринг бемалол яшасин!» дейсизми деб кутаётгандим.

– Мутлақо акси, Шириной. Аслида айтганларимнинг бари сенинг манфаатинг ва саодатинг учун эди. Сен баҳтли бўлмасанг, эрингни баҳтли қилолмайсан! Мен сенга юк юкламайман, аксийча, замонавий ҳаёт сенга юқлаган бутун юкларни елкангдан улоқтириш ва фақат аёл бўлгин дейман.

– Биламан. Баъзан айтганларингизни тан олишим қийин бўляпти.

– Секин-аста, Шириной, секин-аста, истасанг бўлади. Хуллас, бугунги қадамилизга келсак. Аёл эрининг масъулияtlарини ўз зиммасига олмаслиги керак. Лекин бугуннинг аёли ҳамма ишни қиласди, ҳамма нарсани билади.

– Билиш ҳам айб бўлдими энди?

– Албатта, ундей эмас! Билимли аёл бўлсину, биладиган аёл бўлмасин! Буларнинг орасида катта фарқ бор! Билимлилик камтарликдир, би-лағонлик эса ниманидир билишни исботлашга киради. Аёл ҳамма нарсани билса ҳам, эри бир гапни бошласа: «Мен буни биламан!» деб дарҳол сўзамоллик қилмаслиги керак.

– Аслида бу ҳамма билан гаплашилаётганда амал қилиниши керак бўлган одоб қоидаси – рўпарангдаги киши айтаётган гапларни аввал эшитган бўлсанг ҳам, ҳеч қачон эшитмагандек тинглаш зарур.

– Жуда тўғри айтасан. Аёлларнинг кўпи бошқалар билан суҳбатлашганда бу қоидага амал қилишига қарамай, эри билан сўзлашганда эътибордан четда қолдиришади. Балки бу эри билан олиб бораётган яширин беллашувнинг оқибатимикан? Гўёки «Аёл дея мени камситишга уринма, мен сендан кўп нарса биламан!» демокчи бўлади.

– Яъни хотин-қизлар ҳукуқлари ҳақида гап кетганды аёлларда эзидиш ўйи оқибатида камситилиш ҳисси пайдо бўлади, оқибатда аёл буни хаспўшлаш учун эркакдан устун кўринишга уринади.

– Тўппа-тўғри! Аёл «Уни биламан, буни биламан, мен уддабурроман, уни қиласман, буни қиласман!» дега ҳеч нарсада эркаклардан ортда қолмай дейди. Эркак эса «Билсанг унда ўзинг қиласвер!» дега ўз масъулиятини аёлнинг зиммасига юклайди.

– Менимча, бу эркакларга ҳам ёқиб тушади.

– Бу эркакларнинг фойдасига, лекин аёл ҳамма нарсани билса, эркак ўзини кераксиз ҳис қиласди. Аёл эркакдан унинг ролини тортиб олган бўлади. Аёли, болалари унга муҳтоҷлигини, оиланинг тамали, уйнинг устуни ўзи эканини билгани учун эркак масъулиятини ҳис қилишга уринади. Аёл ҳар доим эрига унга муҳтоҷлигини ҳис эттириши керак.

– Шунинг учун ҳам қанчалик машаққат чекиб, чарчасам ҳам, Фарҳодга сезилмас экан-да.

– Сезилмайди-да! Чунки катта эҳтимол билан масъулиятни зиммангга олганинг етмагандай, ишларингни миннат ҳам қилиб турасан.

– Ҳа, чунки қадримни билмайди.

– Яна бир муаммо мана шу! Ҳаддан ортиқ масъулиятни бўйнига олган аёл қаттиқ чарчайди. Қолаверса, аёлнинг тамалари ортади. Эридан янада кўпроқ муносабат, меҳр, эътибор кутади. Кутган нарсасини олмаса, ноҳақликка учраганини ўйлайди ва эрини айблай бошлайди. «Оиланинг ҳам, болаларнинг ҳам ишларини менга юклаб кўйган, лекин қадримни билмайди, эътироф этмайди», дега жаҳди чиқади.

– Нима қилайлик унда, ўзимизни аҳмоққа со-
лайлики?

– Бунга мен жавоб бермайман. Муваффаки-
ятлари билан танилган машҳур аёлнинг сўзлари-
ни келтираман сенга: «Менга сен заковатлисан,
дэйишади. Агар доно бўлганимда, эримга аҳмоқ
кўринишни уддалар эдим...»

– Нима, эркаклар аҳмоқ аёлни севади, демок-
чимисиз?

– Албатта, ундей эмас! Ҳар бир эркак хотини-
нинг аҳмоқ ёки ақлли эканини фоят яхши била-
ди. Аммо эркак киши ақлли хотинини ўзи каби
доно кўришни хоҳламайди. Хотини билганлари
билан уни дўппослашга уринмасин, бас. Эркак
киши аёлининг унга муҳтоҷ эканини кўрмоқ-
чи бўлади. Бироз аввал айтганимдек, эркаклар
уларга эҳтиёж сезилгани сари ўзларини кучли
ҳис қиласи ва ҳаракатга тушади. Аёл эса се-
вилганига ишонч ҳосил қилиш билан ҳаракат
қилиб, қувват олади.

– Бу ҳафтанинг қадами менга жуда маъқул
келди. Шу масъулиятлардан бироз ҳалос бўлиб,
мен ҳам хотиржам бўлай. Кўришгунча омон бў-
линг!

ЎН УЧИНЧИ ҚАДАМ

Моддий қийинчиликдан муаммо чиқарма

– Моддий қийинчилик ҳам муаммо келтириб
чиқариши табиий-ку? Бир неча кун оддин ай-
нан шу мавзуда бироз тортишдик. Ўтган ҳафта
дўконда ўзим ёқтирган кийимни чегирма нар-
хида кўрдим. Фарҳод «Пулим йўқ, чўнтағимга
оғирилик қиласи», деб олмади. Лекин эртаси куни

бориб, ўзига кийим сотиб олибди. Қандай ғазабланмаслик мумкин?

– Бунга ўшаган муаммолар ҳар доим, ҳамма оиласарда учрайди. Пул сарфлаш борасида муаммо эркак ва аёлнинг зарурат дея қараган нарсаси фарқди эканлигидан келиб чиқади. Бирин зарурат деб билган нарсани бошқаси кераксиз деб билади.

Эркак аёлнинг етарлича кийимлари борлигини ва янгисига муҳтож эмаслигини ўйлади. Ҳолбуки, ўзининг сарф-харажатларини зарурат деб билади. Бориб ўзига кийим-кечак олиши ёки автомашинаси учун катта маблағ сарфлаши мумкин.

– Буларни ҳеч эсламай қўяверай! Менга «Пулим йўқ» деб онасига совфа олди ёхуд ғулларни олиб бориб берди. Аслида бирга ҳисоб-китоб қилиб, пул сарфлашда ҳам бирга қарор қилсак, янада яхши бўларди.

– Эркаклар буни унчалик хуш кўрмайди. Эркак пулни ўзи топгани учун сарфлаш ҳақида ҳам ўзи қарор қилишни хоҳлайди. Кўп оиласада аёл ишлаганида ҳам эркак пулларни бирлаштиришни хоҳдамайди ва сарф-харажат унинг қўлидан бўлишини истайди. Эркаклар куч-куватга дикқат қаратишгани учун куч аёлнинг қўлида бўлишидан беҳаловат бўлишади. Шу сабабли аёл турмуш ўртоғининг сарф-харажатига аралашмагани яхши.

– Фарҳод ошхона учун пул сарфлаганида қўли очиқ, лекин уйга жиҳозлар олаётганимизда муаммо чиқаради. Фарҳод қурумсоқ эмас, бир ўртоғимнинг эри жуда ҳам бой, лекин ўтакетган зиқна.

– Эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам зиқна бўлиши оиласа жиддий муаммоларга сабаб бўлади. Сахий аёл ва зиқна эркак ёки зиқна аёл ва сахий эркакнинг турмуши машаққатли бўлади. Бир-бирини тўлдиригандек бўлса-да, турмуши жуда оғир кечади. Икковида ҳам аёлнинг жаҳли чиқади, эркак қийналади. Аёл зиқна, эр сахий бўлса, аёл эрининг бутун сарф-харожатини чеклаб ташлайди. Ўзи шундоғам пул сарфлашни хоҳламайди, фақат пул жамғаришга ҳаракат қиласи. Эри пул сарфласа, жамғаришимиз керак деб эркакнинг қулоқ-миясими ейди. Аёл сахий, эркак қурумсоқ бўлса, бу ҳам ўзига хос машаққат. Зиқна эркак яхши пул топса ҳам, оиласидаги зарур эҳтиёжларга ҳам кўнгилсиз бўлади. Ошхона харажатларини граммлаб, тийин-тийинигача ҳисоблаб беради, тугаса қандай, нимага ишлатиб, қандай тугаганининг ҳисобини сўрайди. Бу аёл учун жуда ҳам машаққатли ҳолат.

– Эри мумсик дугонамнинг отаси жуда саховатли эди. Кўлидаги бор пулини уйи, бола-чақаси учун сарфларди. Шунинг учун ҳам эрининг пул масаласидаги тутумини қабул қилолмади. Ҳар сафар учршаганимизда фақат шу мавзуни муҳокама қиласи.

– Бадавлат эр билан фақир яшаш аёлнинг асабини ва чакагини чарчатиб юборади. Лекин кўлидан бир иш келмайди. Зиқна одамни сахийга айлантира олмайсан, чунки феъл-атвор болаликдан шаклланади. Эри ё қашшоқлик кўрган, ёки болалиги машаққатда ўтгандир. Ёхуд пул борасида янгилиш тарбия олган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда аёл эрининг феълини қабул қилса, ўзи учун яхшироқ бўлар.

– Яъни дугонанг ҳеч нарса қилолмайди демоқчимисиз?

– Ҳар доим нимадир қилиш мумкин бўлади. Эрининг зиқналигини ҳадеб юзига солавермасин, аксинча эри уйнинг зарур эҳтиёжлари учун пул сарфласа, масалан, нон олса, унга миннатдорчилик билдирсин. Ана шунда эрида пул сафлаш учун ҳавас ва истак уйғонтира олиши мумкин.

– Айтганларингизни унга етказиб қўяман. Менимча, вазият унчалик яхши эмас. Дугонам депрессияга қарши дори ичиб юради.

– Турмуш ўртоғи билан пул борасида муаммолари бор аёлларнинг аксарияти шу хатога йўл қўяди. Аёл умрининг бебаҳо чоғларини эри билан пул сабабли тортишиб ўтказади. Қейин жаҳдан, стрессдан касал бўлади. Миллиардлаб сарфлаб оломайдиган соғлигини уч чақалик пулни деб сотиб юборади.

– Эрининг зиқналигини ҳеч қабул қилолмайди-да.

– Ҳеч қайси зиқна ўзининг зиқналигини қабул қилмайди, шундай экан, дугонанг ҳам эрининг кўзига пулни аямасдан сарфлайдиган, исрофгар, ҳеч нарсадан мамнун бўлмайдиган, нонкўр, ношукр аёл бўлиб кўринади.

– Дугонам эрини ўлсин деб қарғаб юради.

– Эри зиқна бўлган аёлларнинг энг катта дуоси – эри ундан аввал ўлсину, тўплаган пулинни маза қилиб сарфласин. Лекин аёл эридан қаттиқ жаҳди чиқавериб, эрта ёшда дард орттириб олади ва кўп ҳолларда эридан аввал ўлиб, ҳаёти увол бўлади.

– Эрининг қурумсоқликдан бошқа ёмон феъ-

ли йўқ, лекин дугонамга шунинг ўзи баҳтсизлик сифатида етиб ортади.

– Дугонанг газабланишни бас қилиб, эрининг яхши томонларини кўришга ҳаракат қиласин. Масалан, зикна эркак пул сарфламаслик учун кечки пайт уйда, хотинининг ёнида бўлади.

Ўй-хаёли фақат пул билан машғул бўлгани учун бошқа масалаларда муаммо чиқармайди. Ундан пул сўрамагунича, хотинининг ишига аралашмайди. Энг яхши жиҳати эса зикна эркаклар хотинбозлик қилмайди, яна бир аёлга пул сарфлагиси келмайди. Аёл эридан ҳар доим хотиржам бўлади.

– Демак, пулни муаммо қилмасдан яшашим керак экан. Буни уддалай олсам, саодатли дунёга қадам қўйган бўламан. Сиздан миннатдорман.

ЎН ТЎРТИНЧИ ҚАДАМ

Ранжимай десанг, тама қилма

– Яхши гап. Тушунишимча, бу ҳафта умид ва тамалар ҳақида гаплашамиз.

– Оилали кишиларнинг кўпи кутганларини кўлга киритолмагани учун бир-бирларидан ранжиб юради. Тамагирлик кишини ҳолдан тойдиради, уринтиради. Тама қилма, ранжимайсан деганлар. Аёллар эркаклардан жуда кўп нарсаларни кутади ва ҳаддан ортиқ аразлайди. Аразламаса-да, ранжийди.

– Турмуш билан боғлиқ орзулар орзулигича қолиб кетади, демоқчимисиз?

– Шириной, сенинг орзу деганинг асли орзу-истак эмас, унинг биргина номи бор – тама! Турмушдаги тамалар турмуш қурмасдан оддиноқ бошланади. Лекин киши кутгани, истаганининг буткул аксига дуч келиши мумкин. Масалан, гўштни севган қиз қассоб билан турмуш қуриши, эри эса вегетериан бўлиб чиқиши мумкин. Доктор билан турмуш қуриши, бироқ эри хотинидан дардинг нима деб сўрамаслиги мумкин. Келишган, кибор эркак билан турмуш қуриб, нодон ва ақлсиз киши ҳам қилмайдиган ҳаракатларга дуч келиш мумкин. Тама билан никоҳланган киши кутганларини қўлга киритолмаса, ҳаддан ортиқ ранжиш эҳтимоли бор. Хуллас, тама қилма, ранжимайсан.

– Лекин бўлмайдиган катта нарсаларни кутмайман-ку? Бўғозда кўшк, хизматчилар, ҳашаматли ҳаёт, е, ёт, тур, пардоз қил, кийин, ясан-тусан, машина, олтину хазина сўрамайман-ку? Кичик нарсалар кутаман. Бироз мулоҳазали бўлсин, тили ширин бўлсин, сюрпризлар қилсин, махсус кунларимизни унутмасин. Мени ўйлаганини ифодалайдиган кичик совфалар олсин. Эрим буларни бажариш учун бироз уринса, нима бўлади? Ҳаётимиз бироз ўзгарармиди...

– Ҳа, бу санаганларинг ҳаётнинг хуш нарсалари. Тўғри, кичик нарсалар, лекин муаммолиги ҳам майдалигида! Эркаклар бутун нарсаларга мослашгани учун майда нарсалар кўп ҳолларда кўзларига кўринмайди. Аёллар эса фитратан майда-чуйдаларни, яъни кичик нарсаларни пайқайди. Жуда осонгина, бош қотирмасдан!..

– Эркакнинг фитратида кичик нарсаларга эътибор йўқ, дейсиз-ку, лекин турмуш қуришдан аввал буларнинг барини ўйларди-ку.

– Табиий равища эмас, лекин эътибор қиласа, ўйлаши мумкин. Унаштирилган пайтингизда ишидан кўпроқ сени ўйлагани учун эътибор бера оларди. Лекин турмушда ҳаёт ташвишлари, иш чарчоғи ёхуд оилавий муаммолар эркакнинг бу борада файратли бўлишига тўсқинлик қиласи. Аёлларнинг тама-ҳаваслари эса тугай демайди. Аввал ҳам гаплашгандик: фильмлар, сериал ва рекламалар бу ишдан фойда кўргани учун аёлларнинг тамаларига туртки беради.

– Бетоб бўлиб қолган куним овқатланмасдан вақтли ётиб ухладим. Оч ётганим учун Фарҳод бир олмани бўлаклаб, ётоқхонага олиб келибди. Лекин пўстлоғини арчмабди. Мен олмани пўстлоғи билан емайман. Одам хотинининг нимани қандай ейишини билмайдими? Мени севганида, мени қадрлаганида яхши биларди. Мен у олмани емадим. Тортишдик. Уч кун аразлашиб юрдик.

– Аёллар эрининг олмани қандай ейишини, чойи, қаҳвасининг шакари қанча бўлишини жуда яхши билишади. Бунинг учун файрат сарфлашлари шарт эмас. Лекин эркаклар учун булар майда-чуйда, эътиборни тортмайдиган нарсалар саналади. Хотинини севиб-севмаслик билан боғлиқ жойи йўқ. Бироқ кўпчилик аёллар эркакни ўзидек ўйлагани учун бундай ҳолатларни сен каби қабул қиласи: мени яхши кўрганида, мени қадрлаганида олмани қандай ейишимни биларди. Ҳолбуки, эркакнинг назарида бу ҳолатларнинг қадрлаш ва севиш билан ҳеч қандай боғлиқдиги йўқ. Фитратини қийнамасдан шунчаки ўзини табиий тутган.

– Фақат бу эмас. Масалан, сочимни бўятаман – пайқамайди, кестираман – пайқамайди. Баъ-

зан эгнимдаги либосимни янги олганимни ҳам пайқамайди. Билишини хоҳлайман, аҳамият бермаса, хафа бўлиб, қовоғимни соламан.

– Пайқашини кутасанми ёки «жуда ҳам ярашибди, чиройли бўлибди», дейишиними?

– Албатта, ярашганини айтишини хоҳлайман. Лекин пайқамаса, шуни ҳам айтмайди. Бир даста момоқаймоқ бўлса ҳам майлийди, ҳеч гулдаста кўтариб келмайди. Фақат ишхонасига совфага гул келса, ўшани олиб келади.

– Гулни сотиб олганини ёки ишхонасидан совфага берилгани сен қаердан биласан?

– Гулни ким олиб келди, ишхонангга келдими, текинми ё пул бериб олдингми, деб сўрайман.

– Фарҳод нима дейди?

– Сенга нима, дейди. Қаердан олганимчи нега сўрайсан? Сени ўйлаб олиб келдим-ку, дейди. Лекин мен биламан текинга келганини. Мени ўйласа, гулни сотиб олган бўларди.

– Пул бериб олса, нега курсанд бўласан?

– Чунки гулни мени ўйлаб олмаган, шунчаки ишхонасида сўлиб қолмасин деб мажбуран олиб келган.

– Бу жуда хато ўлчов. Чунки ишхонасига келган гулни хотиним курсанд бўлади деб, сени ўйлаб уйга олиб келган бўлиши мумкин. Ёхуд гул сотувчининг ёнидан ўтиб кетаётиб, шу бошгинамнинг балоси хотинимга бир гул олай, кошкни қовоғи очилса, лаби табассум қиласа, деб олган бўлиши мумкин. Ҳеч ким бирорвинг ниятини билмагани учун келган гулга жону дилдан миннатдорчилик билдириб, қабул қилишинг тўғри бўлади. Эринг гул келтиргани учун миннатдорчилик билдириб, севинганингни кўрса, бошқа

пайт сотиб олиб келади. Қўли гул олиб келишга ўрганса бўлгани.

– Гап фақат гулда эмас-да! Баъзан ўзимизга хос кунларда совға олади, лекин олган совғалари менинг дидимга мос эмас. Ёқтирганим учун ишлатмасам, юраги сиқилади. Дишимни билмаса, мени ҳам олиб борсин, бирга оламиз.

– Хўш, ҳеч ўйлаб кўрдингми, эркак сенинг дингга кўра олмаса, кимнинг дидига кўра олади?

– Ёқтириб олганига кўра, ўз дидига кўра олган бўлиши керак.

– Худди шундай. Эркаклар аёлларида кўрмоқчи бўлган нарсаларни. Бу узук, бирор либос ёки сумка бўлиши мумкин. Сенинг дидингга мос бўлмаса ҳам, унинг учун, у кўрган пайларда фойдаланасан.

– Бу ёғини ҳечам ўйламаган эканман.

– Балки сенинг дидинг, кийиниш тарзинг турмуш ўртоғингни хурсанд қилмас. Унда эринг сенга олган совға пуштиранг кофта, пахмоқ шиппак, ям-яшил юбка бўлса ҳам, эрингнинг ёнида кий. Эрингни ёнида унинг дидига кўра кийиниш асабингни бузмайди, хавотирланма. Балки секин-аста, сенга ёқа бошлайди.

– Лекин пул бериб олингандан кейин ҳар доим ишлатадиган бир нарса бўлишини истайди-да киши.

– Аёлларнинг дарди шу ўзи. Модомики пул берилди, фойдаси бўлсин. Ҳеч ҳам бу нарсанинг ўрни эмас. Совғани севмаслик эрингни совға олишдан совитади, қолаверса, дидим унга маъқул келмайди деб ўксийди.

– Бу борада янада эътиборли бўлишим керак экан...

– Қисқаси, тама құлма, шунда ранжимайсан. Бир нима кутсанғ ҳам, сен кутган нарса эмас, бошка нарса бўлса ранжима, аразлама. Эрига қўнфироқ қилиб, уйга у керак, бу керак, демаган аёллар бор. Эри қўнфироқ қилиб, бирор нима керакми, деб сўраши керак экан. Ҳа, эркакнинг қўнфироқ қилиб сўраши яхши нарса, лекин ҳамма эркак ҳам буни ўйламаслиги мумкин. Иши кўпдир, оиласидан ундан нарсаларни ўрганмагандир, одатланмагандир, хуллас, бундай нарсаларни муаммо қилиб юрмаслик керак.

– Бир неча йилдан бери Фарҳодга эрталаб эшикдан чиқаётганида бир нима керакми, деб сўрашини айтаман, лекин ҳеч сўрамайди. Ўрганолмади.

– Бирор нима керак бўлганида эрингѓа ўзинг қўнфироқ қил. Эҳтиёжингни айтишни зерикарли ҳолат эмас, унинг овозини эшитиш учун бир фурсат деб бил. Бир латифа билан бу ҳафтадаги учрашувимизни ниҳоялаймиз.

– Яхши бўларди, неча ҳафтадан бери латифа айтмадингиз.

– Янги келин эрталаб уйгониб қараса, ёнида эри йўқмиш. Ошхонага борса, эри нонушта тайёрлаб қўйибди, ўзи эса ичкарида кийимларни дазмоллаётган эмиш. Келин жуда ҳам хурсанд бўлибди. Кутганимдай яхши эрга учрадим, деб хурсанд бўлганча эрига кўринмасдан, уйқусини чала қолган жойидан давом эттириш учун ётогига чўзилиб ухлабди... Эри бироздан кейин келиб, уни уйғотибди. «Мен қилган ишларга яхшилаб қара, ҳар куни тонгда шундай қилишингни хоҳдайман!» деган экан, келинчакнинг севинчидан асар ҳам қолмабди.

ЎН БЕШИНЧИ ҚАДАМ

Ўзингга қараб юр

– Аёл ўзига қараб юриши керак, тўғри. Лекин илтимос; аёл эри учун бэзаниши керак, деманг! Нега мен ўзимни эримга чиройли кўрсатишим керак?

– Сўзларингдан яна феминизмнинг ҳиди келяпти, Шириной. Чунки феминист аёллар эри учун безанишни хорлик деб билади. Кўп аёллардан «Вой, мен ҳечам унинг дидига кўра кийинолмайман, мен нима қилсам, ўзим учун қиласман» деганини эшитдим. Шуни унутмагин, ҳароратли феминистларнинг оилавий ҳаёти муздай соvuқ бўлади. Феминизмнинг олови аёлларнинг аёллигига ўт қўйди, кулга айлантирди. Аёлнинг фитратида зотан безанишга, ўзини севдиришга эҳтиёж бор. Феминизм бу эҳтиёжни уйдан ташқарига йўналтирди. Турмуш ўртоқقا пардоз билан кўринишни фуур масаласига айлантирди. Аёл ташқарига чиқаётib пардоз қилса, ўзи учун безанган бўлади, уйда пардоз қилса, эзилган бўлади. Бу ғалати эмасми сенингча?

– Галати туйиляпти бироз...

– Эркаклар учун ташки кўриниш муҳим. Шунинг учун эркак кўзга ташланиб турадиган нарсаларни хотинида кўрмоқчи бўлади. Қолаверса, замонамизда уйдан ташқаридаги аёллар ўзига қараб, пардоз-андозини ўрнига қўйиб юргани учун уйда эркаклар хотинини ўзига қараган, ораста ҳолатда кўришни хоҳдайди.

– Лекин уйда ўзига қараб юриш қийин-ку? Мен уйда енгил кийимда бўлишни, юмушларимни бемалол бажаришни истайман. Аёлнинг

үйдаги иши ҳечам тугамайды-ку. Овқат тайёрлаш, ошхонани йиғишириш, идиш-товоқдарни ювиш, кирларни түплаб, саранжомлаш. Қулай кийимларда юрищни хоҳдайман. Нотұғрими?

– Тұғри айтасан. Ҳар куни кийиниб, пардоз қилиб, эринг учун чиройли бўлиб, унинг ишдан келишини кутиш сенга қийин бўлиши мумкин. Лекин ҳар куни эрингни шалвираган кийимда кутиб олишинг ҳам яхши эмас. Ҳеч бўлмаса, ҳафтада бир неча кун эринг учун кийиниб, пардоз қилиб, уни чиройли бўлиб кутиб олишинг керак. Ташқи дунё эркак учун пардозли, ўзига қараган аёллар билан тўла жозибали дунёдир. Эшикдан чиққан эр бўрининг оғзидағи қўчқордай – маҳкам тутмасанг, ўзингта тортмасанг, юлиб олмасанг, бўрилар уни ютиб юборади.

– Бу гапларингиз тұғри. Бир дугонамнинг эри бир неча йил аввал дугонамдан сочини калта кестиршини қайта-қайта сўраганди. Лекин дугонам узун сочни яхши кўргани учун сочини кестирмади. Бу гап-сўзлар бир муддат тўхтади. Қайси куни қарасам, сочини кестирибди. Ўтган ой эрини интернетда бир аёл билан суҳбатлашэтганини сезиб қолибди. Соч ҳақида гап-сўз йўқ, лекин эртаси куни бориб сочини кестирибди.

– Баъзи эркакларга узун соч, баъзилариға эса калтаси ёқади. Бировига сариқ соч жозибали туйилади.

– Масалан, акам сариқ сочни севади. Қаерда сариқ сочли аёлни кўрсам, кўзимни узолмай қоламан, дейди. Ишхонасида сариқ сочли аёллар кўп. Янгамга ҳам бир йилдан бери сочини сариққа бўяшини айтяпти, янгам менга ярашмайди, деяверади. Бир куни акам янганг мен-

га жуда ҳам ишонади, лекин мен ўзимга ишонмайман, деди.

– Нима деб ўйлайсан, янганг түғри қиляптими?

– Аёл томонидан қаралса, түғри қиляпти. Сариқ сочни ёқтирмайди-да. Акам хотинига ноҳақлик қилмаяптими? Аслида янгам ўзига қарамаган, пала-партиш аёл эмас-ку!

– Ўзимга қарайман деб, эркакка ёқмайдиган ишларни қилмаслик керак. Масалан, эркакларнинг аксарияти ҳаддан ортиқ пардозли ва тақинчоқларни қаторлаштириб таққан аёлларни ёқтирмайди. Узун, бўялган тирноқларни ҳам хуш кўришмайди.

– Узун тирноқлар билан ташланиб қолишлари мумкин деб қўрқишидими?

– Бўлиши мумкин. Учрашув охирида асосий фикрни айтаман: аёл покиза ва ороста бўлиши, эри учун кийиниб, пардоз қилиши керак.

ЎН ОЛТИНЧИ ҚАДАМ

Ўзига хос дамлар, маҳсус лаҳзаларга эътибор бер

– Турмуш қурган кунимиздек маҳсус кунларни айтасизми?

– Йўқ. Менимча, жуфтларнинг турмуш қурган куни, туғилган куни каби вақтлардан ҳам қадрлиси нозик пайтлариdir. Эр-хотиннинг нозик дамлари кунда икки бор – айрилиш ва кўришиш дамлари. Яъни эрталаб ва кечқурун. Эрталаб айриласан, ўша куни сизларни ўлим айириши мумкинлигини билмайсан. Кечқурун бир-бирингизни қайтиб кўра оласизларми?..

Шунинг учун ҳар бир кун сенга инъом этилган фурсат эканлигини унутма. Уйқудан уйғониб, Аллоҳга шукр қилиб, кунни очиқ чехра билан бошла. Нонуштани эринг севганидек тайёрла. Эрингни чиройли кузатиб қўй, оқшом очиқ чехра билан қарши ол. Юзингда уни кўрганингдан баҳтли бўлганинг билиниб турсинки, у ҳам уйга чопиб-қувониб келсин. Бу икки нозик пайтларда очиқ чехрали бўла олсанг, орадаги камчиликларни бекитишинг осон бўлади.

– Лекин эркак очиқ юзли бўлмаса, аёл ҳам очиқ чехрали бўлолмайди-да.

– Яна айни нуқтага қайтдиқми дейман? Сен унга мажбурлаб қадам ташлаттиrolмайсан! Сен ўз қадамларингга қара, унинг одимини санама! Сен очиқ чехрали бўл, инсон ойнадек гап – бир муддат кейин у ҳам сенга қараб жилмаяди. Эрталаб унинг шу куни қайтмаслигини билсанг, унга қовоғингни солиб, ҳамма нарсани муаммога айлантирасидинг?

– Албатта ийќ!

– Лекин бир куни шундай бўлиши мумкин. Ўлим бизга қачон келишини билмаймиз. Ўшанда қайси пушаймонликлардан ўртанасан? Нималарни ислоҳ этишга уринасан? Ҳозир қўлингда имкон бор экан, фойдаланиб қол!

– Эрталаб ва кечки пайт ниҳоятда муҳим дейсиз-да?

– Ҳа, жуда ҳам муҳим. Тонгда кузатиб қўяётганингда, оқшом кутиб олаётганингда очиқ чехрали бўлишинг ғоят муҳим. Жуда чиройли чехрали бўлиш аёлнинг ўз қўлида эмас, лекин очиқ чехра ва табассумли бўлиш ҳамманинг ўз қўлида.

– Фарҳод баъзан мени юзингни ачиган қатиқдай буриштириб кутиб олма дейди...

– Шунчаки табассум деб бепарво бўлмаслик керак, чунки у хусндан ҳам қийматли. Киши ўзи истамаса ҳам, жилмайгандан бир муддат ўтиб, кайфияти ўзгаради, руҳияти кўтарилиб, ҳатти-ҳаракатлари ҳам чиройли бўлади. Эшикни очиқ юз, лабингда табассум билан очсанг, кейин ҳам чиройли давом этади. Эшикни қовоғингни солганча очиб, эринг эшикдан кирган заҳоти «Жўмракдан сув томяпти, жавоннинг эшиги оёғимга тушиб кетди, шуларни ҳеч тузатмайсиз, нега ҳамма айтганларимни олмадингиз» каби шикоятларни тизиб ташлама. Буларни айтиш учун муносиб пайтни кутишинг керак. Қовоғингни солсанг, шу ҳолатингга мос ҳатти-ҳаракатларни кўрсатасан. Шунинг учун бу ҳафта ойна қархисида жилмайиш машқларини бажаришингни истайман. Ва эрингни табассум билан кутиб, табассум билан кузатишга ҳаракат қил.

– Бу бироз шошилинч бўлди. Бошқа қадамларда бунчалик шошилмагандингиз...

– Бундай осон қадамлар учун вақтни ўтказма. Тезроқ бошла, ўзингга яхши.

– Хўп бўлади.

ЎН ЕТТИНЧИ ҚАДАМ

Эрингга ҳаддан ортиқ эътиборли бўлма

– Бу қадамнинг маъносини чамалай олмадим, тўғриси...

– Аёл эрига эътиборли бўлиши, боғланиши керак, лекин бунда ҳаддан ошиб кетмасин. Ҳаддан ташқари эътибор ҳар доим қарши томоннинг юрагини сиқади. Ҳаддан ортиқ боғланиш

эркакни бўғади. Боғланиш, эътибор меъёрида бўлиши керак.

– Бу меъёрни қандай қилиб таъминлаймиз. Бирор аппарати борми?

– Барча аёлларнинг бошида «сезги» деган бир аппарат бор. Аёллар сезгиларига қулоқ тутса, меъёрни маромига келтира олади. Лекин баъзан аёллар сезгиларига парво қилмайди ва билганига ёхуд хавотирга асосланган йўлдан боради.

– Мисол келтира оласизми? Чунки нима демокчилигингизни аниқ-тиниқ тушунолмадим.

– Билганига асосланган янглишлардан мисол келтираман. Масалан, аёл «Эрингни қўлингда тутишни хоҳласанг, унинг атрофида парвона бўл» деб ўрганган. Уйга кирган пайтидан бошлаб, тинимсиз эрининг атрофида айланиб-ўргилади. Бирор нима хоҳлаши-хоҳламаслигини тинимсиз сўраб туради.

– Эркаклар ҳам шундай бўлишини хоҳлайдими ўзи?

– Йўқ, ҳар доим ҳам ундей эмас. Эркак хотининг унга хизмат қилишидан севинади, лекин ҳаддан ортиқ хизматдан ҳам сиқиласди. Уйида bemalol нафас олишни хоҳлайди. Атрофида тинимсиз айланиб-ўргилаётган аёл эркакнинг асабини бузади, ўзини икки девор орасида тиқилиб қолгандай ҳис қиласди.

– Эркаклар нонкўр ҳалқ дейман, ҳеч тан олмайсиз.

– Бу нонўрлик билан боғлиқ эмас. Эркинлик эркак учун ниҳоятда қадрлидир. Хотинининг ҳар доим унинг атрофида парвона бўлиши эркакни беҳаловат қиласди. Бир пиёла сувни ҳам ўзи bemalol олмаслиги, хотинининг ҳамма нар-

сага қалқон бўлиб югуриши эркакнинг разабини келтиради. Лекин хотини шунчалик яхшики, эри жаҳли чиққанини билдиrolмайди ҳам. Аёлнинг тили шунчалик ширинки, эркак жаҳли чиқиб бир нималар деса ҳам: «Майли, ҳаётим, хўп бўлади, жоним, тўғри айтдингиз, бундан кейин ундаи бўлмайди», дейдию яна шу нарсаларни давом эттиради. Аёлининг яхши муносабатидан эркак яна хижолат чекади, ўзини бемалол тутолмайди.

– Нима, ширин сўз ҳам фойда бермайди?

– Асалнинг ҳам ози яхши дейдилар. Бир хил оҳангда ва бир хил ифода билан ҳар доим таъкидланган мурожаатлар бирордан кейин ўз таъсирини йўқотади. Аслида аёл эрига мурожаат қилганда қўллайдиган сўзларни болалари ёки дугоналари учун ҳам ишлатса, эркак учун бу сўзларнинг қадр-қиймати қолмайди. Эркак ҳар доим ўзига бошқача муомала қилинишини хоҳдайди.

– Яъни эрга «жоним» десанг, уни бошқаларга айтмаслик керак, шундайми?

– Худди шундай... Кучукка-мушукка қўллайдиган хитобларни ҳам эрингга ишлатишдан тийил! «Шириним, шакарим» каби аёлларга хос бўлган ёхуд болаларга айтиладиган хитобларни эркакка нисбатан ишлатиш яхши эмас.

– Қўшним мушугига «севгилим» дейди. Эрига ҳам шундай мурожаат қиласди.

– Сийқалашган ва ҳаммага қўлланилган мурожаатлар ўз маъносини йўқотади. Масалан, эркакларнинг аксарияти «хўжайин», «бегим» деган мурожаатларни яхши кўришади. Чунки хотини буларни ундан бошқасига қўлламайди.

– Фарҳод унга «Севгилим!» деб мурожаат қилишимдан мамнун бўлади, севинади. Лекин анчадан бери унга бундай демадим.

– Нега?

– Ундан жаҳлим чикқан, бу ҳақда гапиришни истамайман.

– Ҳа, бу айтаётганинг масала бошқа ҳафтанинг мавзуси. Бунга ҳозирча кирмай турамиз. Биз бу ҳафтанинг баҳсини давом эттирамиз.

Аёлнинг эри билан ҳаддан ортиқ машғул бўлиши ё хато нарсаларни тўғри деб билишидан, ёки хавотирдандир, дегандик. Янглишлар ҳақида гаплашдик. Энди хавотирларга келадиган бўлсак, баъзи аёллар хиёнатга учраши ёхуд ташлаб кетилишдан кўрқиб, эрига ҳаддан ташқари эътиборли бўлади. Ҳатто шунчалик ҳаддан ошиб кетадики, эри унга ўшаган бирор аёлни ташқаридан тополмаслигига ва ҳеч кимга қарамаслигига ишонишга ҳаракат қиласиди. Эрининг хатоларига кўз юмади. Унинг янглишларига эрининг ўрнига ҳам баҳоналар топади. Эри унга нотўғри муносабатда бўлса, эрининг орқасидан эргашади, ўзини айбдор ҳис қилиб кечирим сўрайди, аразлаган бўлса, ярашишга ҳаракат қиласиди.

– Бунақада эркак эркаланиб, ўзидан кетиб қоладими?

– Ҳа. Турмушда хатолар рўйхатини тузиш ва қаршингдаги кишининг узр сўрашини кутиш нотўғри. Эркаклар сўзлар билан узр сўрашни ёқтиришмайди, бунинг ўрнига хатти-ҳаракатлари билан пушаймонликларини кўрсатишади. Аёл турмуш ўртоги хатосини тузатишга уринганини пайқаган заҳоти буни узр сифатида қабул қилиши керак. Лекин эри юз фоиз хато қилган

ҳолатида унинг орқасидан айланиб-ўргилиб, унинг ўрнига узр сўраши мутлақо нотўғри иш саналади.

– Хўш, бу ҳолатда ўзини қандай тутиш керак? Менинг бир яқиним бор, худди сиз айтгандек қиласади.

– Аёл қовоғини солмасдан хафа бўлганини кўрсатиши керак. Чунки қовоқ соганида ораларида ўжарлик бошлиланади.

– Сизга айтган ўша яқиним эрига шунчалик боғланганки, эри овқатни камроқ еса, кўпроқ ейишини истайди, уйдан чиқаётганида совқот масин деб қалин кийинишини қайта-қайта таъкидлайди ва орқасидан «Ўзингизни эҳтиёт қилинг!» деганча бақиради. Эри бемор бўлиб қолса, қўлида гиёҳди чойлар ва дори-дармонлар билан унинг бошидан кетмайди, эри истамаса ҳам, шуларни мажбуран ичиришга уринади.

– Аёл учун севги – шафқат ва эътибор демакдир. Лекин эркак учун шафқат – онаси. Аёл эрининг атрофида шафқат ва эътибор билан айланиб ўргилса, эркакка онасини ва болалигини эслатади. Шунинг учун эркак турмуш ўртоғидан шафқат кўришни унчалик хушламайди. Шунинг учун аёлнинг эрига кўрсатадиган эътибори ва парвоналиги меъёрида бўлиши керак. Аёлнинг ҳаддан ортиқ шафқати эркак учун азиятга айланиши мумкин.

– Азият деганингизга хаёлимга бир латифа тушди. Латифанинг охири мавзунинг ўзаги билан боғлиқ. Бир бола бувисиникида қолишни истамас экан. Ота-онаси уни руҳшуносга олиб борибди. Шифокор боладан: «Бувинг сени жуда яхши кўрадилар, нега уларникига боришни

хоҳламайсан?» дея сүрабди. «Улар менга зуғум қиласылар!» дебди бола. Шифокор даҳшатта тушиб: «Қанақасига?» деб сүрабди. «Фақат овқат едиришади», дебди бола. Бувининг яхши кўрганидан товоқни тўлдириб овқат қўйиши ва болани ейишга мажбурлаши зуғумга айланаркан. Демак, меҳр-шафқат ва эътиборнинг меъёри бузилса, исканжага, азияту зуғумга айланаркан.

ЎН САККИЗИНЧИ ҚАДАМ

Бепарво бўлма

— Лекин ўтган ҳафта эркаклар ҳаддан ортиқ эътибор ва шафқатдан зерикади дегаңдингиз. Менга ўша қадам жуда ҳам ёқди.

— Ҳа, бизга ёқиб тушган қадамларни яхши кўрамиз-да!

— Майли, майли, ҳазиллашдим. Сиз давом этинг!

— Аслида эрига бепарво бўладиган аёлнинг ўзи йўқ. Фақат парво қилмагандай, эътибори йўқдай кўринадиган аёллар бор. Эридан кутган муносабатини ололмаган аёл «Менинг ҳам сен билан ишим йўқ!» деган тутумга ўтади. Лекин ҳатто керагидан ортиқ эътибори унда бўлади, эрини жазолаш учунгина шундай йўл тутади.

— Очик гапираман: мен ҳам шундайман. У менга эътибор бермаса, мен ҳам эътибор бермай қўявераман. Бепарволик қандайлигини кўриб қўйисин!

— Лекин эътиборсиздек кўринишга уриниш билан эрини жазоламоқчи бўлаётган аёл аслида ўзини жазолайди. Эри ундан узоқдашгани учун

уйда бутунлай ёлғизланиб қолади.

– Эркакларда «мўътадил»лик деган ҳолат йўқда! Ҳамма нарса уларнинг истаганидек, кўнглидагидек бўлишини хоҳлашади. Кўнгиллари тусаганида яқинлашишади, истамаса узоқлашишади. Масалан, Фарҳод билан баъзан жуда ширин сухбат қуриб, муҳаббатга тўла оқшом ўтказамиз. Юрагимда ҳаммаси ўз изига тушиб боряпти, деган умид йилтирайди. Лекин эртаси куни ёки бир-икки кундан кейин ўша Фарҳод кетади, унинг ўрнига менга бепарво, лоқайд Фарҳод келади. Уйда мен билан вақтини ўтказмасдан, бўлмагур нарсалар билан ўралашиб ўтиради. Мен ҳам унга шунга яраша муомала қиламан.

– Бу сен билан боғлиқ эмас, эркак руҳияти билан боғлиқ. Эркаклар болалигига кўрган-кечирганларидан келиб чиқади. Ўғил болалар икки ёшидан бошлаб онасидан фарқ қилишини, отасига ўхшашини пайқайди. Оналарини жуда ҳам яхши кўришади, оналари билан яқинлашишни хоҳлашади, лекин эркакдай бўлиш учун, онасига ўхшаб қолмаслик учун онадан узоқлашишга уринишади. Ўғил бола онасига дам яқинлашади, дам узоқлашади.

– Ҳа, ўғлим ҳам шундай қиласди. Баъзан қуҷофимда ётади, куламиз, ўйнаймиз, гоҳида уни кучоқламоқчи бўлсам, мени ўзидан итаради: «Мен энди гўдак эмасман, катта бўлдим», дейди.

– Ҳа, мана шу хусусиятлар эркакларнинг аёллар билан муносабатларида ҳар доим давом этади. Яъни эркак аёлга яқинлашишни хоҳлайди, бу яқинлик ва севгига эҳтиёжи бор, лекин яқинлик туфайли онг остида аёлга айланишдан

қўрқиши билан бир муддат ўзини тортади, бу билан узоқлашгандек туйилади. Аёл эса эркак руҳиятини билмайди ва эркакдан узоқлашиб, ришталар узила бошлайди.

— Ўғлим учун ҳам бу қоида бир хил деяпсизми? Мисол учун, уни эркалагмоқчи бўлганимда мендан қочса, лекин бошқа куни келиб ўзини қучофимга отса, бу сафар мен уни итарсан, бир-бири миздан узоқлашамиз, шундайми?

— Албатта! Сен уни ўзингдан узоқлаштиранг, у ҳам энди осонгина сенга яқинлашмайди.

— Ўғлимнинг менга яқинлашмоқчилигини, мендан қочиши менга эркалик қилиш учунлигини билганим туфайли уни ўзимдан узоқлаштирамайман. Лекин Фарҳод билан вазият бир хил эмас. Мен Фарҳодга парво қилмагандай тутаман ўзимни, лекин у ҳам менинг бепарвотигимга эътибор бермайди.

— Қаттиқ адашяпсан, хўп деявер. Бепарво кўринаётган эркак буни гуур масаласига айлантиради, кўнглига олмагандай кўринса ҳам, жуда ранжийди, оғринади. Эркак атайин қилмагани учун хатти-ҳаракатларини хато деб ҳисобламайди. Лекин хотини атайин қилгани ошкор бўлгани учун эр-хотиннинг орасига тиканаклар кира бошлайди.

— Нима қилишим керак унда?

— Ҳар кунинг муҳаббат оғушида ўтишини кутма. Жуфтинг сендан узоқ турганида, мендан узоқлашяптими, дея хавотирга берилмасдан, уни зериктирмасдан сабр билан кутсанг, тез орада сенга қайтади. Айтганимдек, эрингнинг сенга нисбатан тушунарсиз муносабати ўткинчидир. Кўп зериктириб юборма ва ришталарни узуб ташлама.

– Миннатдорман, бу галги суҳбатимиз мени хотиржам қилди. Фарҳоднинг менга нисбатан ўзгарувчан муносабатини тушунолмай ҳалак эдим. Бир севади, бир севмайди, деб ўйлардим.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚАДАМ

Эрингнинг яқинларига яқин бўл

– Энг қийин қадамлардан бири шу бўлса керак, аммо...

– Лекин энг муҳим қадамлардан ҳисобланади бу. Эрингнинг оиласи билан яқинлашмасдан у билан муносабатларингда муҳаббат кутма. Чунки эркаклар хотинининг оиласи ҳақида айтганларини кўнгилларига жуда яқин олишади. Оиласини ёмон дейиш ва эрингга сен ёмонсан дейишинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ!

– Шунақаси ҳам бўлар эканми? Ўрни келганда Фарҳод ҳам уларга қарши гапиради-ку?

– Эркак ўзи гапирса ҳам, оиласи ҳақида бошқалар ёмон фикрларни айтишини хоҳламайди.

– Хўш, улар ҳақида ўзи гапирса-да, нега хотини гапирганда жаҳли чиқади?

– Сенга жуда оддий бир мисол билан изоҳлайман; масалан, сен ўз болаларинг ҳақида жуда гап уқмас, эркатой, ҳеч тартибга сололмайман, деган гапларни айтишинг мумкин. Лекин энг яқин қариндошлиаринг ҳам боланг ҳақида жуда эркатой деса, юрагинг сиқилади, кўнглингга оғир ботади. Бу ҳам худди шундай ҳолат.

– Гарчи Фарҳод яқинларининг хатоларини кўришда кўр бўлиб олади, қирқ йилда бир зўрга

пайқайди. Аниқ-тиниқ хатоларини айтганимда ҳам, дарҳол уларнинг ёнини олиб, ҳимоя қилишга тушади.

– Эркаклар кўп ҳолларда оиласининг хатоларини кўради, билади, лекин хотинининг ёнида уларнинг қилмишларини ошкор этиш оғир келади, фуурларига тегиб кетади, ҳатто буям камдек, уларни ҳимоя қиласди. Аёллар ҳаммасидан ҳам шундан кўпроқ ғазабланади. Ҳалияди уларни ҳимоя қиласди, дейишади. Оиласи яқинлари борасида эркакнинг эътиборли бўлишига ҳайрон қолмаслик керак.

– Умид қиласманки, бир қуни ўғлим ҳам мени хотинининг олдида ҳимоя қиласди.

– Хавотир олма, ёнингни олади. Эрингнинг яқинлари билан муносабатинг яхши бўлиши болаларинг учун ҳам ниҳоятда мухим. Улар болаларингнинг бувиси, бобоси, аммаси, амакиси, қариндошлари. Яъни бойлиги. Яхши-ёмон кунда бир-бирига керак бўлишади. Бир нима бўлса, аввал улар югуриб келади. Шунинг учун қариндошлиқ ришталарини узмасдан, силаи раҳмни чиройли олиб бориш керак. Улар билан орангдаги ҳар қандай муаммо яна айланиб келиб сени хафа қиласди.

– Улар менинг орқамдан гапирса, нима бўлади? Эрим мендан совимайдими?

– Ташвишланма, яқинлари сени эрингга ёмонласа ҳам, сен улар учун яхши нарсалар айтганингда эринг уларнинг хатоларини янада очиқ-ойдин кўра бошлайди. Бу ўзингни ҳимоя қилишдан кўра яхшироқдир. Фарҳод хотиним

уларни яхши кўради, улар ҳақида яхши нарсаларни гапиради, деб сени уларнинг олдида қўллаб-қувватлайди.

Шунинг учун аввал-бошда гаплашганимиздек, эринг онасининг бирор хатосини гапирса, сен ҳам кўпиртириб, «Тўгри, ўтган қуни мёнга ундан қилди, бундан қилди», дея шикоятни бошлаб юборма! Акс ҳолда эринг тўсатдан онасининг ёнини олишга тушиши мумкин. У оиласидан куйганини айтиб дардини бошласа, изоҳламасдан фақат уни эшит. Бошқа бир пайтда, фурсатини қилиб улар ҳақида яхши нарсаларни гапир. Унинг оиласи билан қанчалик меҳр-муҳаббатли бўлсанг, эрингнинг ҳам сенга севгиси ва муҳаббати ортади.

– Қайнананинг ипак или токчадан тушиб кетса, келиннинг боши ёрилади, деганлариdek, қайнанамнинг ҳар бир сўзи менга наштардай ботади. Буни баъзизда жуда очик-ойдин пайқайман. Масалан, қайсиdir куни онам: «Қизим, бироз тежамкор бўлинглар, пул йифиб, уй олинглар», дедилар. Онамга: «Тўғри айтасиз, ойи, лекин нима қилсам ҳам, пул ортиромаяпмиз», дедим. Бир неча кундан кейин қайнанам ҳам онамнинг сўзларини гапирди, лекин ундан жаҳлим чиқди: «Нега бизнинг ишларимизга аралашади, ўғлининг пулини исроф қиласяпти деб ўйладими?!» деган хаёлларга бордим.

– Зоро, бутун масала қайнананинг сўзларини муаммога айлантиришда, унинг гапларидан турли маънолар қидириб, ҳар бир сўзини ёмонга буришдан келиб чиқади. Қайнананг гапларини ёмон ниятда сўзлаганидан ишонч ҳосил қилсанг ҳам, кўнглингга олма. Унинг гапларини деб

эрингни ҳам хафа қилма. Эркак учун онаси ва хотинининг ўртасида қолиш – ҳақиқатан қийин ва машаққатли.

– Тўғри айтасиз, фикрингизга қўшиламан. Икки аёл орасида қолиш эркак учун жуда ҳам қийин бўлса керак.

– Бу ҳафтадаги асосий ғояни айтадиган бўлсак, эрингнинг оиласига нисбатан ҳурмат-иззатли бўлишинг эрингга бўлган муҳаббатингдан-дир. Эрингга бу ҳолат шундай кўринади. Шунинг учун улар сабабли эринг билан орангизда тушунмовчилик юз беришига йўл қўйма. Сенга ёқмаган муносабатлари бўлса, бироз чида. Уларга эҳтиёткорроқ муомала қил. Бугунгача уларга нисбатан қилган хатоларинг учун узр сўра, уларга совфалар ол, илтифотли бўл. Орангизда севги-муҳабbat кўприклари қуришга ҳаракат қил. Яхшиликдан ҳеч ким зарап кўрмайди. Яхшилар, албатта, ғолиб бўлади.

ЙИГИРМАНЧИ ҚАДАМ

Эрингни жазолама

– Бу нима деганингиз? Уни жазолаганим йўқ. Қолаверса, истаган тақдиirimda ҳам, уни жазолашга кучим етмайди.

– Аллоҳ эркакларга очиқ, аёлларга эса яширин куч берган. Эркаклар ҳукумат бўлса, аёллар сирли давлатdir. Бошқарадиган – эркаклар, бошқартирадиган – аёллар. Аёл чиройли йўналтириш йўлларини билмаса, истаклари бажо келтирилмаса, жазолаш йўлига ўтиши мумкин.

– Бошқа аёллар нималар қиласи – билмайман, лекин мен ҳеч қачон эримни жазолашни ўйла-маганман.

– Ҳамма гап шунда ўзи. Аксарият аёллар қилган ишларини жазо деб ўйламайди, буни тан ҳам олмайди. У менга шундай муомала қилгани учун мен ҳам шундай муомала қиласи, дейди. Лекин аксар ҳолларда у қилган иш эрини жазолашдан бошқа нарса эмас.

– Мисол келтиринг-чи, кўрамиз, мен ҳам шундай қиласикинман.

– Эрини жазолашга аҳд қиласи аёлнинг юзида табассум бўлмайди. Мен хурсанд бўлмасам, уни ҳам хурсанд қиласи, деган ўйда иш қиласи...

Моддий зарар келтиради: чойнак-пиёла, ко-са-товоқ синдиради. Мева-сабзавотларнинг энг қимматини олади. Телефонда соатлаб гаплашади. Бир қараб қўймаса ҳам, телевизорни ўчирмайди. Электр тўлови ортсин, дейди. Болаларига қўрслик қиласи. Қаттиқ жаҳли чиқса, болалари ни уради. Ўзини тозалик ишларига бағишлайди, уйда керак-нокерак нима бўлса, иргитади. Тили билан дўппослайди. Пичинг қиласи, найзасини санчади, фудраниб туради, эрини у билан, бу билан таққослайди.

Эрининг жаҳлини чиқариш учун қўлидан келганича ҳаракат қиласи. Кирларни вақтида ювмайди, дазмоллаш керак бўлган нарсаларни дазмолламайди. Эрининг яқинларига қўполлик қиласи.

– Бўлди, етади. Тан оламан: шуларнинг айримларини мен ҳам қиласи. Лекин уни жазолаш учун эмас, фақат ўз фазабимни бостириш учун.

– Аёллар уларга қилинган ноҳақликларни ке-

чирмайди ва юзларча сирли жазолаш услублари билан ўзларини тинчлантиришга уринишади. Жазолар аёлнинг феъл-авторига кўра ўзгаради, фарқланади. Сен ҳам ўз феълингга мос келадиганини қиласан, албатта...

– Бир дугонам эрини тинимсиз дуоибад қиласар экан...

– Бир куни телефонимга «Иншааллоҳ, маши-нангнинг филдираги ёрилиб, йўлда қолиб кетгин» деган хабар келди. Бу хабарни бир аёл эрига юборган, адашгани учун менга келган дея тахмин қилгандим, тахминим тўғри чиқди.

– Йўқ, мен дуоибад қилмайман, Фарҳодга ёмонлик тиламайман ...

– Жазолар бу санаганларим билан чекланиб қолмайди. Энг кўп татбиқ қилинадиган жазолардан бири аёлнинг эрига нонушта тайёрламаслигидир. Аёл ғазаблангани учун эрта тонгда иссиқ ётоқдан туриб, эрига нонушта тайёрлашни хоҳдамайди. Кўп ҳолларда уйғоқ бўлса ҳам, ўзини ухлаганга солади.

– Нонушта тайёрламаган аёл эрини ҳам ишга кузатолмайди...

– Кузатишни хоҳдамайди. Эрталаб кузатиб кўймайди, оқшом эшик олдида қаршиламайди. Иши кўпайиб, кутиб ололмагандек кўрсатади ўзини.

– Бундай қилган пайтларимда ҳақиқатан ҳам уни жазолаш ниятим бўлмаган.

– Мен сенга шундай қиласан, демадим, Шириной, умумий маънода гаплашяпмиз.

– Мен ҳам шундай қилганим учун тегиб кетди, шекилли.

– Кўп тарқалган жазолардан бири – аёл эрига ётоқда совуқ муомала қиласди.

– Барча аёллар ётоқда оловдай бўлишади, лекин буни хоҳдаган эркак бироз тиришиб, хотинига яхши муомала қилсин. Аёлнинг кўнглини олсин. Аёл совуқ муносабатда бўлдими – бекордан-бекор шундай қилмаса керак ҳар ҳолда. Ким билади, қанчалик оғринадики, шундай совуқ муомала қиласди.

– Бир томондан ҳақсан. Эр-хотин орасидаги муаммолар чора топиш учун қадам қўйилмагунча дард халтасига айланиб бораверади. Муаммоларни ким пайқаса, жуфтининг қадам қўйишини кутиб ўтирмай ўзи биринчи қадамни қўйиши керак. Муҳими, муаммоларни кўра билиш...

– Тўғри айтасиз. Сиз билан гаплашгунимга қадар бу ишларимни жазо сифатида кўрмагандим...

– Эркаклар ҳам кўп ҳолларда аёли уни жазолашга уринаётганини пайқамайди, хотинининг хатти-ҳаракатларини инжиқликка йўяди. Била туриб жазолаётган аёл ҳам буни очиқ айтмайди, албатта.

– Сизнингча, аёл эрини жазоланса, бироз енгил тортадими, яъни бунинг фойдаси бўладими?

– Албатта, йўқ! Қасос – аччиқ таом.

– Бу иборанинг асли «Қасос – совуқ таом» эмасмиди?

– Мен аччиқ деган сўзни бу иборага муносиб деб биламан. Совуқ таом бироз bemaza туйилсада, кишининг қорнини тўйдиради, аччиқ таом эса ачиштиради. Қасос олганнинг ўзи азобланади, деб ўйлаганим учун шундай дейман. Қасос олган аёлнинг эри билан ораси совийди, баҳтсизлиги бир неча баробар ортади. Аёл ёнаётган юрагини совитишга уринар экан, эрини ўзидан совитади.

– Эрининг очиқ кучига қарши аёл сирли ку-

чини қўллайди, лекин бунда муваффақиятга эришмайди, деяпсизми?

– Раббимиз биз аёллар бу яширин кучни ўзимизни ва оиламизни баҳтсиз қилишимиз, нотўғри ишларга сарфлашимиз учун бермаган. Аксинча, муҳаббат ва яхшиликлар учун берган. Шундай экан, мақсадга мувофиқ қўллаш керак.

– Кечириш – инсоннинг ўзига қилган энг катта яхшилигидир, деган бир гапни ўқигандим қаредадир...

– Жуда тўғри гап. Гина қилиб, қасос олишга уриниб ҳеч ким муродига етолмайди. Турмушни бир гўдакка ўхшатсак, тасаввур қилгинки, бу гўдак жарлик ёқасида, пастга тушиб кетай деяпти. Икки томоннинг ҳам бир-биридан жаҳли чиққан. Шунинг учун болани у қутқариб қолсин деб кутади. Ёхуд биттаси бир қадам ташлашини кутади. Бу ҳолатда гўдак омон қолади, деб ўйлайсанми?..

– Жуда ҳам қийин. Энди ўзимга эътиборли бўламан. Билиб-билмай кўп хатолар қилган эканман, бугун буни тушуниб етдим.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҚАДАМ

Уй ишлари ва тозаликни бўрттириб юборма

– Бўрттирма деб нимани назарда тутяпсиз?

– Қанча керак бўлса, шунча қил. Ҳаддан ортиқ озода бўламан деб, кечгача ишлаб, буюмларга хизмат қилиб, эрингга хизмат қилолмайдиган даражада чарчама.

– Бундай бўлиши мумкинми? Бугун ҳеч қандай иш қилмайман деб, кечки пайт чарчоқдан ўладиган ҳолатга тушадиган кунларим бўлади.

– Албатта, сен истамасанг ҳам, баъзан ишлар кўпайиб кетади. Қаттиқ чарчайсан. Лекин буни ҳар куни қилсанг, демак, бир янгилик бор дегани. Ҳар куни эрингни чарчаган, зериккан ҳолатда қаршиласанг, бир ерда хато қиляпсан демакдир.

– Кўп ҳолларда чарчаган бўламан, ишлар битмайди.

– Иш битмайдими ёки сен битиришни хоҳламайсанми? Уйингни кўрмасдан бир нарса деёлмайман, лекин қанчалик уйинг катта, ишинг кўп бўлса ҳам, ақалли эринг келмасдан олдин бироз ёнбошлаб, оёғингни чўзиб дам ол.

– Бундай қилоламанми, билмадим, лекин ишларни Фарҳод келмасдан олдин битиришга уринаман, чунки Фарҳод ёнида иш қилишимни хушламайди.

– Эркаклар хотинлари уларнинг ёнида уй ишларини бажаришини ёқтиришмайди. Эркак уйида дам олишни, хотиржам ёнбошлаб, ҳаловат топишни хоҳлайди. Уй тозалайман, деб эрингни безовта қилма!

– Эркаклар ҳузурга шайдо! Ёнларида уй ишлари бажарилишини хоҳлашмайди, лекин уйни тоза тутишга ҳаракат ҳам қилишмайди. Уй тозалаганимни кўриб туриб, Фарҳод ўйламасдан бемалол уйни ивирситиб ташлайди.

– Нима қилсан, уй тўзимасин деб ўз уйида ҳам bemalol ўтирмасинми? Кўнглингни бироз кенг қилсанг-чи.

– Буни bemalollik масаласи деб билмайман, баъзан атайлаб жаҳлимни чиқариш учун қил-

япти деб ўйлайман. Минг марта уни у ерга қўйма, деб тайинласам ҳам, қўлидаги нима бўлса, хоҳлаган жойида қолдиради.

— Аёллар эркакларнинг сўзлари ва ҳаракатлари остида ҳар доим бир қасд бор деган шубҳада бўлишади. Ҳолбуки, эркаклар аксарият ҳолларда ўзлари диққат қилмагани учун ёхуд икир-чикир сифатида кўргани учун бир ишни қилишади ёки қилишмайди. Лекин ҳар куни айтаверсанг, қайсарлик тўнини кийиб, шунинг учун ҳам қилиши ёки қилмаслиги мумкин.

— Ҳа, баъзи масалалада жуда қатъий қайсарликка ўтдик. Ҳаммасидан кўп алам қиласидигани мен уй ишлари билан қанчалик шугуулансам ҳам, унга ҳеч нарса қўринмайди. Фақат мен адойи тамом бўляпман.

— Тозалик ишлари албатта қилинади. Лекин эркаклар жуда тоза ва ҳолдан тойган аёл ўрнига бироз бетартиб бўлса ҳам, истарали, кайфијати яхши аёлни кўришни исташади. Уй жуда кир ва исқирт бўлиб кетмагунича ҳамма ёғи ялтираб турган озода уй кўп эркакни қизиқтирумайди ҳам. Сен уйда сочингни супурги қилиб, ишга кўймаланиб ўтираверсанг, ташқарида уйи бесаранжом, лекин ўзига қараган, табассум қилиб турадиган аёл эрингни тортиб олиб қўйиши мумкин. Аёллигинги уй тозалиги билан исботлашга уринма.

— Фақат тозалик ишлари эмас-да, овқат қилиш ҳам одамни ҳолдан тойдиради.

— Овқат масаласида ҳам ошириб юборма. Ҳар куни бир неча соат ошхонада қолиб кетма. «Эркакнинг кўнглига ошқозон орқали йўл топилади», деган гапни қорин дардидаги бир киши

ўйлаб топган бўлиши керак. Албатта, эркаклар яхши овқатларни севишиади, хотини лаззатли таомларни тайёрласа, хурсанд бўлишиади, лекин бу уларнинг кўнглига ошқозон орқали йўл топилади, дегани эмас.

– Мен бу сўзга ишонмайман шундоғам. Эркакнинг кўнглига ошқозон орқали йўл топилаганида, Фарҳод мени бошига кўтариши керак эди. Умрим ошхонада у яхши кўрган овқатларни пишириш билан ўтияпти.

– Яна тайёрлашда давом эт. Лекин ҳаддан ошмасдан тайёрла. Таомингни қандай тортиқ қилишни ўйла. Қаттиқ чарчаб тайёрлаган таомингни қовоғингни осиб тортиқ қилгандан кўра, осонроқ, ҳар доимгидек овқатни очиқ юз ва муҳаббат тўла нигоҳлар билан тортиқ қил. Бу янада қадрли бўлади.

– Бўлди, бу ҳафтадаги қадамни кўп кутмасдан қўяман ва айтганларингизни дарҳол амалда қўллайман. Овқат тайёрлаш ва уй ишларида муболагага йўл қўйиш йўқ. Оҳ, шукр!

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ҚАДАМ

***Ташқаридаги ҳаёт билан
ичкаридаги ҳаётни
бир-бирига аralаштирма***

- Буни қайси маънода айтяпсиз?
- Ташқаридаги «сен» ва ичкаридаги «сен»ни бир-биридан ажратиб ол.
- Шундай қилиш мумкинми?
- Ўзи кўпчилик шундай қиласи, лекин теска-

рисини қиласы. Қарасанг, ташқарыда ҳаммага кибор бўлиб кўринган киши уйида бутунлай тескариси. Ҳолбуки, инсон ҳаётини баҳам кўраётган оиласига, севган инсонларига, умр йўлдоши, болаларига ҳаммадан ҳам яхши муомала қилиши керак.

– Бегоналарнинг яхшиси бўлмаслик керак, демокчисиз-да?

– Ҳа, элнинг яхшиси бўлгунча уйнинг яхшиси бўлган маъқул. Албатта, элга ҳам яхши бўлиш керак, лекин элга бир яхши бўлсак, уйда икки ҳисса яхши бўлишимиз зарур. Феълимиздаги яхши хусусиятларни аввало уйимизда акс эттиришимиз керак.

– Бу қандай бўлади? Масалан, мен болалигимдан бери ҳақсизликка тоқат қилолмайман. Бир ерда ноҳақлик кўрсам, дарҳол қўшиламан, мазлумга ёрдам беришга ҳаракат қиласман. Ўзимга ҳам ноҳақлик қилишларига йўл қўймайман. Фарҳоднинг ҳам менга ёки бошқаларга ноҳақлик қилганини кўрсам, чидолмай гапириб ташлайман.

– Ноҳақликка аралashiшинг яхши, лекин буни уйингда қилма. Бу феълингни эшикнинг ташқарисида қолдир. Севганларинг билан бошқача бир олам барпо эт. Бу оламнинг қонунлари ташқи дунё билан бир хил бўлмасин. Уйингда бахтли бўлишинг ҳақли бўлишингдан ҳам муҳимроқ. Дейлик, эринг билан тортишдинг ва тортишувда ютиб чиқдинг. Турмуш ўртоғинг охирида «Бўпти, сен ҳақсан!...» деди ва қовоғини осиб, тумтайиб олди. Сен ютган бўласанми ё ютқизган бўласанми?

– Ютқизгандекман...

– Тушунишимча, жиддий инсонга ўхшайсан, яхши, маъқул. Аёл кишига уйдан ташқарида жиддийлик ярашади. Лекин уйингда ҳаловатли бўлишинг керак. Севимли бўл, бола бўл, жилвали, ишвали, маъсум бўл, АЁЛ бўл. Аёл агар чин дилдан буларни хоҳласа, ҳаммасини уddyалай олади. Аллоҳ аёлга рол ўйнаш қобилиятини берган. Аёл ҳар бир ролни ўйнай оладиган даражада айёр, ҳар қандай ролга алданадиган даражада самимий, бегубордир.

– Сизнингча, буларни эплай оламанми?

– Уйингда ғуур либосини ечиб ташласанг, ҳар бир либос сенга ярашади. «Аёлнинг мижози кийган либоси билан ўзгаради» деган гапни ўқигандим. Тўғри айтилганига ишонч ҳосил қилиш учун синааб кўришинг мумкин. Ҳар куни шалвираган кийимда эрингни кутиб олсанг, ҳорғин уй бекаси қиёфасидан қутуолмайсан. Баъзан бошқача услубларда ҳам кийингин.

– Қандай?

– Ҳар замонда бошқача кўринишга ҳаракат қилиб кўришинг мумкин. Албатта сўзлашувинг ва кийинишишингни шунга кўра мослайсан. Масалан, бир куни қишлоқнинг содда қизи бўл, бошқа куни шаҳарлик танноздай кўрин. Бир куни ҳаётдан зериккан уй бекаси бўл. Қаттиқ чарчаган кунинг енгил кийимингни кий, барча шикояту нолишларингни тўкиб-сошиб қутул. Бир куни ҳамма нарсадан бахтли севги чечаги, эртасига маҳалланинг алдоқчи қизи бўл.

– Ҳар куни ҳар хил кўринишга уриниш кишини чарчатиб қўймайдими?

– Ҳар куни бўлиши шарт эмас, лекин ҳар куни қилсанг ҳам чарчатмайди. Бир синааб кўр,

ёқиб қолишига ишонаман. Бу роллар сени кундалик ташвишлардан узоқлаштиради. Қолаверса, эринг ҳар куни сени яна қандай қиёфада күрар эканман, дея қизиқиш ва хуш кайфият билан уйга қелади.

— Айтганларингизни қилсам, болаларим мазах қилишмасмикин?

— Фурур либосини ечиб ташламагунингча буларнинг бирортасини қилолмайсан, албатта. Болалар ўйинларни жону дилдан севишади. Уларни ҳам бу ўйинларга қўшишинг мумкин. Масалан, қишлоқ қизи бўлган кунинг лозимингни, гулли кўйлагингни кий, шунга кўра овқат тайёрла. Палов, шўрва ва салат тайёрла. Хонтахтада ўтириб енглар. Келинглар, палапонларим, қўзичоқларим, деб уларни чақир. Бундай сўзлар уларни севинтиради.

— Танноз аёл қандай бўлади?

— «Бугун мен ўзига қараган, бурни осмонда, пардозли маликаман», дейсан. Кўрасан, қизинг малика аёл қандай бўлишини сенга ўргатади ҳам.

— Менга ҳаммасидан кўп ҳаётдан зериккан уй бекаси роли ёқди.

— Ўрганган ролинг бўлгани учундир ҳойнаҳой. Ўша куни истаганингча шикоят қил, чарчаганман деб ишларни болаларга тақсимла, уларни ишлат. Ҳар хил роллар билан болаларингга айттолмаганинг, қилдира олмаганларингни қилдира оласан. Одамлар баъзан уйларига киришни истамайди, уйларидан ҳам, бир-бирларидан ҳам зерикишади. Телевизорда иккита ҳазил томоша кўришса, ақлдан озгудек бўлиб кулишади, хурсанд бўлишади. Нега бу ҳазилларни ўзаро қилмайсизлар?

– Тўғри айтасиз. Мен кўп ҳолларда ўзимдан зерикаман. Бу ҳафта айтганларингизнинг қанчасини бажара оламан – билмайман, лекин бажаришга уринаман.

– Бир тиббиёт профессори «Ўзингизни баҳтли ва ҳурсанд бўлгандек тутинг. Хатти-ҳаракатлар руҳий кувватимизга ёрдам беради. Инсон айрим туйгуларни ҳис қилмаса-да, ҳис килаётгандек кўринишга уринса, танаси ҳам, юрак юриши ва босими ҳам шунга мослашади. Қовоғингни уйсанг, тананг чиндан ҳам юракни сиқадиган ҳолат бўлгандек жавоб қайтаради», деган эди. Шунинг учун ҳам ўзимизни табассум қилиш учун мажбурлашимиз керак. Табассумдан кўра кўзга ярқираб кўринадиган пардоз йўқ.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҚАДАМ

Ўтмишга уралашиб олма

– Кунингдан завқ олиб яша, демоқчимисиз?

– Ҳа. Одамнинг энг катта душмани – ўзи. Ўтмиш – номи ўзи билан ўтмиш бўлиши керак. Лекин негадир кўпчилик ўтмишини ўтмишда қолдиролмайди. Агар ўтмишни ўтмишда қолдирласак, у бугунимизни ҳам расво қиласди.

– Ахир ноҳуш хотираларни унутиш осон эмасда!

– Тўғри. Мен ўтмишни унугтайлик, демаяпман, орқада қолдирайлик, демоқчиман! Бу фақат ке-чириб юбориш билан бўлади. Эринг бутунгача сени хафа қилган, ранжитган бўлиши табиий ва сен ўша ҳолатлар билан бирга яшаётган бўлсанг,

бошингдан нима ўтказган бўлсанг бўл, лекин эрингга нисбатан гина сақлама.

– Бу гина сақлашми – билмадим, лекин қачон Фарҳод билан жанжаллашсак, танишган куни миздан то шу пайтгача қанча тортишувимиз бўлиб ўтган бўлса, ҳаммаси бир-бир кўз ўнгимдан ўтади.

– Фақат кўз олдингга келадими?

– Йўқ, кўп ҳолларда тилимга ҳам чиқараман. Баъзан ўзимга ўзим ҳайрон қоламан, нималарни нималарга аралаштириб юбордим деб. Масалан, Фарҳод кечки пайт уйга кеч келди, дейлик, кеч келгани учун бошланган жанжалдан бир қарасам атрофга пайпоқ иргитганига келибману, ота-онаси билан бўлган зиддиятлардан чиқибман. Бугун бўлган бир нохушлик сабабли жанжал бошлаб, ўн йил олдинги воқеа эсимга тушиб, жанжал янада кучаяди. «Фарҳод ҳам ўтмишни унут!» деб мендан жаҳди чиқади.

– Эркакларнинг ўтмиш билан унча иши йўқ. Ўтмиш аёлларнинг қимматли «сеп»идир. Аёллар ўтмишида нақадар ёмон хотира бўлса, уни қимматли хазинадек хотира сандигида асраб юради ва бу хотираларнинг чанг босишига йўл қўймайди. Ҳар бир фурсатда сандикдан чиқариб олиб чангини силкитади. Афсуслар бўлсинки, ўтмишнинг чангини оламан деб бугунни тупроғу балчиққа ботиришади.

– Менинг сандигим ҳам тўлиб ётибди.

– Ўтмишни эслаш сени хафа қилиш, қайгуларингни орттиришдан бошқа бир ишга ярамайди. Бир тадқиқот натижаларига кўра, аёллар ўтмишни эслаганида, ўша кунларга оид хотиралари билан бирга ҳис-туйғулари ҳам жонланар

экан. Ўша куни қанчалик хафа бўлган, ранжиган, оғринган бўлсанг, уларни эслаганингда ҳам яна кўрган-кечиргандай хафа бўлиб, ранжийсан ёки fazablanar экансан.

– Шундоқ ҳам мен ёмон хотираларни эслаганим сари йифлагим келаверади.

– Шу сабабдан ҳам аёлларнинг ўтмишни камроқ эслашлари ўзларига яхши бўлади. Ўтмишда сени ранжитган киши бу қилмишини бир бор қилган бўлса, сен ҳар эслаганингда ўзингни тақрор-тақрор хафа қиласан.

– Демак, энг катта ёмонликни ўзим ўзимга қилаётган эканман...

– Энг бошида айтганимдай, инсоннинг энг катта душмани – ўзи. Одамлар ва бўлиб ўтган воқеаларни биз қай даражада кўрсак, шу дараҷада ранжитади. Бир хил ҳолатларни бошдан кечирган минглаб киши онгида ва кўнглида ҳар хил изларни олиб юради.

– Унда «сандик»ни имкони даражасида очмаслик керак.

– Бунинг учун хотиралар сандирини кирлатмаслик керақ. Кечириб, гиналарни четга суриб, тозалаб қўйсанг, сандиқни кавлаб чангини қоқишингнинг ҳожати бўлмайди. Хотиралар кирли қолгани учунгина сени безовта қиласди.

– Хотира сандигимни иложи борича тезроқ тозалашим керак. Ўйласам, уйимни тозалашга шунчалик берилиб кетганимдан ўзимнинг ичимни тозалашга умуман эътибор бермабман. Бу ҳафтадан бошлаб тозалаш ишларининг маъноси мен учун ўзгарди.

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ ҚАДАМ

Бахтингни эрингга юклама

Бу эркак учун катта юқдир. Кўпчилик оиласи аёллар «Эрим менга хоҳлаганимдай муомала қиласа, мен бахтли бўламан», деб ўйлади.

– Бу фикр озроқ бўлса-да, тўғри эмасми?

– Ҳа, озроқ тўғри. Аёл эри билан яхши муносабатда бўлса, албатта, бахтли бўлади. Ёмон бўлса – ранжийди, ўзини бахтсиз сезади. Кишининг турмуш ўртоғи билан ўзаро муносабатлари, албатта, ҳаётига таъсир қиласи. Аммо ҳаётда бошимиизга тушган ва тушадиган нарсаларнинг ҳаммасига ҳам турмуш ўртоғимиз сабабчи эмас. Аслида хато қилаётган сенсан. Бахтиёргингнинг пардаси ортида факат эрингни кўрсанг ва ўзингни бахтсиз ҳис қилганингда ҳам шу мантиқдан келиб чиқиб ҳаракат қиласан. Оқибатда муносабатларингиз баттарроқ бузилади.

– Ишларим унмаган пайтларда Фарҳод билан боғлиқ бўлмаса-да, хаёлимга аввал у келади ва бирор баҳона билан ундан жаҳдим чиқади. Бахтли аёл бўлганимда, балки ишларим бунчалик орқага кетмасди, деб ўйлаган пайтларим кўп бўлган.

– Аёл бахти ва бахтсизлигини эрига боғлиқ деб билса, эркак ҳам беҳаловат бўлади. Унинг ҳам хотинидан жаҳли чиқади.

– У нега ғазабланади?

– Бу жуда оғир юқ. Ичингдаги шамни сен ўчирсанг, ҳеч ким сени ёқолмайди. Ҳаёtingнинг бутун масъулиятларини, оғир бўлса-да, ўзинг зимманга олишинг керак. Инсон учун турмуш

ўртоги ниҳоятда қадрли, лекин ҳамма нарсага эрни соябон қиласлик керак!

– Сизнингча мен ҳам ҳамма нарсага эрини соябон қиласдиган аёлларданманми, билмайман, лекин Фарҳод билан муносабатларимиз ёмонлашса, уй ишларини бажарсам ҳам, тозалик қиласам ҳам, овқат қиласам ҳам хаёлимда фақат у бўлади. Кечки ёки эрталабки тортишув кун бўйи хаёлимни банд қиласди. Энг ёмони, мен кун бўйи ич-этимни еб битирган воқеа оқшомида Фарҳод уйга келиб, ҳеч нарса бўлмагандай муомала қиласди. Баъзан тортишганимизни ҳам унутади. Мен бунга ишонаман. Эрим ишга бориб, ҳамма нарсани унутади.

– Яхшиям эркаклар ҳам аёллардек эмас, яхшиям унутиб юборишади. Бунинг катта фойдаси бор. Тасаввур қил: барча эркаклар ишхонасида кун бўйи хотини билан муаммоларини ўйлаб ўтиrsa, жаҳл-ғазаб билан ёхуд ўйчан-ўйчан ишласа, дунё нима авҳолга тушарди? Эринг ҳам сенга ўхшаб ўтмишини унутмай, тинимсиз сенга эслатиб турса, ҳаёт нечоғлик тоқат қилинмайдиган азобга айланарди. Балки шунинг учун ҳам улар майда-чуйда нарсаларга нисбатан ҳассос ва икир-чикирчи қилиб яратилмаган.

– Оилавий муаммолар майда нарсалар эмас-ку?

– Аслида кўпи майда нарсалар. Масалани катталашибидиган фақат ўзимиз. Бирор муаммола дуч келганингда, у ҳақида эмас, муаммонинг чораси ҳақида ўйлашинг керак. Бахтилийкни эрингга юклаб кўйиб, биринчи қадамни ундан кутмайсан. Узр сўрасин, орамизни яхшилаш учун у қадам ташласин, дея кутиш ўзингни тушкунлика солиб, бир қадам орқага кетиш-

дан бошқа нарсага ярамайди. Түрмүш қурган кунимизни эсламаса, мен асло эслатмайман, ўзи эсласагина унинг учун маъноси бор, деб ўйлаш севгидан эмас, гурурдан нишона. Ҳаракатда барака бор. Кутмагин, баҳтинг учун ўзинг қадам ташла.

— Хўп, ҳаракат қиласман.

— Ҳафтани яна бир ўғит билан тугатамиз. Ҳаётидаги ҳамма нарсадан шикоят қиласдан билан киши бўлган экан. Бир йили боғидаги дараҳтлар жуда мўл ҳосил берибди. Қўшниси: «Бу йил кайфиятинг аъло бўлиши керак, боғинг мевага тўла», дебди. У киши эса: «Унча ёмон эмас, лекин молларга ем қилиб беришимга чириган олмалар йўқ, мен шундан хафаман», деган экан. Атрофда баҳтли бўлиш, қувониш, хурсанд бўлиш учун шунча сабаблар бор экан, сён баҳтсизлик учун сабаблар қидирма!

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ҚАДАМ

Эркак тили – «аниқча»ни ўрган

— Бу қийин тилми?

— Жуда ҳам осон тил. Биз аёлларнинг тили билан айтганда шама, ишора, пичингу кесатиқлар, узиб олишлар йўқ. Фоятда аниқ, очиқ ва тўғри тил.

— Унда ўрганиладиган ҳеч нарса йўқ экан-ку.

— Албатта, бор. Аёл билан эркак орасидаги фитрий фарқлардан бири ҳам икки жинс сўзлашув тилининг бошқача эканлигидир. Милялари бошқача ишлагандан кейин ўз-ўзидан

тилга кўчадиганлари ҳам бошқача бўлади. Эркакларнинг тили жуда ҳам осон. Лекин биз аёллар тўғри йўлда ҳам юришга одатланмаганимиз учун фақат янглишини топишга уринамиз.

– Яъни қанақасига?

– Масалан, дастурхонда эринг сенга нон келтирсанг-чи, деганида фақат нон беришингни истайди. Дастурхонга овқатни қўйиб, нон қўймаган эпсиз хотинлигингга шама қилмайди. Ёки сочинг тўкиляпти деса, фақат сочинг тўкилаётганини айтади, кал бўласан ва мен сени севмай қўяман, деган бўлмайди!

– Ишончингиз комилми? Улар ҳеч нарсага шама қилмайдилар?

– Эркаклар биз аёллардек шама, ишора ва ҳисса айтиб, ҳисса олиш услубини унча билмайди. Бу эркак табиатига умуман тўғри келмайди.

– Эркаклар ҳисса айтиб ўтирмасдан, ҳиссани юзингга ёпишириб қўяди, деяпсизми?

– Ҳа, шундай десанг ҳам бўлади. Баъзан озор берадилар, лекин аёллардек айёрлик томонлари кўп бўлмагани ва камроқ гапиришни яхши кўрганлари учун айланиб-ўргилиб юрадиган йўлларга кириб юришмайди. Агар эркаклар ҳам айланма йўллардан юрганида, аёл ва эркакнинг фарқи бўлмасди. Албатта, дунё ҳам яшаб бўлмайдиган ҳолатга келарди.

– «Аниқча»ни ўрганишдан аёлларга қандай фойда бор?

– Аёллар «аниқча»ни ўргансинки, эркакларнинг ҳар бир сўзининг остидан қандайдир маъно чиқаришга уринишмасин. Ҳамма нарсани кўнгилларига олаверишмасин. Эркаклар билан

гаплашаётганда аниқ ва очиқ бўлишга ҳаракат қилишсин. Уларнинг тушунишини кутиб ўтириш ўрнига очиқ-ойдин гапиришсин. Аёллар ҳатто хафа бўлишганида нега буни айтишмайди?.. Эркак ўзи тушиниб олишини кутишади, англаб етмаса, қовоқ уйишади. Бу ҳолатда эркаклар нима қилишни билишмайди.

— Лекин эркаклар ҳам бироз айланма йўлларга киришсин-да. Ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис ўтайди-ку. Ҳамма нарсани шартта-шартта гапириб, юрагимизга озор беришмасин. Улар ҳам аёл тилини ўргансин.

— Аёллар тили ҳақида ҳўйка ёзганимдан кейин ўзим кутмаган даражада эркаклардан раҳмат эшитдим. Бунчалик эътирофларни халоминга ҳам келтирмагандим. Демак, эркаклар ҳам аёлларни яхши танишни, шунга қараб муомала қилишни хоҳлашади. Балки бугунга қадар хато биздан ўтди, аёлларни уларга боричча таништира олмадик...

— Аслида ҳам дунёдаги энг чиройли нарса аёл ва эркакнинг бир-бирини тушуна олиши эмасми? Афсуски, аллақанча асосий маълумотларни ўрганмасдан, билмасдан бирга яшай бошлишимиз. Кейин уч кунда ишқни, беш кунда севгини йўқотамиз.

— Ҳар бир нарсанинг ўзига хос илми бор, жумладан, севишнинг ҳам. Кўнгил севади, севгини яшатадиган эса ақлдир. Севги кўнгилдан туғилиб, ақлдан озуқа олади, катта бўлади. Ақл севгини озиқдамаса бундай севги қисқа пайтда ўлиб кетади.

— Севгини фақат кўнгил иши деб ўйлагандим...

— Барча хато шунда ўзи. Севгини кўнгилга

тўнкаш энди туғилган гўдакни ўз ҳолига ташлаб, ўзи катта бўлсин, дейишдек гап.

- Ақл қачон керак бўлади?

- Севганингни узоқдан севсанг, ақлга эҳтиёжинг бўлмайди. Севганинг билан бирга бўлсанг, сўзлар ва хатти-ҳаракатлар тўқнашади, шунда ақл дарҳол ишга тушиши керак. Никоҳда кўнгил ва ақлнинг ҳамкорлиги шарт. Кўнгил ва ақл аҳил бўлса, севги камаймайди, тобора зиёда бўлади.

- Севгини йўқотиб қўймаслигимиз керак...

- Севган инсонинг нимадан севинади, нимани хуш кўрмайди, нимадан хурсанд ва нимадан хафа бўлади, нимадан ранжийди, унинг учун нималар қилиш керак? Бу саволларни ўзингга бер, жавобини топ, ана шундан кейин қара-чи, севги ўлармикан.

- «Нима, қандай, нега?» деган саволлар тизилгани сари севгининг ақлга нега эҳтиёжи борлиги тобора тушунарли бўлди.

- Кўнгил худбин, фақат ўзини ўйлайди. Севгилисига етишишни ўйлаганида ҳам, фақат ўзини ўйлайди. Етишиб баҳтли бўлай дейди. Кўнгил бундай худбинликдан халос бўлиши учун ақлдай йўлбошловчига эҳтиёжи бор. Фақат ақл ёрдам берганидагина, севгилисини ҳам ўйлай бошлайди.

- Бўпти, шунча маълумотлардан кейин эркак тили «аниқча»ни ўрганишни хоҳдайман. Бошқа қоидалари ҳам борми?

- Бор. Эркаклар савол беришни ва уларга савол берилишини ёқтирумайди. Биз аёллар савол беришни яхши кўрамиз. Савол беришни аксари ят ҳолларда мақсаддан ташқари қўллаймиз. Биз

учун жавобнинг маъноси ва аҳамияти йўқ. Аёллар рўпарасидаги кишига эътиборли эканини билдириш, танишиш, суҳбатлашиш каби турли сабаблар билан саволлар беришади. Эркаклар эса савол берилганида ўзларини ҳисоб бераётгандай ва ишларига бурун суқилаётгандек ҳис қилишади. Тузук-қуруқ жавоб қайтаришмайди.

– Тўғри айтасиз. Мен ҳам кечки пайт сұхбат-гурунг бўлсин деб, Фарҳоддан бир нималарни сўрайман. У эса тузук жавоб бермайди. Мен билан гаплашгиси йўқ экан, деб юрагим сиқилади. Демак, савол бериш эркакларни гапиртириш йўли эмас экан.

– «Аниқча»нинг яна бир қоидаси бор – эркаклар «йўқ» сўзини ростдан ҳам ниманидир исташмаганида, «ҳа» жавобини эса чўндан-да ниманидир истагашганида ишлатишади. Биласан, биз аёллар баъзан ноз қилиш учун хоҳлаб турган нарсамизга ҳам «ҳа» дейиш ўрнига «йўқ» деймиз. Қаршимиздаги киши қайта-қайта сўрагандан кейингина «ҳа» деймиз. Эркаклар бу йўлни қўллай олишмайди. Эркак «йўқ» деса, унга қаршилик қилиб, қайсарлик билан мажбурламаслик керак.

– Буни билганим яхши бўлди.

– «Аниқча»нинг яна бир қоидаси – эркаклар буйруқ оҳангидаги гапларни хуш кўришмайди. Айниқса, аёл буйруқ оҳангига ундан нимадир сўраса, унга хукм ўтказишга уриниш бўлаётганини ўйлаб, қўлидан келадиган иш бўлса ҳам, қаршилик кўрсатади.

– Буйруқ оҳангига гапирганимда Фарҳод билан ҳар доим тортишамиз...

– «Аниқча»да эркаклар ёрдам сўрашни ва ўзлари сўрамагунича ёрдам таклиф қилиниши-

ни ёқтиришмайди. Аёллар эса ёрдам сўрашдан тортинишмайди ва ёрдам таклиф қилишни ҳам яхши кўришади.

– Шунинг учунмикан, бирор манзилни излаётганимизда Фарҳод бировдан сўраш ўрнига ўзим топаман деб айланиб юради. Мен «Шошма, сўраймиз», десам, қулоқ солмагани етмагандай жаҳл ҳам қиласди.

– Ҳа. Эркаклар курашишни ва уддалашни севишади. Ёрдам сўрашни эса ожизлик деб билишади. Шунинг учун ҳам қаттиқ машаққатда қолмагунча ёрдам сўрашмайди. Масалан, эринг машина ҳайдаётганда ёнида тинчгина ўтири ва сайрга чиққандек тасаввур қиласди. Жим ўтиргинки, бирор нохушлик чиқмасин. Бироз сарсон бўлсангиз ҳам, у барибир масалани ўзи ҳал қиласди. Албатта, бу фақат машина ҳайдашга хос эмас. Уни қайгули кўрганингда ҳам, нимадир қила оламанми, деб ёрдам таклиф қиласди. Унинг ёнида бўл ва уддалашига ишон, кифоя! Ундан ақлли ва кучли кўринишга уринма. Ҳар доим унга муҳтоҗлигингни ҳис эттири.

– Эркаклар ўзига ишонган аёлни ҳам, эзилган аёлни ҳам унчалик севишмайди, деб ўқигандим бир жойда.

– Жуда ҳам тўғри. Эркаклар аёлнинг назокати ва мулойимлигини ёқтиришади. Мулойимлик ва эзилганлик орасида катта фарқ бор.

– Кучли кўринмаслик эзилганликни кўрсатмас экан-да?

– Худди шундай. «Аниқча»даги яна бир қоидага кўра, эркаклар дардлашишни ва хатоларини мұхокама қилишни хушлашмайди. Биз аёллар дардимизни достон қилишни яхши кўрамиз. Ха-

толаримизни мұхқокама қилишдан уялмаймиз, ҳатто аксарият ҳолларда кула-кула гапириб берамиз. Ҳолбуки, әркаклар үтмишдаги хатоларини эслашни ҳам исташмайды.

– «Аниқча»да энг қадрли сўзлар қайсилар?

– Эътироф ва миннатдорчилик сўзлари. Эркак кичкинагина иш қилган бўлса-да, эътироф кўришдан севинади. Тақдирланса, раҳмат эшитса, файрати янада ортади. Танқид қилинса, айбланса, ишга киришишдан бўйин товладайди. Қилиши керак бўлган ишларни ҳам қилмайди ва аёлидан узоқлашади. Бундай ҳолатларда баъзан била туриб, баъзида эса билмаган ҳолда эркак қадрини биладиган, тақдирлайдиган ва эътироф этадиган бошқа аёлни излашга тушади.

– Қаранг-а, жуда кўп хатоларга йўл қўяр эканман! Ўзимни ва атрофимдаги дугоналаримни ўйлајпман ҳозир, ишимиз фақат эрларимизни танқид қилиш. Ундай қилмаймиз, бундай қилмайсиз, уни қилинг, буни қилинг...

– Ҳар бир эркак севган аёлининг қаҳрамони бўлишни хоҳлайди. Ҳеч қайси қаҳрамон бурни ерга ишқаланишини истамайди, албатта. Эркаклар шундоғам кўп ҳолларда хатоларини билишади, билмаганлари учун эмас, исташмагани учун ишга киришишмайди. Лекин тақдирланган, меҳнати эътироф этилган эркак қилмаган бошқа ишларини ҳам қилишни бошлайди.

– Биз аёллар эса эркаклар истаганимизни қилмагани сари билмайди ва унутиб юборади деб тинимсиз ўргатиб бормоқчи бўламиз...

– «Аниқча»да қайтарилган, такрор-такрор айтилган сўзлар энг расво сўзлардир. Эркаклар

аёлларнинг бир нималарни эслатиб туришидан нафратланишади. Ниманадир қайта-қайта гапирган аёлга чакаги тинмайдиган аёлга қарагандек қарашади.

– Тушундим, қилинмаган иш учун тихирлик қилмаймиз, қилинганаарни тақдирлаймиз.

– Ҳар бир эркак ўзини дунёда энг кўркам йигит, кўркам бўлмаса ҳам кўзга яқин деб ўйлади. Ўзининг энг кучли ва энг ақлли эканлигига ишонади. Аёл эса сен ундан эмассан, деб буткул аксини исботлашга уринса, ўша аёл эркак учун тамом бўлган ҳисобланади. Агар ўша аёл билан бир оила бўлиб яшашга мажбур бўлса, аёлга ўликка қарагандай қарайди ёки аҳмоққа муомала қилгандай муомала қиласди. Чунки фақат ё ўлик, ёхуд аҳмоққина унга ўхшаган эркакнинг қадрини билмайди.

– Эркаклар тақдирланган сари ўзидан кетмайдими?

– Йўқ. Тақдирланган сари эркакларнинг файрати ошади. Аёл эрининг ўзини яхши ҳис қилишига эришиши керак. «Сиздек эркак билан турмуш қурганим учун жуда ҳам омадлиман», «Уйимнинг устуни, ҳаётимнинг маъноси, паҳлавоним!» каби сўзлар билан эрини ўзига маҳкам боғлай олади.

– Мен эса қаердан ҳам сенга йўлиқдим, деғандек муомала қиласман эримга. Сизни эшита туриб, қилган хатоларимни жуда яхши тушундим.

– Севги меҳнат кутади, севгилисидан муҳаббат кўришни истайди. Муҳаббат учун хизмат керак. Муҳаббат истасанг, севганингга қадам-бақадам яқинлаш, унинг қадам ташла-

шини кутиб ўтирма. Унга хизмат қил. Қўлинг, оёфинг, тилинг, қулофинг, ақдинг, ва албатта, кўнглинг билан. Бунинг учун эса муҳаббат йўлидаги тиканакларни кўриб, уларни йўлдан олиб ташлашинг керак.

— Сизнинг ёрдамингизда қанчадан-қанча тиканларни кўрдим ва уларни йўлимдан олиб ташлаяпман. Баъзиларини олиб ташлаш қийин бўляпти, уддалайман.

— Уйингдаги қаҳрамонингдан ёрдам сўра. Хатоларингни кўрганингга чин дилдан иқрор бўлсанг, у ҳам сенга бажонидил ёрдам беради.

— Хўп бўлади. Миннатдорман сиздан!

— Сен билан сухбатмиз тугади. Муҳаббатга кўмилиб яша! Ҳаётинг ширин бўлсин, Шириной!

ФАРҲОД БИЛАН ЎН БЕШ ҚАДАМ

- Аввало сизга катта раҳмат дейман, — дея сўз бошлади Фарҳод. У озроқ ҳаяжонланаётган эди.
- Ширинда ўзгаришлар катта. Тўғрисини айтсан, бу ерга Шириннинг қистови билан келгандим. Бирор ўзгариш бўлишига ишонмагандим. Бир пайтлар унинг ишқида тоғларни толқон қилиб, ариқ қазиганимга ўзим ҳам ишонмай қолгандим. Мен учун бу турмушнинг охири кўринаётганди. Уни ортиқ севмайман, деб ўйлардим. Лекин кўрдимки, ишқимнинг оташи сўнмабди, фақат устини озроқ қул босибди. Муҳаббат қадамлари билан ишқ оловимиз яна ёна бошлайди.
- Жуда ҳам хурсандман.
- Шириндаги ўзгаришлардан мамунман. Мен ҳам муҳаббат учун қадам ташлашга тайёрман.
- Майли. Қани, унда бошлаймиз.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ҚАДАМ

***Турмуш ўртогингга уни қадрлашингни
ҳис эттирип***

- Бу ерга келаётиб, илк қадамни ўзимча тахмин қилишга уриндим. Аёллар учун нақадар севимли эканини билиш муҳим бўлгани сабабли гапни «Аёлингга севгингни исботла» дейишдан бошлайсиз, деб ўйлагандим. Қадрлашингни ҳис

эттириш дейишиңгиздан, очифи, бироз ҳайрон бўлдим.

– Қадрли, муҳим эканини билиш эркак ва аёл бўлишидан қатъи назар, ҳар бир кишининг улкан кўнгил эҳтиёжидир. Сен унга қадрли эканини ҳис эттиранг, у севикли эканига ишонади. Бугун хотин-қизлар ҳаракатлари туфайли аёллар бекадрмиз, аҳамиятсизмиз деган улкан босим остида қолган. Эркак-аёл муносабатларида муаммоларнинг манбай шу бўлганига кўра, ечимни ҳам шу ердан бошлаш керак, деб ўйлайман. Бу босимнинг юзага келишида эркаклар ўз хатоларини кўриши керак.

– Булар қандай хатолар бўлиши мумкин?

– Биринчидан, эркаклар оламида неча юз йиллардан бери давом этиб келаётган аёлларга паст назар билан қараш хатоси бор. Катта кўринган ишларни ўзлари бажаргани учун майда ишларни бажарган аёлларни назарларига илишмайди. Аслида ўша кичик кўринган ишлар қилинмаса, буюк ишлар ҳечам амалга ошмайди. Балки аёлларнинг феминизмни бунчалик қўллаб-қувватлашининг сабаби катта ишларга қўл уриб, эркакнинг кўзига қадрли бўлиб кўринишга уриниш бўлиши мумкин. Йўл янгиш, услуб хато, лекин қадрсизлик ҳиссига ҳам тоқат қилиб бўлмайди.

– Аёлларнинг феминист бўлишига биз эркаклар сабабчимизми?

– Сабабларнинг энг асосийси бўлганингиз шубҳасиз! Эркакларнинг янгиш нуқтаси аёлларни муҳим санамагани бўлди. Ҳаёт деган қушнинг қанотлари эркак бўлса, унинг бўйни аёлдир! Қанотлари бўлмаган қуш учолмайди, лекин

бўйни синган қуш ҳам яшолмайди. Бирор ишга фойдаси тегмагандай кўринадиган бўйин аслида қушнинг ҳаёт риштасидир. Лекин эркаклар уларни ҳаётга боғлаган бўйинни камситиб, унга думга қарагандек қарашибди. Энди бўйин қасосини оляпти. Эркак ҳалқининг дунёсини остин-устин қилиб ташлади. Аммо на бўйин хотиржам, на қанотлар саодатли.

– Бундай нарсалар хаёлимга келмаган экан...

– Эркакларнинг иккинчи хатоси шуки, феминизм ва романтизм номи остида шитоб билан ёйилган ҳаракатларга унчалик жиддий қарашибмади. Бунинг замирида ҳам эркакларнинг аёлларни месиммагани, писанд қилмагани ётади. Бошида бу жараёнларни аёлларнинг шов-шуви сифатида кўришди, унчалик эътибор беришибмади. Оқибатда эркаклар феминизм ва романтизм ҳаракатлари қархисида бошларига тушган воқеалардан ҳайрону лол бўлиб қолишибди. Ҳар томондан бомбардимонга йўлиқишибди.

– Ҳақиқатан биз эркакларнинг устида жуда катта босим бор. Романтизмдан нафратланаман. Хотинимнинг романтизмга қизиқиши туфайли ўзимни қўпол-қўрс, тоғлик эркакдай қўраман. Романтик бўлишни ҳам хоҳдамайман.

– Романтизм оқими бошлангунга қадар эркаклар ҳис-туйгуларини кўрсатиши борасида аёлларнинг ич-ичида бир истаклари бўлса-да, умидлари йўқ эди. Эркакларни борича қабул қилиб бўлгандилар. Лекин романтизм шабадаларидан кейин аёллар энди очиқ-оидин кутишни ва талаб қилишни бошлашибди. Ҳис-туйгуларига жавобан эркакларнинг ҳам ҳис-туйгуларини кўрмоқчи бўлишибди. Эркакларнинг тушунишини,

севишини талаб қилишди. Лекин эркаклар улар кутгандай муюмала қилмагач, бахтсиз бўла бошлиашди.

– Бизни ҳам бахтсиз қилишди...

– Аслида романтизм эркаклар учун бироз керак эди. Чунки бизнинг урф-одатларда ўғил болани тарбиялашда унинг аввало инсон бўлишига эмас, эркак бўлишига эътибор қаратилади. Эркакларга инсоний жиҳатлари бўлган ҳис-туйгуларини бостириш, яшириш ўргатилади.

– Авваллари эркак киши бошқаларнинг ёнида болаларини эркалаши, қучоfiga олиб ўпиши, хотини билан ёнма-ён ўтириши уят ҳисобланган. Айниқса, бошқа бировга хотинимни севаман, дейиш мутлақо айб ва ожизлик сифатида кўриларди. У замонларда менинг Ширинга бўлган ишқимни ҳам айблашган.

– Шунинг учун бир бўлак романтизм керак эди. Ҳис-туйгуларини кўрсатолмаган эркакларга бир эшик очилди ва аёл қалбини англай бошлиашди. Лекин газеталар, журналлар, телевидение бу билан кифояланиб қолмади. Кўрдиларки, рағбат ортиб боряпти, ҳар куни бу масала ҳақида нималарнидир ёзиб чиқишиди. Ҳа, бу орада ёмон ниятили кишилар ҳам қўл қовуштириб ўтирмади. Керак-нокерак маълумотлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

– Биз эркаклар анъаналар таъсиридаги қўрс эркаклик ва романтизм таъсиридаги мулоийим эркаклик орасида аросатда қолиб кетдик.

– Аёллар ва эркакларнинг калласида минг бир хаёл бўлгани учун ўз-ўзидан оиласда муаммолар, зиддият ва келишмовчиликлар келиб чиқа бошлиади. Шунинг учун биринчи қадам-

ни «қадрлаш» деб бошладим. Менга аёллар томонидан келадиган энг катта шикоят ҳам шу: «Эрим мени қадрламайди! Телевизори, қўл телефони, юмшоқ ўринидифи, дивани ҳам мендан қадрли! Унинг хотини бўлгандан кўра, у севган жиҳоз бўлсайдим» деганларни кўрдим. Шундай экан, эркакдан аёлни муҳим санаш, қадрлаш масаласига жиддий қарааш талаб этилади.

– Хўш, унга қадрли эканлигини ҳис эттириш учун нималар қилишим керак?

– Буни кейинги ҳафта гаплашамиз. Бу бир ҳафтага сифадиган масала эмас. Кейинги ҳафталарда қўйиладиган қадамлар ана шу мавзуда бўлади.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ҚАДАМ

Вазифаларингни бажар

– Қўлимдан келганича бажаряпман, деб ўйлайман.

– Бир мисол келтириб, унинг атрофида гаплашиш учун сенга баъзи саволларни бераман. Айтайлик, сен деҳқонсан ва ўзинг яшайдиган жойдан узоқроқда деҳончилик қилиш учун ер ва ферма сотиб олдинг. Ерингда маҳсулот етиштирмоқчисан. Аввало нима қиласан?

Фарҳод ерга тикилган кўйи бироз жим турди. Сўнг секин-аста гапира бошлади:

– Аввало, бу соҳага доир изланишлар олиб бораман, маълумот тўплайман. Ер сотиб олинган жойнинг иқлими ҳақида маълумотга эга бўлишим керак. Қайси маҳсулотнинг экиб, қан-

дай дарахт кўчати ўтқазишга қарор қилишим учун бу муҳим ҳисобланади. Яъни аввал ташқи шарт-шароитга қарайман.

– Яхшигина билим ва малака керак, демоқчисан-да?

– Ҳа. Кейин қандай ҳосил етиштиришимни билишим учун тупроқни ўрганишим керак. Тупроқда ҳар хил ҳосил етишавермайди. Ўша тупроқда яхши ҳосил берадиган маҳсулотларни танлайман. Масалан, гул ҳам бўлиши мумкин, маржумак ҳам. Бунга фақат тупроқни ўргангандан кейин қарор бераман.

– Қарор қилдинг, маҳсулотни танладинг, экин экдинг. Кейин нима қиласан, ҳосил беришини кутасанми?

– Бирпасда ҳосил бўлиши мумкинми? Тинимсиз ҳаракат қилиш, тупроққа ишлов бериш, бегона ўтларни тозалаш керак. Ўз ўрнида суғориш зарур.

– Буларни ҳам бажардинг, яхши ҳосил олдинг. Кейинги маҳсулот учун шундай ишларни бажарасанми ёки яна ҳосил беради деб ўтириб кутасанми?

– Ўтириб кутадиган бўлсам, ҳосил ололмайман-ку? Биринчи марта қилган ишларимни бошқатдан қилишим керакки, яна ҳосил йигиб олайин.

– Бу мисол атрофида давом этамиз. Раббимиз вужудимиз, ташқи кўринишимиз, жонимиз, қисқаси, ҳамма нарсамизнинг яратувчиси. Куръони Каримнинг бир оятида эркак дехқонга, аёл эса тупроққа ўхшатилган. Демак, сен дехқонсан, хотининг еринг. Севги эса сизларнинг гулингиз, яъни маҳсулотингиз.

— Мен нега бундай саволлар беряпсиз, деб ўйлаб турғандим. Майли-ю, аёл ва эркакнинг маҳсулоти болалари эмасми?

— Бу ояти қарима эркак ва аёл мұносабатларига оид кенг қамровли оятдир. Жинсий ва ҳиссий маънода талқин этилади. Ҳар икки маънода ҳам эркак – дәхқон, аёл – тупроқ. Жинсий тарафдан қаралганда, маҳсулот – бола, ҳиссий тарафдан қаралса, маҳсулот – севги.

— Яъни дәхқон сифатида севги гулини ўстириш иши менга қоляпти, түғрими? Лекин тупроқнинг сифатига ҳам боғлиқ эмасми? Қаттиқ ва тошлоқ ерда гул ўстиролмайман-ку?

— Түғри айтасан, албатта, тупроқ ҳам мұхим. Аёл ҳам яхши тупроқ бўлиш учун ҳаракат қиласди. Сен ҳам ўзинг айтганингдек, бир дәхқон сифатида тупроқни яхши таниб, қайси маҳсулотга мос бўлса, ўшани экиб, қадашинг керак. Гул ўстиролмаслигинг мумкин, балки буғдой яхши ҳосил берар.

— Аёл тупроққа ўхшайди, сен ҳосил олишни билсанг бўлгани, демоқчимисиз?

— Мен демаяпман, Аллоҳ деяпти. Эркак биринчи қадамни қўяди, аёл ҳосил беради. Қолаверса, аёл битта бермайди, бирга ўн, бирга юз, бирга минг беради. Сен атиргул кўчати эксанг, у сенга даста-даста гул тақдим этади. Сен олма дарахти ўтқазсанг, у сенга қоп-қоп олма беради. Бироқ унга лимон уруғи қадасанг, сенга мўл-кўл лимон беради, ҳаётинг нордон кечади.

— Аччик қалампир экзам, жуда аччик ўтар экан-да?

— Худди шундай...

— Кошки аёллар мойчечакдек бўлса эди, ўзидан ўзи ўсиб, унадиган...

– Шундай аёллар ҳам бор. Бөгбони бўлмагани учун ёки боғбони парвариш қилмагани учун бор кучи билан тупроқдан бошқ кўтарган... Ҳаётни яшнатаётган ва атрофига фойдаси тегаётган. Лекин ҳаёт шартларига кўра, ҳосил олиш учун албатта дехқон, боғбон керак!

– Менинг вазифам яхши дехқон бўлиш эканда...

– Қуръони Карим оиласа охирги сўзни айтиш учун эркакка устунлик берган. Яъни уйнинг раҳбари сифатида эркак танланган. Бу эркакка берилган масъулият ҳисобланади, эркак оиласи учун масъулдир.

– Дехқон аввал етиштирмоқчи бўлган маҳсулоти хусусида аниқ билимга эга бўлиши керак, дедик. Яхши маҳсулот учун ҳам умумий маълумотлар, ҳам маҳсус билимлар керак. Умумий маълумотлар борасида сиздан ёрдам сўраб шу ерга келдим.

– Умумий маълумотларда сенга ёрдам бераман. Маҳсус билимларни эса турмуш ўртогингни кузатиб, феъл-авторини эътиборга олган ҳолда ўзинг ўрганасан.

– Ҳозироқ бошлайлик унда.

– Бу ҳафта бўлмайди, кейинги ҳафта бошлаймиз.

– Лекин биз икки ҳафтада ҳеч қадам ташламадик. Биринчи ҳафта менга жуфтингни қадрла дедингиз, унга қандай муомала қилсан, қадрли ҳис эттиришимни айтмадингиз. Бу ҳафта ҳам тупроқ билан танишишинг керак деб, тупроқ билан боғлиқ маълумотлар бермаяпсиз.

– Тўгри, амалий қадам ташламадик. Лекин фикр ўлароқ икки қадам қўйдик. Сен бу икки

қадамни ҳазм қил, улар қўйишинг керак бўлган қадамлар эканига ишонсанг, кейинги қадамларни қўйишинг осон бўлади.

— Бўтунгача эркак сифатида кўпроқ моддий шартлар учун ишлашга, хотиним, болаларимнинг қорнини тўйдирсам, улар чиройли, тўкис ва фаровон яшашини таъминласам, масъулиятимни адо этган бўламан, деб билардим...

— Куръони Карим билан бошлидик, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тавсиялари ва ҳаётларидан мисол келтириш билан ҳафтани тамомлаймиз.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эркакларга турмуш ўртоғи билан суҳбатлашишини тавсия қилганлар. Қўл ушлашиш, кўзларга термилишнинг нақадар аҳамиятли эканига диққат қаратганлар. Рўзгорнинг баракаси, хонадон ризқининг эр-хотин орасидаги муҳаббатда яши-ринганини айтганлар. Жуфтига муҳаббатли бўлиш дунё ва охират саодатига васила бўлишини марҳамат қилганлар. «Эркак аёлига муҳаббат билан назар солса ва қўлларини аёлининг қўлларига қўйса, панжалари орасидан гуноҳлари тўкилиб кетади», дея муҳаббатга тарғиб қилганлар. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётларига қарасак, эркакларга ўрнак бўладиган, жуфти ҳалол билан муҳаббатни ортирадиган кўп амалларга гувоҳ бўламиз. Аввало шуни унумаслик керакки, Аллоҳнинг энг севимли бандасининг ҳам бир аёлни севиш ва аёл томонидан севилишга эҳтиёжи бор эди. Севимли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жуфти ҳалолларини севишиларини айтишдан тортинмаганлар. Ул зотдан бир неча бор «Инсонлар орасидан энг кўп кимни се-

васиз?» деган саволга ҳар сафар ҳеч икқиланмасдан «Оишани!» деде жавоб берганлар. Ҳазрати Оиша розияллоху анҳо билан овқат еганларида, аёлларининг идишларидан фойдаланганлар, ул зоти шарифа сув ичган жойдан сув ичишга ҳаракат қилганлар. Севимли аёллари овқат еган дастурхондан овқатланар, улар тишлигаган лукмадан тищлардилар. Бир-бирларининг кўзларига қараб, овозисиз ҳазимлашиш ва шўхликлар қилиш ораларидан муҳаббатни ҳар доим оҳорли тутарди. Ҳазрати Оиша розияллоху анҳонинг ёнларига келганларида: «Мен билан гаплаш, менга бир нималар сўйлагин, Оиша», деде чарчоқларини аритардилар. Тунда жуфтларидан рухсат олиб, ибодатларга ўтардилар. Оиша розияллоху анҳо билан югуриш мусобақалари қиласар, биргаликда ўқ отиш, от чоптириш мусобақаларини томоша қилишга борардилар. Шунингдек, ҳазрати Оиша волидамизнинг илм олишларига ҳам ҳар доим ёрдам берганлар, қўллаб-қувватлаганлар. Оиша розияллоху анҳо Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўзларини қаттиқ севишиларини билсалар-да, буни жуфти ҳалолларидан эшитгилари келган. Тез-тез: «Кимни кўпроқ яхши қўрасиз?» деде сўраганлар. Набий алайҳиссалом: «Сени!» деб жавоб берганлар. Шунда: «Қанчалик севасиз?» деб сўрадилар. Пайғамбар соллаллоҳ алайҳи васаллам «Қаттиқ!» дердилар.

– Мисолларга қарасак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда романтик бўлган эканлар.

– Ҳа, худди шундай. Зариф ва романтик эркак бўлганлар. Ул зоти муборакнинг биринчи никоҳларига қараймиз: Пайғамбар алайҳисса-

лом йигирма беш ёшларида, қирқ ёшдаги ҳазрати Хадича розияллоҳу анҳо билан никоҳланганлар, йигирма беш йилларини бир аёл билан, яъни ҳазрати Хадича онамиз вафот этганларига қадар улар билан ўтказгандар. У киши билан ҳам ниҳоятда муҳаббатга тўла, севги уфуриб турган турмушлари бўлган. Ҳеч қайси хотинларига асло ёмон муомала қилмагандар, қўл кўтармагандар, қалбга озор берадиган қаттиқ сўз айтмагандар. «Аёллар сизларга Аллоҳнинг омонатидир!» дея эркакларга аёлига яхши муомала қилишга буюргандар.

Ҳатто саҳобаи киромлардан битталари шундай деган: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларидан хотинларимизга шундай яхши муомала қиласдикки, бир пайт аёллар ҳақида ояти карима нозил бўладиу, адойи тамом бўламиз, деб қўрқиб қолдик.

– Биз сиз айтган бу гапларни эшитиб улғаймадик. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳис-туйғуларини кўрсатган эканлар, бизга эса ҳис-туйғуларни кўрсатишни ожизлик деб ўргатишган.

– Эркакнинг жуфтига муҳаббат маъносида ҳис-туйғуларини кўрсатиши унинг кучини йўқотиши ёки ожизлиги эмас.

– Катта раҳмат! Фикран гўзал бир қадам қўйдим, шекилли. Кейинги ҳафта кўришгунча омон бўлинг!

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ҚАДАМ

Аёл мантигини борича қабул қил

- Аёлларнинг мантиги борми ўзи?
 – Шоир нима деганини биласанми?

*Агар гулнинг нозига тоқат қилмасанг,
 Тиконига тегинма, гулга озор берма!*

Аёл ва эркакнинг табиати фарқли. Тўғрироғи, яратилишдан бир-бирига зиддир. Аслида уларни бир-бирига шу қарама-қаршилиги тортади. Ҳаётнинг завқи мана шу қарама-қаршиликда. Бирида қайси жиҳат оғир келса, иккинчисида ўша жиҳат кемтиқдир. Иккиси бирлашса, кемтиқлар тўлади.

– Айбга буюрмайсиз, мен сизнинг ҳам аёл эканлигинизни унугибман. Ҳақорат қилиш учун айтмагандим. Аёл деганда биринчи бўлиб кўз ўнгимда хотиним жонлангани учун бу гап оғзимдан чиқиб кетди. Баъзан жуда мантиқсиз ишлар қиласди-да...

– Аёллар мантиқсиз эмас! Эркакларга мантиқсиз туйилишига сабаб шуки, аёл мантиги эркакларнинг мантифидек математик негизларга асосланмаган. Аёл мантиги тўрт аралашмадан иборат: ҳис-туйғу, хаёл, сезги ва ақд. Шунинг учун эркаклар аёл мантигини англашда машакқат чекади. Чунки эркак мантиги фақат ақдга суюнади. Шу сабабли ҳам сенга ўхшаган жуда кўп эркаклар аёлларни мантиқсиз деб билади.

– Аёл мантиги ичра ўз мантиги бор, демоқчимисиз?

– Худди шундай. Шунинг учун ҳам биз аёллар бир-биримизни тушунишда қийналмаймиз. Эркақлар эса тушунмайди.

– Хўш, биз эркаклар қандай қилиб тушуна-миз?

– Эркакларнинг мантиғи бошқача бўлгани учун аёлларни тушуниши осон кечмайди. Тушуниш учун ҳаракат қилиш эркакни ҳам, аёлни ҳам чарчатиб юборади. Шундай экан, эркак аёлни тушунмасин, фаҳм-фаросатли бўлсин, шунинг ўзи етарли!

– Тушунишнинг иложи йўқми?

– Қаердандир шундай сўз ўқигандим: «Эркақнинг хаёли тоғдаги кулбадай, йўқловчиси оз бўлади. Аёлнинг хаёли эса ўн томондан кириши бор шоҳбекатдай, ҳеч қачон бўш бўлмайди». Бу тўрт аралашманинг бири тинса, иккинчиси тинмайди. Аксарият пайтда ҳаммаси бирданига ишлайди. Аёл хаёл суради, ўйлайди, ҳиссиётга берилади ва қарор қиласди. Тўрт аралашма ҳар доим очиқ туради. Албатта, мантиқнинг ичидаги бу тўрт аралашманинг ҳар бирининг нисбати барча аёлларда бир хил эмас. Қайсиadir аёлда туйфу, кимдадир ҳис, бошқа бирида эса хаёл кўпроқ ишлайди.

– Бизнинг мантиғимизда ҳис-туйфу йўқми?

– Эркакларнинг ҳис-туйгулари мантиқларида эмас. Шунинг учун туйгуларини мантиқлари билан аралаштириб юборишмайди. Иккиси алоҳида-алоҳида ишлайди. Ошиқ бўлмагунларича... Фақат ўшандагина чалкашиб кетишади. Аслида ўша пайтда ҳам иккисини бир-бирига қўшиб ташлашмайди. Фақат бир муддат терс жараён бўлади ва туйгулари мантиқларидан олдинга

ўтиб олади. Ошиқ эркак ошиқ аёлдан кўра мантиқсиз ҳаракатлар қиласди. Эркак севган аёлига эришганида, яъни ҳаётнинг одатий оқими бошлаганида яна аввалги ҳолига қайтади.

– Худди мен ошиқ бўлган кезларимдагидек. Тоғларни тешмоқчи бўлганимни яна қандай изоҳлаш мумкин?..

– Аёлларнинг вақт ўлчовлари ҳам ҳар хил. Замон ҳам математик ҳисобдек бўлгани учун аёллар ўз вақтида бир жойга улгуриш ва ўз вақтида иш битиришга қийналишади.

– Бирор жойга бориладиган бўлса, ўз вақтда тайёр бўлишининг иложи йўқ. Хотинимга сен қачон тайёр бўласан, вақтини айт, мен шунга қараб бораман, дейман. Айтган вақтида уни олгани уйга борганимда барибир тайёр бўлмаган бўлади. Мени куттиради. Баъзан ғазабимни келтириш учун атайлаб қиласди, деб ўйлайман.

– Асло атайин қилмайди. Ҳатто ўз вақтида тайёр бўлиш учун роса ҳаракат қиласди, лекин бўлмайди.

– Буни тушунмасдан ўтиб кетсан керак!

– Зеро, тушунишинг керак эмас, бироз сабрли бўлсанг, кифоя. Аёлларнинг соати эркаклардан фарқли ишлайди, гап мана шунда!

– Шуни биламанки, аёллар вақтни қандай хоҳласа, шундай ишлатади. Масалан, Ширин оиласининг ёнига, ўз вилоятига кетганида унга бир кун қўнфироқ қилмасам, шундай гапирадики, худди мен унга бир ой қўнфироқ қилмагандек. Ҳолбуки, фақат бир кун, яъни йигирма тўрт соат қўнфироқ қилмаган бўламан.

– Бир файласуф шундай деган экан: «Севмоқ

– аёл учун худди эркакнинг касби коридек кун

бўйи давом этадиган ишдир». Шунинг учун бир кун унга бир ойдек туйилгандир.

– Тағин шу «ҳис» ва «сезги» дейиладиган бутунлай ҳақиқатга зид нарсаларни тушунмаяпман. Масалан, бир жойга борадиган бўлсак, Ширин кўнглим сезяпти, бугун боришимиз яхши эмас, бошқа пайт борамиз, дейди. Бормаслик учун қўлида сезгисидан бошқа ҳеч қандай далили йўқ.

– Ҳисларга жиддий қарааш керак. Ақл кўринган нарсанинг олдини ололмайди. Аёллар жуда кўп нарсани ҳис қилишади. Агар аёл васваса билан ҳисни адаштирмаса, ҳислари кўп ҳолларда тўғри чиқади. Қолаверса, аёллар жуда кўп туш кўради ва кўп тушлари ўнгига рўй беради. Аёлларнинг маънавий жиҳати кучли. Эркаклар аёлларда ожизлик дея кўрган нарсалар аслида аёлларнинг кучли тарафлариdir. Аёлларни эркаклардан айирадиган, ҳаётни рангин қиладиган ҳам мана шу жиҳатлардир. Бир файласуф шундай деган: «Аёлсиз яшаб бўлмаслиги тўғри эмас, фақат аёлсиз яшагандай бўлмайди».

– Қисқаси, хотинимни тушунишдан умидимни уздим.

– Бир савол бераман сенга: кечки пайт уйга келаётib йўлда тирбандликда қолиб кетдинг. Шу пайт қўл телефонингнинг қуввати тугаб қолди ва уйга уч соат кеч қолдинг. Ширин нима қиласди?

– Бир сўз билан айтганда, тентак бўлиб қиласди. Бир неча марта бошимга тушди. Буни неча марта тушунтиришга ҳаракат қилдим, лекин тушунмайди. Йўлда тирбандлик бўлади, ишдан вақли чиқолмайман ёки бирор ўртоғими ни, дўст-биродаримни учратиб қоламан, бирор

жойда беш дақиқа ўтирай дейман, вақт ўтади. Булар бўлиши мумкин бўлган оддий ҳоллар. Мен кеч қолсам, Ширин ҳаддан ортиқ инжиқдик қиласди.

– Энди масалага аёл кўзидан қараймиз. Эркак уйга кеч келди ва аёл эрига қўнгироқ қилиб, унга боғлана олмаётган бўлса, аёлнинг хаёлига тезда ёмон нарсалар келади. Аёлнинг тасаввурни жуда тез сценарий ёзади. Аёлнинг хаёлига охирги кунларда кўрган барча тушлари келади. Аввал уларни кўздан кечиради, ёмон хабарнинг ишоралари бор эдию, мен тушунмадимми, дея ўзини сўроқча тутади. Кейин охирги кунларда ўз-ўзидан юраги гашланганини эслайди, ҳа шунга экан-да, дейди. Сўнг хаёлида эрининг ўлим хабарини олади, касалхонага боради, болаларига оталарининг ўлимини қандай айтишини ўйлади, жасадни тобутга солганларида, эри уйга келади.

– Хабар бериб қўяман, кеч қоламан дейман, яна қовоғини солади-да.

– Унда некбинроқ ўйлади, дейлик. Эрининг бошқа аёлга кетиб қолганини тасаввур қиласди. Хаёлида эрини ўша хотин билан тутиб олади, аёлнинг юзига тупуради, сочини юлади, эри билан ажрашиб учун уни судга беради, рўзғор тебратиш учун қандай пул топишни ўйлаётганида эри уйга келади.

– Бу айтганларингиз чиндан ҳам некбинлик бўлди! Мен уйга кеч қолганимда, Ширин телефонимни титкилаганини сезиб қоламан. Демак, шубҳаланяпти, деб ўйлайман.

– Сценарий аёлдан аёлга ўзгариб боради. Бу борада жуда кўп сценарийлар ёзилади. Эркак-

нинг хаёлига бундай нарсалар ҳеч қачон келмайди. Шунчаки кеч қолган, шу холос. Хотини нега бунчалик жаҳали чиққанини тушунмайди. Аёлнинг ҳам ўзига кўра ҳақли томонлари бор, чунки шу пайтда қаттиқ изтироб чекади. Эри уйга келгунича хавотирланиб ўтиради.

– Мен Ширинга мендан хабар келмаса, хавотир олма, билгинки, яхшиман. Ёмон хабар тез тарқалади. Бир нима бўлса, аввал сенга қўнғироқ қилишади, дейман. Лекин ҳеч тушунишга ҳаракат қилмайди.

– Бу ҳафтадаги суҳбатимизни бир файласуфнинг чиройли сўзи билан тутгатамиз: «Эркак аёлни қаттиқ севиши керак, лекин тушуниши шарт эмас. Аёл эркакни озроқ севсин, лекин тушунишга ҳаракат қилиши шарт...»

ЙИГИРМА ТҮҚҚИЗИНЧИ ҚАДАМ

Турмуш ўртогингнинг ташқи кўринишини танқид қилма

Ҳар бир аёл эри уни бошқа аёллардан гўзалроқ деб билишини хоҳлайди. Аслида чиройли бўлмаса ҳам, севган кишисининг кўзига чиройли кўринишни истайди. Эри уни энг чиройли деб ҳисоблашини билса, севинчдан ҳусни очилади.

– Хўш, бунинг бутқул акси бўлиши мумкинми? Чиройли аёл танқид қилинса, хунук бўлиб қоладими?

– Аёллар ўзини хунук ҳис қилганида, ҳақиқатан ҳам хунук бўлади. Ҳатто чиройли бўлса-да! Айниқса, севган кишиси ёқтирмаслигини бил-

ган аёл чиройли бўлишга уринса-да, хунуклашади. Аёл биладики, кишига ўзининг севгани чиройли кўринади. Эрига ҳусни ёқадиган аёл ўзини севилган деб билади.

– Ҳолбуки, ёқтириш билан севиш бир нарса эмас...

– Эркак кўзи билан қаралганда шундай. Аёл мантиғи аралашмасидан бошқа нарсалар ҳам чиқади.

– Ширин шу кунларда бироз тўлишди. Озини хоҳлайман, лекин буни айтишга журъат қилолмаяпман.

– Тўғридан-тўғри озишини айтсанг, яхши эмас. Соғликни баҳона қилиб айтишинг мумкин. «Жоним, мен сени ҳар қандай ҳолатингда севаман, бу ҳолатингда жуда чиройлисан, декин соғлиғинг учун озишинг керак. Сенга бир нарса бўлса, мен сенсиз яшай олмайман!» деганга ўхшаш сўзларни айтсанг ва унга ёрдам берсанг, озади. «Жуда семизсан, озишинг керак, менга бу туришинг ёқмайди» десанг, орадан ҳеч қанча ўтмай яна ўн кило ортиқча вазн олади. Чунки аёллар хафа бўлганларида кўпроқ овқатланади.

– Биламан, қачон мендан жаҳли чиқса, телбадек овқат ейди...

– Озиши учун сен ҳам қўллаб-қувватлашинг керак. Оқшом учун ҳар хил таом истасанг, озолмайди. Кечки пайт енгил таомларни афзал кўрсанг, унинг озишига ёрдам берасан. Ўзинг ҳам соғлиғингни асраб-авайлайсан. Эркаклар кўп еса-да, аёллардек ортиқча вазн орттиришмайди. Лекин овқатланиш билан боғлиқ касалликларга кўпроқ дуч келишади.

– Ҳа, мен ҳам баъзан бундан азоб чекаман.

– Менимча, Ширин жуда семиз эмас. Бизнинг аёллар одатда тўлароқ бўлади. Аёлингни рус ёки Европа аёлларига қиёслама. Айниқса, телевизордаги моделлар, актрисалар билан асло таққослама.

– Йўқ, улар билан таққосламайман. Туғруқдан аввал нозиккина эди, ўша ҳолатига қайтолмади.

– Бу талабинг ҳар қандай аёл учун иложсиз нарса. Уни фақат шоу бизнесдаги, жисми одамларнинг диққат марказида бўлган аёллар бир дунё пул сарфлаб уddyалайди. Туққан аёлдан ёш қизнинг танасини кутма.

– Йўқ, албатта ундан бўлишини кутмайман.

– Аёлларнинг бу борада танқидга тоқатлари бўлмагандек, жисмоний кўринишлари ҳақида ҳазил, илтифот кўринишидаги пичинг-кеса-тиқларга ҳам тоқати йўқ.

– Илтифот кўринишидаги пичинг қандай бўлади?

– «Чиройлисан, лекин бўйинг узунроқ бўлса эди, янада чиройли бўлардинг. Қорнинг бўлмаса, моделлар олдингда ип эшолмасди» сингари гаплар...

– Бир кишини танқид қилмасдан аввал илтифот қил, дейишади-ку...

– Жуда тўғри айтилган. Танқиддан аввал кишининг чиройли, ҳавас қиласи жиҳатларини санаб, эътироф этган маъқул. Лекин турмуш ўртоғингнинг жисмоний кўриниши ҳақида бундай йўл тутма. Унинг чиройли эканини қанча айтсанг-да, хаёлида фақат сен топган нуқсон қолади.

– Бунга гап-сўзсиз қўшиламан. Тажрибам бор, худди айтгангиздай бўлган.

– Бундан ташқари, ёш билан боғлиқ масала бор, уни ҳам жисмоний кўриниш доирасида

кўриб чиқишимиз мумкин. Ёш ҳам жисмоний ва ташқи кўринишни ўзгартиргани учун аёллар бу масалага катта эътибор қаратишади. Ўттиз ёшдан ошган аёлга ёши билан боғлиқ ҳазиллар қилма. Аксинча баъзан ҳалиям йигирма ёшлига ўхшашини айтсанг, ниҳоятда севинади.

- Бу ёлғонга кирмайдими?
- Илтифотлар ёлғон ҳисобланмайди, улар жуда ҳам керак. Хотинингга илтифот қилсанг, сенинг учун янада кўпроқ ҳаракат қиласди.
- Жисмоний кўриниши ҳақида гапириш буткул тақиқланганми?

- Аллоҳ яратган, ўзгартириши мумкин бўлмаган бўйнинг баланддиги, кўз ранги, бурун каби масалаларда асло оғиз очма! Шунингдек, ёш ва туғруқ туфайли келиб чиқсан ўзгаришлар ҳақида ҳам гапирма. Биринчисини тузатишнинг иложи йўқ, иккинчисини тузатиш жуда қийин. Жисмоний кўринишига ўчакишиб олса, қайфуга тушади, қовоғини солиб олган аёл эса чиройли бўлиши мумкин эмас. Энг чиройли аёл – хурсанд, севилганига ишонган, севинчдан кўзлари порлаган аёлдир. Шунинг учун сен аёлингни баҳтли қилишни бил.

- Бироз ўзига қаравшини эслатиш ҳам ёмонми?
- Йўқ, уни ўзига қараган, орастада ҳолатда кўришни истасанг, уйда униқсан кийимлар билан юрса, сочини бўятишини истасанг, сўзларни танлаб-танлаб айтишинг мумкин, албатта. Фақат қўлидан келмайдиган нарсаларни сўрамасанг бўлгани. Латифадагидек бўлмасин.
- Бу ҳафтадаги қадамнинг охирига келдик чоғи?

– Ҳа, бир латифа билан тугатамиз. Бир киши ўртоғи билан гаплашаётган экан. «Уйланасанми?» деб сўрабди. «Ҳа. Шартларимга жавоб берадигани чиқса, уйланаман», дебди ўртоғи. «Қандай шартлар экан?» сўрабди киши. «Чиройли, ақлли, диндор, бадавлат, маданиятли, шафқатли, жиддий ва қувноқ бўлсин». «Қўйсанг-чи, оғайни, – дебди киши. – Кўпхотинлилик қонунда тақиқланган...»

ЎТТИЗИНЧИ ҚАДАМ

Турмуш ўртогингнинг она эканлигини муҳокама қилма

– Бу гапни Шириндан ҳам эшитаман. Болалар билан боғлиқ бир ишни уни бундай қил, буни ундаи қил десам, аралашманг дейди. Мен унинг оналигига аралашганим йўқ-ку?! Болалар иккимизнинг фарзандларимиз. Мен ота бўлиб уларнинг яхшилиги учун фикрларимни билдирамаслигим керакми?

– Бир мисол келтиргин-чи, ўшанинг атрофда сұхбатлашамиз.

– Ширин ҳаддан ташқари бемалол она. Уйда бир қарасам, болаларга қарашни четта суриб, бошқа ишларга ўралашиб кетади. Ўғлим ҳали кичик, йиқилса, бошини бирор жойга уриб олса, мен қайгураман.

– Шириннинг кўзи фақат болада бўлсин, боланинг қорни очса тўйдирсин, ҳечам йиғламасин, совқотмасин, шамолламасин, йиқилмасин ва ҳоказо... Шундайми?

– Ҳа.

– Шуни ҳам унумтагинки, сенинг бу эътиборинг боланинг руҳияти учун яхши эмас. Чунки ҳаддан ташқари эътибор ва дикқат болага ёмонлик қилишдир. Болага фақат эътиборли бўлсанг, бола ота-онасига қарам, ўзи мустақил қадам қўёлмайдиган, қўрқоқ, салга касал бўладиган нозик бўлиб қолади.

– Аллоҳ асрасин, ундан бўлишини хоҳламайман.

– Қолаверса, хотинингни болалар билан етарлича шуғулланмасликда айблашинг уни аёл сифатида ҳаддан ортиқ ранжитади.

– Мақсадим уни ранжитиш эмас-ку!

– Яхши ният ҳар доим ҳам етарли бўлмайди. Сўзларимиз қандай яраларга сабаб бўлиши мумкинлигига қарайлик. Пичоқни қандай ният билан санчганимиз эмас, ундан қоладиган жароҳатга дикқат қилишимиз керак.

– Аслида ўйласам, болалар туғилмасидан олдин Ширин билан унчалик жанжаллашмасдик. Болалар туғилгандан кейин муносабатларимиз бузилди.

– Оиласда баҳт ва саодат василаси бўлиши керак бўлган бола гоҳида жуфтларнинг янгилиш тутуми сабабли баҳтсизликка сабаб бўлади. Шунинг учун оиласарда жуда кўп ташвиш ва зиддият юзага келади. Кўғчилик аёллар жуфтининг болалар билан етарлича шуғулланмаслигидан нолийди.

– Баъзида Ширин ҳам болаларингизга эътиборли эмассиз, деб норози бўлади. Болаларими ни жуда ҳам яхши кўраман. Лекин кечки пайт уйга ҳориб келганим учун улар билан шуғуллана олмайман.

- Болалар ота меҳри ва эътиборига мұхтож бўлади. Кун бўйи онаси билан бўлган болалар отаси билан ҳам вақт ўтказишни хоҳлайди. Қолаверса, болалар билан фақат она ўралашгани учун эркакнинг кечки пайт болалар билан вақт ўтказиши аёлни хотиржам қиласди. Эркак болалар билан шуғулланмагани ётмагандай, камига «Қара, шуларингга, бироз дам олай», деса аёл қаттиқ ранжийди. Қолаверса, Ширин қанча кўп шуғулланса-да, отанинг ўрнини тўлдиромайди.

- Мен ундан қилмайман. Болаларим билан шуғулланишга, уларга эътибор беришга ҳаракат қиласман. Лекин ишлайман, уларга кўп вақт ажратолмайман. Мен ажратолмаган вақтни Ширин тўлдирсинг, менинг ўрнимга болаларим билан у шуғулланишини хоҳлайдман. Болаларимнинг истагани бўлсин, баҳтли бўлсинлар, дейман.

- Болани севиш – унинг ҳамма айтганини мұхайё қилиш, уни севинтираман деб эркалатиб юборишими? Ота-онанинг вазифаси болани баҳтли қилиш эмас, уни ҳаётга тайёрлашдан иборат. Болаларнинг ҳаёт йўлида яхши-ёмон ҳамма нарса чиқиши мумкин! Болаларни кичиклигидан ҳаётга тайёрламасак, мاشаққатта дуч келганларида йиқилиб қолишади. Бола бу, йиқилиб-туриб катта бўлади. Йиқилганида ўзи туришини ўргансин.

- Сиз ҳам Шириндай гапирияпсиз.

- Эркаклар ота сифатида болаларини қанчалик яхши кўришса кўришсинг, лекин онадай куйиниб, унингчалик севмайдилар. Шунинг учун аёл энг яхши она бўлишга уринади. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки, баъзан аёл ҳаддан ортиқ яхши нияти туфайли фарзанд тарбияси

да хатога йўл қўйиши мумкин. Сен турмуш ўртогингдан кутган нарсани баъзи оналар қиласди. Боланинг ҳар бир истагини бажаради, уни эркалатиб юборади. Ана шунда отанинг аралашуви керак бўлади. Лекин бунда аёлни айблаш эмас, фарзанд тарбияси устида изланишлар олиб бориш, ёрдам олиш ва бу борада маълумотлар йиғиш зарур.

– Раҳмат сизга. Бу борада янада эътиборли бўлишга ҳаракат қиласман.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ ҚАДАМ

Жуфти ҳалолингни уй ишларини бажаргани учун мақта

– Мақтайман. Лекин аёллар уй ишларини бажаришда муболага қилиб юборадигандек. Нима ҳам қилишарди ўзи? Овқат тайёрлаш, уйни йиғишириш ҳам иш бўлибдими?

– Бу ишлар унчалик осон эмас! Уй юмушлари бажарилмаса кўзга ташланадиган, бажарилса сезилмайдиган ишлардир. Ҳар куни кечки пайт ишдан қайтган эркак хотинига: «Уйда нима иш қиласдинг?! Иккита косани ювиш билан ўзингни ишлаган ҳисоблайсанми?!» дея такрорлайверармиш. Бу дашномларни ҳар куни эшитавериб, жонидан тўйган аёл бир куни кун бўйи ҳеч нарса қилмабди. Китоб ўқибди, телевизор кўрибди. Эри кечки пайт уйга келса, ҳамма ёқ жанг майдонидек афдар-тўнтар бўлиб ётибди. Ётоқлар йиғиширилмаган, овқат қилинмаган, уй тозаланмаган. «Уйнинг аҳволи нега бундай?»

деб сўрабди эр жаноби олийлари. Хотин истеҳзо билан жилмайибди: «Ҳар доим менга эрталабдан кечгача уйда нима қиласан, дер эдингиз-ку, мен ҳам нима ишлар қилишимни кўриб қўйинг деб, бугун ҳеч нарсага қўл теккизмадим!» дея жавоб берибди.

– Эркаклар рўзгорни таъминлаш учун ташқарида ишлаб чарчашади...

– Аёллар ҳам кечқурунгача ўйнаб ўтиришмайди, Фарҳоджон. Уй юмушлари сен ўйлагандай осон эмас; уй тозалаш, кир ювиш, дазмол қилиш, овқат тайёрлаш... Булар ташқаридан қараганда осон туйилади. Айниқса, болалар ва уларнинг ҳеч тугамайдиган хоҳишларига улгуриш ҳечам осон эмас. Энг оддий овқат тайёрлаш ҳам кишининг бир неча соатлик вақтини олади. Бу ишлар уйга пул келтирмаслиги шунча ишнинг қадр-қиймати йўқ дегани эмас. Хулласи қалом, икки томон ҳам қаттиқ чарчайди.

– Барибир аёллар эркаклардай чарчамайди.

– Майли, аёл ҳар куни қаттиқ чарчамайди, лекин эркакдан ҳам ортиқ чарчаган кунлари кўп бўлади. Баъзан ишларнинг охири қўринмайди. Аёл баъзида кечки пайтгача ўн хил ишни бир пайтда қилишига тўғри келади. Жуда кўп майда ишлар устма-уст бажарилса, катта иш қилгандек одамни ҳолдан тойдиради.

– Тўғри гапирияпсиз....

– Биринчи ҳафта келтирган мисолим ҳақида гаплашайлик. Кечки пайт эшикдан кирган эркак: «Кун бўйи сизларни боқиши учун тиришим, чарчадим, бироз дам олишим керак!» деб аччиқ-тирсиқ қилиши, кун бўйи тинмаган хотинига қараб: «Кун бўйи нима иш қиласан?! Фақат

тебраниб ўтирасан», деб гапириши одамгарчилликка ҳам, эркакликка ҳам ярашмайди.

– Жуда унчалик ҳам эмас!

– Овқатини еганда қўлинг дард кўрмасин, ширин бўлибди демасанг, уйингнинг тозалиги, кийимингнинг дазмоли учун миннатдорчиллик билдирамсанг, бир нарса керак бўлганида буйруқ оҳангиде талаб қилсанг, ҳам уй ишларини муҳим санамасдан, ҳам уйда қилинмаган ишларнинг ҳисобини сўраб турсанг, очик-ойдин эътиборсиз муомала қилган бўласан.

– Аёллар бу миннатдорчиллик ишини жуда ошириб юборишади. Ширин бир пиёла чой берса ҳам, кўзларимга қараб миннатдорчиллик кутади.

– Эркаклар эса миннатдорчиллик билдиришга жуда ҳам баҳиллик қилишади. Оғзингдан фақат бир оғиз сўз чиқади – «Катта раҳмат». Бу билан аёлинг севинади, сенга жону дилдан хизмат қилишни хоҳлайди, чарчоги арийди. Икки оғиз сеҳрли сўз шунчалик катта қудратга эга. Қийин бўлса ҳам, айт.

– Негалигини билмайман, лекин миннатдорчиллик билдириш малол келади менга...

– Аёллар уй юмушларини адо этар экан, ҳорийди, лекин аслида аёлни чарчатадиган эрининг бу ишларни иш деб ҳисобламаслиги! Хизматлари камситилган аёлга бу ишлар юк бўлиб туйилади. Одатда ишларни бажараётганда бир чарчаса, энди юз марта ортиқ чарчайди. Айниқса, ташқарида ишлайдиган аёл бўлса, чарчоги минг карра ортади.

– Биз ҳам анчадан бери уйда шу масалани муҳокама қиласмиз. Ширин ишламоқчи бўлади,

мен ҳам ишлашини хоҳлайман, оиламиз бюджетига унинг ҳам қўшимчаси бўлсин, дейман. Лекин шундогам муносабатларимиз яхши эмас, янада ёмон бўлмасин, дея иккиланаман.

- Уни қўллаб-қувватлашни ўйласанг, кечки пайт уй ишларига ёрдам берсанг, у ҳам ишласин. Ишлай бошлади, дейлик. Икковингиз ҳам қаттиқ чарчагансиз, кечки пайт бир вақтда уйга келасизлар. Сен ёнбошлаб телевизор кўрсанг, у овқат тайёрлаб, дастурхон ёзади. Болаларга қарайди, идиш-товоқларни йиғиштиради. Чой, қаҳва тайёрлайди, мева олиб келади, болаларнинг дарсларига ёрдам беради. Уларнинг муаммоларини эшитади, кейин уларни ётқизади. Бир томонда телефонда ўзининг яқинлари, сенинг яқинларинг ва дўсту дугоналари билан мулоқот қилишга, уларни йўқлашга ҳаракат қиласиди, бу орада эртанги кечки овқатни режалаштиради, кирларни кир ювадиган машинага ташлайди, дазмол босади...

- Бўлди, бўлди, илтимос... Эшитибоқ чарчадим!..

- Аёл ташқарига ишласа, оилада кундалик ҳаёт нима бўлади, шунга қараймиз. Ҳориб-чарчаб ошхонага кирган, бир томондан уй юмушлирига юурган аёл диванда ёнбошлаб ўтирган эридан жаҳли чиқади. Шу сабабли уйда тинимсиз асабий муҳит ҳукмрон бўлади. Аёл мудом: «Мен ҳам ишлайман, мен ҳам камида унингдек чарчадим, лекин уйга кирганда у ётиб телевизор кўради, менга ёрдам бермайди, мени ўйламайди», дея эридан фазабланади. Бу тугамаган тортишувлар билан бирга ўртадаги севги-муҳаббат ҳам тугайди. Ундан кейин оилавий турмуш еми-

рилиши мумкин ё бўлмаса бир умр бир-бирини ҳолдан тойдириб тоқат қилиб яшайдилар.

– Яххиси, аёл ишламасин экан.

– Ишласа ҳам, кечки пайт уйга келганларида эркак жуфтига ёрдам берсин. Албатта, ҳаловатли оиласий ҳаётни истаса!

– Уй юмушларни ёқтирумайман. Уй ишлари фитратимизга тўғри келмайди. Уй юмушларига қўлим келишмайди. Бажаришга мажбур бўлсам ҳам, хотинимдек эътибор билан бажаролмайман. Тўзғитаман, синдираман, тўкаман.

– Эркаклар ва аёллар бир ишни фарқли тарзда бажарадилар, лекин охиғ-оқибат эркак истаса, чиройли бажара олади!

– Бу менга ғалати туйилади. Мен уй ишини бажарган ота кўриб улғаймадим. Уй юмушларини онам бажаарди. Отам ишдан келиб дам оларди, онам унга хизмат қиласарди. Қадриятларимиз, маданиятимиз шу эди. Мен ҳам хотинимдан шуни кутаман.

– Ҳоргин арслон уйда жайронига эркалик қиласи келади. Лекин жайрон ҳам чарчаган бўлса-чи?.. Ҳам ташқарида, ҳам уйда ишлаш хотинни ҳаддан ортиқ чарчатади. Бунчалик қаттиқ чарчаган жайроннинг завқли-шавқли, ҳаётга кулиб қарашини хоҳлаш фақат эртакларда бўлади.

– Ширин ишлайдиган бўлса, уй ишларида албатта ёрдам беришинг керак, деяпсизми?

– Ҳа. Хотини ишлайдиган эркаклар ўзини бироз қийнаб бўлса-да, турмуш ўртоғига ёрдам бериши керак. Салат тайёрлаш, чой дамлаш, дастурхон ёзиш... Ҳар бир эркак бемалол бажара оладиган ишлар-ку?! Уй ишлари эркаликка

зарар бермайди. Фаросатли эркак аёлига аёллар қиласиган ишларни қилдириб, ўзи эса бироз қийин ишларни бажаргани маъқул. Зеро, эркак қанчалик ёрдам берса берсин, асосий ишларни хотини қиласи. Лекин эркак ёрдам бериш билан умр йўлдошининг чарчонини аритган, унга «Сен мен учун қадрлисан!..» деган изҳорга ишора қилган бўлади. Аёл «Эрим мендан ташвишланади», дея севинади. Жаҳди чиқмайди, севгисини битирмайди. Айниқса, эркак бу орада бир неча ширин сўз билан аёлининг кўнглини олса, хотиннинг қуввати ортади ва янада тетик бўлади.

– Бу масалани яна ўйлаб кўраман.
 – Бу ҳафтани ҳам латифа билан тугатайлик. Хотинига ҳеч ёрдам бермайдиган бир эркак куттилмагандан бир мақоладан ҳисса чиқариб, ёрдам беришга аҳд қилибди. Хотини ишдан келгунича уйни йигиштирибди, овқат пиширибди, хотини келганида унга иш қилдирмабди. Дастурхон ёзибди, овқатдан кейин йигиштирибди, идиш-товоқларни ювибди, болаларнинг дарсни қилдирибди. Хотини эрини ётоқда ҳаяжон билан кутар, эркак эса кела солиб қотиб ухлаб қоларкан. Эр-хотин иккиси чарчаб, вақтли ухлаб қолмаслиги учун ишларни баҳамжиҳат бажариш керак экан...

ҮТТИЗ ИККИНЧИ ҚАДАМ

Аёл тилини ўрган

— Аёл тили дейсизми? Аёлларнинг мантиғидан кейин тили ҳам бошқача, деманг фақат!

— Ҳа, аёлларнинг сўзлашув тили эркакларнинг тилидан фарқди. Мен бу тилга ном ҳам топдим — «букча». У ҳақида ҳикоя ҳам ёздим. «Турмуш ўртоғим билан танишишни унутибмиз» китобимдаги ҳикояни ўқи ва бу тилни, албатта, ўрган.

— «Букча» туркчанинг ўзгарган шакли, шекилли?

— Ҳа, шундай десак ҳам бўлади. «Букча» эркак тили «аниқча» каби бир тил эмас. Аёллар рад этилиш ва хафа бўлиб қолишдан қўрқишига ни туфайли жуда очиқ-ошкора гапиришмайди. Имо-ишора, шама қилишади ва жумбоқни ечишингни хоҳлашади.

— Аёллар чиндан ҳам жумбоқдай гаплашибади. Ишхонадаги аёлларни ҳам тушунолмай ҳалакман. Эътибор берсам, аёллар фақат портлаб йиглаганларида аниқ-тиник бўлишади. Ана ўшанда гаплари адo бўлмайди, нималарни тушунолмаганимни ўшанда пайқаб оламан.

— «Букча» — ишора ва шама тили. Бу тилнини қоидаларини ўргансанг, тушунишинг осонлашибади.

— Сиз ҳам аёлсиз, сизни ранжитмасдан қандай айтишни билмайман, лекин аёллар жуда кўп гапиради. Бу ҳам «букча»нинг қоидасими?

— Ҳа. «Букча» сўзлари кўп тил ҳисобланади. Чунки аёллар миясининг ҳар икки тарафида

сўзлашув механизми бор. Шунинг учун аёлларнинг сўзлашув эҳтиёжи эркаклардан кўра бироз кўпроқ.

– Эркакларда сўзлашув маркази фақат бир томондами?

– Ҳа. Эркакларнинг сўзлашув маркази миянинг чап тарафида. Бош миянинг чап тарафига зарба олган эркаклар бутун умр гапиролмай ўтиб кетади. Аёлларнинг икки томонида сўзлашув маркази бўлгани учун улар жони чиқмагунича сўзлашишда давом этишади.

– Улар гапира бошлиса, бизнинг жонимиз ҳиккайдофимизга келади.

– Аёллар қайгули пайтда кўпроқ гапиради ва ҳамма нарсага баҳона топишади. Аёлингни хурсанд қилишни бил.

– Аёлларни севинтириш жуда ҳам қийин...

– Аёл кўнглидан бироз тушунсанг, унчалик қийин эмас, аслида. Унга ҳар куни вақт ажрат. Бир соат-ярим соат бўлса-да, барча ишингни йигиштир, уни эшит. Аёллар гапириб, ёмён қувватларидан халос бўлишади, гаплашишмаса, портлаб кетишади.

– Ҳар гаплашганингизда бир нималарга ишора қиласизлар, бир нималарни шама қиласизлар, шунақами? Бу биз эркаклар учун даҳшат!

– Албатта, ундей эмас! Фақат ўрни келганида, масалан, истак ва тамаларимизни тушунтириш учун ишора тилни қўллаймиз. Одатий сўзлашув услубида ҳикоя тилини қўллаймиз. Кундаклик кўрган-кечирганларимизни ҳикоя тарзида айтишни яхши кўрамиз. Кўп гапириш истаги замирида баҳам кўриш истаги ётади. Аёллар аксарият ҳолларда бирор яқинга муҳтоҷ бўл-

ганлари учун бошдан ўтказғанларини баҳам күришади.

— Шириң менга күп савол бέради. Бу менга ёқмайди. Мен буни хотинимнинг феълидан деб ўйлардим, лекин эътибор берсам, атрофдаги аёлларнинг аксарияти серсавол экан. Нега шундай, бунинг аёл тилида бир жавоби борми?

— Бор. Аёллар бирор гана билдириш учун ёхуд суҳбат бошлаш учун савол беришади. Аксарият аёллар бир-бирлари билан савол бериб танишганлар, дугона бўлганлар. Аёлниңг савол бериши «сenga қизиқяпман, бунга арзийсан» деган маънони билдиради...

— Хотиним мендан савол сўраса, жаҳлим чиқади. Мени ҳисоб беришга мажбурляяпти, ишларимга бурун суқишига ҳаракат қиляпти, дея ўйлайман...

— У сендан бирор нарсани сўраганида, сен қисқа жавоб бер, кейин сен ҳам ундан бирор нимани сўра. У билан қизиқаётганинг учун севинади, мақсади ҳосил бўлгани учун ўзининг саволларини нари суриб, сенинг сўровингга жавоб бериб, гаплашишни бошлайди.

— Бўпти, бунга ҳаракат қиласман...

— Аёллар дунёга оналик ҳисларига йўғрилиб келганлари учун насиҳат қилишни, ақл ўргатишни яхши күришади. Эркаклар аёллардан насиҳат эшитишдан нафратланишади ва аёллар насиҳатни бошлаган сари эркаклар жеркиб-силтаб, дилозор бўлиб қолишади. Ҳолбуки аёллар аксарият пайтда насиҳат қилаётганини билмайди, улар буни пайқашмайди. Шунинг учун хотининг насиҳат қилишни бошласа, фа-

забланиш ўрнига аксинча унга илтифот кўрсат.

– Ҳазиллашыпсизми? У рўпарамга ўтириб олиб, муаллимдай менга ўгит бераётганида мен унга илтифот қиласманми?

– Ҳа. Унга хуш ёқадиган тарзда илтифот қил. Масалан, жуда чиройли эканлигини, кўзлари ёниб туришини, сенга сеҳрлаб қўядигандай қарашини, табассум унга жуда ярашишини ва ҳаётингда унингдек чиройли куладиган аёл ҳали кўрмаганингни, ҳар ўтаётган йилда ҳусни очилиб, ярқираб бораётганини, кечки таомга тайёрлаган таоми лаззатли бўлганини, устидаги кийим унга жуда ярашганини айт. Ўша кунга тўғри келадиган бирор нима ўйлаб топгин. Бир зумда насиҳат беришни унутиб, ўзи билмасдан кириб қолган оналик ролидан чиқиб, аёллик дунёсига қайтади.

– Натижা шундай бўладиган бўлса, ҳаракат қиласман, албатта. У билан тортишишни мен ҳам хоҳламайман. Лекин мени танқид қилишига, насиҳат қилиб, ўзи билган тўғри йўлга солмоқчи бўлишига чидомайман. Модомики, ўзи пайқамасдан қиласди, мен ҳам бир неча ширин сўз билан унга онам эмас, хотиним эканлигини эслатиб қўяман.

– Бу ҳафта муҳаббатга қадамимиз «букча» эди. Тушунтириш мендан, қадам қўйиш сендан. «Букча» ҳақида яна бирор нарса билишни хоҳдайсанми?

– Ҳа. Ширин нуқул энди сизни севмайман, дейди. Бунинг «букча»даги маъноси нима?

– «Севгинг менга жуда ҳам керак!» деганидир. Севилгани ҳис эттирилишини ва эшитишини ис-

тайди. Лекин очиқча «Мени сев, сен менга кераксан», демайди. Албатта, «Мени севмайсан» деётганида сендан қуруққина «Севаман ахир, бу гапни қаердан олдинг?!» деган жавобни кутмайди. Уни бағрингга босишни, күзларига қараб «Сен менинг мұҳаббатимсан! Ягона севгилимсан! Сени ҳаммадан ортиқ севаман!» сингари күңгилдан чиққан изҳор билан уни қучишиングни хоҳлайди.

- Бундай қылмаганимга анча бўлди...
- Яқин кунларда қилишинг керак.
- Энди турмуш қурган пайтларимизда уни севишимни кўп айтардим. Вақт-вақти билан орага тортишувлар, ранжишлар кириб, айтмай қўйдим, лекин энди айтаман.

– Бу тиљни тушунишнинг энг осон йўли – севганингнинг қалбини тинглаш. Аёлларнинг турмуш ўртоқларига «букча»ни қўллашлари замиридаги сабаб тушуниш, севги ва яқинликка мұхтожлик билан боғлиқ. Мавзуни бир китобдан ёзиб олганим кичик бир ҳикоя билан битираман.

Турмуш мўаммоларидан зериккан бир одам уйидан чиқиб, онасиникига келибди. Онаси унга: «Бор, хотинингнинг гапларига қулоқ тут», деб насиҳат қилибди. Эркак уйига қайтибди. Умр йўлдошининг гапларини эшишибди, яна онасининг уйига келибди. Онаси унга яна насиҳат қилибди. «Хозир уйингга бор ва хотинингнинг сенга айтолмаган ҳар бир сўзини эшиш. Чунки севигига элтадиган йўл севганингни қулоқларинг билан эмас, қалбинг билан тинглашдир».

ЎТТИЗ УЧИНЧИ ҚАДАМ

Саодатни жуфтингда изла

– Кўзинг хотинингдан бошқасини кўрмасин, дейсиз-да?

– Мавзуни Хўжа Насридиннинг бир латифаси билан бошламоқчиман.

Хўжа Насридиннинг шохлари катта, баҳайбат ҳўқизи бўлган экан. Хотинига: «Эҳ хотин, шу ҳўқизнинг икки шохи ўртасига ўтириб айлансан, нақадар завқли бўларди», дебди. Бир куни жониворнинг ерга эгилишидан фойдаланиб, ҳўқизнинг икки шохи орасига ўтириб олибди. Лекин ҳўқиз дарҳол Насриддинни ерга урибди. Афанди ҳушидан айрилаёзибди. Бир пайт ўзига келиб, кўзини очиб қараса, хотини бошида ўтириб йиғлаётган эмиш. «Йиғлама, хотин, – дебди. – Кўп азоб чекдим, лекин ҳавасимга етдим...»

– Қиссадан ҳиссани англадим...

– Айрим ҳавасларнинг охири – фалокат. Ҳар ким ҳар нарсага ҳаваси қиласверадиган бўлса, дунё яшаб бўлмайдиган ҳолатга келади. Насриддин осонгина қутулибди, бу ҳўқиз эмас, аёл масаласи бўлганида эди, бунчалик осонгина қутулмасди.

– Бу масалага ҳавас сифатида қарайсизми?

– Кўп ҳолларда шундай эмасми? «Бугун ҳамма шундай қиласди, мен нега бошқалардан ортда қолай, ўртоқдаримга мақтанай» сингари ҳавас билан кўп эркаклар аёлига хиёнат қиласди. Булар эркакларнинг иқрори!

– Муҳаббат бўлиши мумкин эмасми?

– Мұхаббат ҳам бўлиши мумкин, албатта. Лекин ишқдан кўра тузоқлар кўпроқ. Авваллари уйнинг ташқариси фақат аёллар учун хавфли эди, бугун эркаклар учун ҳам таҳликали бўлиб қолди. Эркаклар бунга эътиборли бўлиши керак. Болалар ёлғиз ўзи кўчага чиқадиган бўлса: «Сенга конфет берсалар, ойинг фалон жойда кутяпти, десалар, зинҳор бормагин», дея уқтирилади-ку, худди шундай эркакларни ҳам эрталаблари уйдан кузатаётганда: «Ҳар бир табасумга, ҳар нигоҳга алданма, сохтаси кўп, уйдан ташқарида бошқалар билан бир нималарни ема, заҳарланишинг мумкин, чиройига қараб алданма!» деб қатъий огоҳлантириб, уқтириш керакка ўхшаяпти.

Фарҳод бу ҳазилимга узок кулди. *

– Менимча бу гапларимни жиддий қабул қил. Эркаклар учун тўрт томондан таҳликаю хавф келади. Бир ўртоғим гапириб берганди. Автобусда ўн етти-ўн саккиз яшар қизлар ўтириб олиб, ўзаро суҳбатлашаётган экан. Қизлардан бери шундай дермиш: «Эй, бўйдоқ эркак билан ўралашиб юраманми?! Ҳар томондан муаммою ташвиш! Пулдор, бойвачча оиласи эркакни илинтириб оласан ва уч кундан кейин хотинини кўчага ҳайдаттирасан, тайёрга айёр бўлиб қўнасан! Уй тайёр, машина тайёр, пул бисёр. Эски хотиннинг жиҳозларини кўчага иргитасан, уйга янги жиҳозлар олдирасан, маза қилиб яшайсан! Агар эркак сендан анча ёш катта бўлса, янаем яхши, атрофингда гирдикапалак. Бу замонда бўйдоқ йигитларнинг нозини кўтариб бўлмайди».

– Нақ даҳшатнинг ўзгинаси-ку бу! Ёшгина қизнинг хаёлларига қаранг!

– Бу тузоққа нечта эркак тушади, Худо билади! Бир ёшгина қиз карашма қилса, эркакнинг боши айланади, севинади. Лекин ақли жойига келганида жуда ҳам кеч бўлган бўлади. Оиласи пароканда бўлади, янги хотини билан баҳтли бўлолмайди. Ўз хотинига қайтолмайди.

– Оиласи бузилмаса ҳам, хиёнатидан хабар топган аёли билан муносабатларига дарз кетади...

– Аёллар хиёнатни ҳеч қачон кечиролмайди. Аёл ё ажрашади, ёки мажбуран ажрашмайди, лекин ҳеч қачон эрини кечирмайди! Турмуш ўртоқ ва фарзандлар ҳаваслар учун хавфга қўйилмайдиган даражада қадрли. Эркак аввал фақат ўз аёли билан баҳтли бўлиш учун ҳаракат қилиши лозим. Бошқа аёлга кўрсатадиган севги, эътиборни ўз аёлига кўрсатса, катта эҳтимол билан баҳтли бўлади. Эркак бошқа аёлга айтадиган ширин сўзларини, унга оладиган ҳадяларни, бегона аёлларга ёзадиган изҳорларни ўз хотинига раво кўрса, аёли атрофида парвона бўлади.

– Энг ёмони, айтганингиздек, ташқари жуда ҳам ўзига жалб қилади. Аёл – биз эркакларнинг ожиз нуқтаси. Уйдан ташқарида, кўчада, иш жойида ўзига қараган, пардози жойида, чиройли аёллар хаёлларимизни чалғитади. Тўғриси, мен ўз аёлимдан кўрмаган эътиборни ташқаридага истаганимча кўраман. Аёллар ҳам уйида турмуш ўртоғи учун жозибали кўринишга ҳаракат қилиши керак эмасми?

– Тўғри. Лекин бу аёл қўядиган қадам. Буни Ширин билан гаплашдик. Ҳамма қадамни у қўйишини кутиб ўтирма, лекин унинг ҳамма ўргангандарини ўз вақтида бажаришига, қадамларни қўйиб, мақсадига етишига ишонаман. Ҳозир биз сенинг қадамларингни гаплашяпмиз. Сен ўзингни таҳликадан қандай ҳимоя қиласан – шуни гаплашайлик.

– Мен ўзимга бир формула топдим. Ўртоқларимнинг бошига тушган воқеалардан сабоқ чиқардим. Ҳеч қачон яқинлашмайман. Ўртоқларимнинг зинога тортадиган муносабатлари «Бир марта қаҳва ичсак, ҳеч нарса бўлмайди, шунчаки овқатланамиз, бошқа нарсани ўйламаяпман», деган майда қадамлардан бошлади. Аввалари бир қаҳва ичишнинг қирқ йил ҳурмати бўлган экан, ҳозир бир қаҳва ичишнинг қирқ тонна дарди бор!

– Берилиб кетиб қолишади, шундай эмасми? Аёл ва эркак олов ва бензинга ўхшайди. Ҳар доим аланга олиб кетиш эҳтимоли бўлади. Ишнинг ўта хавфлилигини икки томон ҳам бошланишида яхши билади, ё ўзларини бошқара олишни тушунадилар, ёки ўзларини алдайдилар. Энг яхиси, ҳечам яқинлашмаслик. Чунки ҳис-туйғуларни жиловлаш жуда ҳам қийин. Вақт ўтгандан кейин вазият назоратдан чиқади.

– Мутлақо ҳақсиз! Сўзларингизга юз фоиз қўшиламан!

– Бу ҳафта шуларни гаплашишимиз керак эди...

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ ҚАДАМ

2+1 формуласини ҳар куни қўлла

- Бундай формулани билмайман десам, уят бўладими?
 - Икки оғиз ширин сўз, бир марта чиройли термилиш. Эрталаб ва кечки пайт.
 - Дори формуласига ўхшар экан. Қорин оч ё тўқлиги фарқ қиласидими?
 - Фарқи йўқ. Хоҳласанг, дори формуласи десанг ҳам бўлади. Баҳт дориси.
 - Икки оғиз ширин сўзни тушундим, лекин чиройли қараш қандай бўлади?
 - Ҳар доимгидек шунчаки қараш эмас, севги ва илтифот тўла, бироз ҳирслни нигоҳ.
 - «Илинтириш» нигоҳи дейсиз-да?
 - Аёллар чиройли сўзга дарров эриб кетадилар. Яхши сўзга чиройли нигоҳ қўшилса, формула бут бўлади.
 - Айтиш осон, уddaлаш эса осон эмас. Ҳар куни унга айтадиган икки оғиз сўзни қаердан топаман?
 - Ўзинг ўйлаб топишинг мумкин, шеърлар, кўшиқлардан фойдаланишинг, бирор айтган ширин сўзни ёдлашинг мумкин. Сен сўзларингни унинг кўзларига қараб, чин дилданг айтсанг бас. Унчалик қийин эмас. Ҳар куни шеър ўқи демайман, албатта. Хотинингга ёқадиган мурожаат сўзи ҳам унинг учун илтифот ҳисобланади. «Сени севаман...» сўзи аёл учун энг ширин калом ҳисобланади. «Бугун очилиб кетибсанми, ҳуснинг кўзимни қамаштирди!» жумласи ҳам оддий кўрингани билан катта илтифотдир. Ма-

салан, бир одам хотинига «ялпизли қандим» дея хитоб қиласар, «Овозингни эшитганимда, ялпизли қанд егандай яйрайман», дер экан.

– Ажойиб.

– Ҳар бир эркак шоирнинг «Сени ўйлаганимда юрагимда чақмоқ тоши ёнади» деган мисрасидек жумла тузолмайди, лекин ҳеч бўлмагандан шунга ўхшаш гаплардан фойдаланиши мумкин.

– Турмушимизнинг илк йилларида Ширинга атаб шеърлар ёзардим, ўқиб берсам жуда ҳам курсанд бўларди...

– Аёл киши шеърни яхши кўради. Агар фақат ўзи учун ёзилган бўлса, албатта, ниҳоятда севинади. Севги чиройли тасвириланган шеърлар ўқисанг, янада ёқиб кетади. Уни хафа қилсанг, ярашиш учун узр оҳангидаги шеър ўқишинг мумкин. Ёки хафа бўлганингда уни севинтириш учун ўқиганинг ҳам яхши.

– Ишончим комил, жуда ҳам севинади.

– Ўзаро паролли сўзлар билан гаплашинг. Болаларнинг ёнида улар тушунмайдиган, иккингиз учун севгингизни англатадиган сўзлар ҳам бўлиши мумкин. Чиройли муҳаббат қўшиғингиз бўлсин. Булар кичик кўрингани билан катта маънога эга сўзлар ҳисобланади. Чиройли сўзлар аёлларнинг севги моторининг ёқилғиси ҳисобланади.

*«Дейдилар келганлар бизлардан аввал,
Қулоқ ошиқ бўлар экан, кўзлардан аввал...»*

Севгини озиқлантирадиган, яшнатадиган қулоқдан қалбга борадиган яхши сўзлардир.

– 2 + 1 юракнинг озуқасими?

– Ҳа. Мавзуни кичик ҳикоя билан тугатамиз. Бир эркак уйига фирт маст бўлиб келибди. Ҳамма ёқни тўзгитиб, ағдар-тўнтар қилибди. Хотини эркакнинг уст-бошини алмаштириб, уни ётқизибди. Кейин жилмайганча ҳамма жойни йифиштириб, саранжом қилибди. Болалар онасининг аҳволига ҳайронмиш. Чунки одатда бундай вазиятларда онаси йифлаб, қарғаниб йифиштиаркан, бу оқшом жуда хурсандмиш. Болалари: «Ойи, нима бўлди?» деб сўрашибди. Аёл севиниб, кулиб шундай жавоб қайтарибди: «Мен отангизнинг кийим-бошини алмаштираётганимда, у мени бегона хотин деб ўйлади. Менга: «Боринглар, йўқолинглар, менга тегинманлар, уйда гулдай хотиним бор, жуда ҳам чиройли, мен уни севаман!» деди.

Маст эркакнинг илтифоти ҳам аёл учун жуда қадрли бўлади. Энди ҳушёрликда, хотинингга чиройли жилмайиб қилган илтифотинг қанчалик таъсир қилишини ўйлаб кўр!

– Сеҳрли формулага ўхшайди. Синааб ўриш керак...

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ҚАДАМ

Турмуш ўртогингга эътиборли бўл

*Йигирма тўрт мақомда куй чалган чолгувчини
Эшиштувчи бўлмаса, чолгуси юқ бўлади...*

*Хаёлига на бир тору куй келар,
На чолгу чалганда бармогини ўйнатгиси келар...*

– дейди ҳазрати Румий.

- Коса тагидаги нимкосани илгадим. Аёл эридан илтифот кўрмаса, ҳеч қандай маҳоратини намоён қилмайди, демоқчисиз

- Аёллар учун эътибор – севги, демак. У сенинг умр йўдошинг ва илтифот қилишингга ҳаммадан зиёд ҳақдор. Аёлларнинг турмушга чиқишининг сабаби эркак севгисига муҳтожлиги билан боғлик. Улар отасининг уйида оч қолгани учун турмушга чиқмайди. Эркак аёлни нақадар тўйдирса, тиллою зарларга, зийнатларга кўмса ҳам, севгидан маҳрум этса, у аёл оч ҳисобланади.

- Ширин бу гапларингизни «руҳий зўравонлик», дейди.

- Ҳа, менимча ҳам бу – зўравонлик. Зўравонлик деганда хаёлга фақат калтак, уриш, дўппослаш келади. Лекин аёл руҳияти кўзда, тутилганда, эркакнинг аёлга бефарқлиги янада оғир зўравонлик ҳисобланади. Ҳиссий зўравонлик аёлнинг кўнглини яралайди, жисмоний зўравонлик эса танасини. Аёл учун кўнглининг жароҳатланиши жисм ярасидан кўра оғирроқдир.

- Аёллар менга эътибор бермайсан, деганларида аслида нима демоқчи бўлишади?

- Менга ҳам вақт ажрат, демоқчи бўлишади. Аёллар гаплашиш ва дардини баҳам кўришга муҳтож. Эркак ҳар оқшом хотинига озроқ бўлса-да, вақт ажратиши, уни эшлитиши, у билан гаплашиши керак. Одамлар телевизиор деган «оила душмани» туфайли гала-ғовурда шунчаки кун кечиришмоқда.

Эркак ишдан келади, овқатланади, бироз янгиликларни кўрай, юртда нималар бўлибди, дея телевизорни қўяди-да, қаршисида бир неча соат қолиб кетади. Хабарлар тугайди, спорт янгилик-

лари, хориж хабарлари дастури бошланади. Бу орада отасининг эътиборига муҳтож бўлган болаларга: «Шовқин солмаларинг!» дея жаҳл қиласди. Чой, мева олиб келаётган хотинининг юзига ҳам қарамайди. У билан суҳбатлашмоқчи бўлган хотинига кўзини телевизордан узмасдан қисқа-қисқа жавоб беради. Аёл бир қарайди суҳбат йўқ, эътибор йўқ, ошхонадаги телевизорда сериал ёки фильм томоша қиласди.

– Мен телевизорни унча ёқтирумайман. Кечки пайт бироз интернетга кираман.

– Интернет ҳам бир бало. У ҳам вақт ўғриси, муҳаббат душмани. Интернетга кирадиган киши ярим тунгача компьютер бошидан туролмайди, телефонини қўлидан қўёлмайди. Эри интернетда умрида кўрмаган, билмаган одамлар билан ўйин ўйнар ёхуд ижтимоий тармоқдаги суҳбатларда хотинига айтмаган яхши сўзларни бегона аёлларга айтар экан, аёл бўш ётоқнинг бир бурчагида фужанак бўлиб ухлашга уринади. Бу ҳолатда аёл икки кишилик ёлғизликка маҳкум бўлади. Эрининг икки оғиз ширин сўзига, унинг соchlарини силашига, уни севги билан қучишига, у билан кулишиб суҳбатлашишига муштоқ бўлиб, ҳаётдан хафа, қовоғи солинган аёлга айланади.

– Жуда таниш ҳолатни тасвирладингиз. Эр сифатида ўзимни жуда ёмон ҳис қиляпман...

– Бу кўп кузатиладиган ҳолат, афсуски. Аёл учун эътибор – севги, вақт ажратиш, меҳр-шафқат деганидир.

– Шафқат деганда кўз ўнгимга фақат болалар келади...

– Аёлдаги шафқатга муҳтожлик оналиги билан боғлиқ. Аёллар аёллик баробарида «оналик-

ка дастурланиб» яратилгани учун шафқатга бой бўлади. Улар севгисини шафқати билан бирга кўрсатади. Шунинг учун аёл эркакдан шафқат кўрганида севилганига ишонч ҳосил қиласди.

– Қандай қилиб шафқатли бўла оламан?

– Шафқат – фамхўрликдир. Аёл учун фамхўрлик қилиш ва кимнингдир унга фамхўрлик қилиши ниҳоятда муҳим. Севган киши севганига фамхўрлик қиласди. Аёллар онасига фамхўрлик, болаларига фамхўрлик қиласди, эрига ҳам. Фамхўрлик аёлнинг фитратида бор. Кўп ҳолларда улар учун ўз истакларидан воз кечади. Масалан, бир аёл ҳар куни овқат пиширас экан, ўзининг севган овқатидан кўра эри ва фарзандларининг ёқтирган овқатларини пиширишни афзал кўради. Жуфти ҳалоли бемор бўлиб қолса, унга эътибор билан хизмат қиласди. Шоир ва мутафаккир Ориф Ниҳот Осиё «Ўйлаяпман, демак, мавжудман!» деган гап нотўғрилигини, аслида «Мени ўйлашптими, демак, мавжудман!» бўлиши кераклигини айтган. Аёл эрининг назарида қадрли эканлигини жуфти уни ўйлаганида янада яхшироқ ҳис қиласди.

– Қайсиdir куни Ширин бемор бўлиб қолди, мен унга чой дамлаб олиб бордим, жуда ҳам хурсанд бўлди.

– Ишончим комил, жуда севингандир. Зоро, аёл фарзанд кўрганида ёки бемор бўлганида, эрининг шафқатига ҳар доимгидан кўра кўпроқ муҳтоҷ бўлади. Аксарият аёлларининг кўзи ёриши билан боғлиқ хотиралари фамгин бўлади. «Эrim туғруқдан кейин болани қучогига олди, мени унугиди», дейишади.

– Аёллар эрини боласидан қизғанар экан-да?

– Четдан қараганда шундай туйилади. Лекин вазият аёл учун бироз бошқача. Туғиши оддий нарса эмас. Аёл түққиз ой заҳмат чекади, туғруқда катта машаққат ва балки хавфни ортда қолдиради. Шунинг учун ҳам эри боладан аввал унга қарашини, унга эътибор беришини хоҳлайди. Шафқат кўрсатсан, кўнгли тусаган бирор нима бўлса, олиб келтирсан. «Энг муҳими – сенинг соғалинг», десин. Бўйдоқлигида аёлларга ўч бўлган, ҳозир оиласи бир машҳур эркак телевизорда шундай деди: «Ота бўлиш албатта чиройли ҳис. Лекин туғруқдан кейин ҳамширалар болани менга олиб келганларида, боладан аввал хотинимдан ташвишландим. «Онасининг аҳволи қандай?» дея уни сўрадим». Буни эшитиб, демак, хотинини қаттиқ севади, бу оила саодатли турмуш кечиради, деб ўйладим. Чунки ғамхўрлик – севгидир.

– Ширин кўзи ёриган пайтлар мен унга унчалик эътибор бермагандим, тўғриси. Бошқа фарзанд кўриш режамиизда йўқ. Энди бу хатоимни қандай ислоҳ қиласман?

– Бемор бўлганида ғамхўрлик қилиб тўғрилашинг мумкин. Бемор десам, оғир касал бўлишини кутма! Оддий шамоллаганида, боши оғриганида ёки қаттиқ чарчаганида бирор егуликлар тайёрлаб, бир пиёла иссиқ чой тутсанг, диванда ухлаб қолган бўлса, устини ёпиб қўйсанг, хафа бўлганида қучиб унга таскин берсанг, унга керак бўлган нарса учун ўз истагингдан воз кечсанг, ўзинг ёқтирмасанг-да, у ёқтирган егулини олиб: «Сенинг учун олдим», десанг, албатта хурсанд бўлади. Булар аёллар учун жуда ҳам муҳим.

Болалардан «Мұхаббат нима?» деб сүрашибди. Бири «Бирга овқатланишта борганимизда севгилимининг қовурилган картошкаларини бизнинг товоғимизга қўйиши ва бизнинг товоғимиздан ҳеч нарса олмаслигидир!» дебди. Катта эҳтимол билан буни қиз бола айтган.

- Ҳамма ўз идишидан еса яхши эмасми?
- Икки санчқи картошкани хотинингга илинишинг бироз ғалати туйилиши мумкин, лекин севги билан йўғрилган муомала бўлади.
- Бу айтганларингиз қийин нарсалар эмас, лекин сизни эшитар эканман, буларнинг кўпини бугунгача негадир пайқамаган эканман, дея ўйладим...

- Ҳаёт жуда қисқа, вақт шитоб билан ўтиб кетяпти. Умр йўлдошинг билан яна қанча вақт ўтказасан, билмайсан. Бир қайрилиб қарасанг, бутун бошли умр ўтиб кетибди, бир-бирингизни ранжитган ҳолда ўтказибсизлар. Ўтган вақтни орқага қайтаролмайсан...

- Жуда тўғри, вақт орқага қайтмайди!
- Бу ҳафтадаги учрашувимизни ҳаётий бир ҳикоя билан якунламоқчиман. Бир кекса онахон бор эди, уни яхши кўрардим. Саратоннинг оғир турига йўлиққанини эшитиб, кўргани бордим. Ўрнидан қийналиб турар, лекин жуда хурсанд кўринарди. Гаплашиб ўтирганимизда сабабини тушундим. «Қизим, амакинг менга роса хизмат қиляпти. Атрофида гирдика-палак», дея ширингина жилмайиб қўйди. Аёл учун «хизмат қиласа, демак, севади» дегани. Бир томондан худди ётиб олиш ўзига ёқаётгандек эри хизмат қилгани сари хижолат бўларди. Дармони бўлса, ўрнидан туриб ишларга югу-

парди. Аёл бояқиши умри давомида қаттиқ қўл эридан шафқат деган нарсанинг ҳидини ҳам сезмаганди. Эрининг қўлидан бир пиёла сув ичмаган, фақат унга хизмат қилган аёл эди. Эри хотини бирданига қўлидан сирфалиб кетаётганини кўриб, bemorligida хотинига ғамхўр бўлиб қолди. Лекин сўнгги пушаймоннинг ҳеч кимга фойдаси йўқ...

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ ҚАДАМ

Турмуш ўртогингга хайриҳоҳлик билан муносабатда қил

– Эркак хотинини тушунаман деб овора бўлмасин, фаросатли бўлса кифоя, дегандингиз...

– Ўтган ҳафталарда бу масалага қисқача тўхталиб ўтган эдик. Лекин эркак-аёл муносабатларида муҳим қадам бўлган учун бугун алоҳида муҳокама қилайлик, дедим. Чунки аёлларни кўпроқ ташвишлантирган нарса ҳам шу. «Мен яхши бўлсан, эrim яхши, мен ёмон бўлсан, ёмон», дейишади. Бу бир томондан тўғри. Аёлнинг қовоғи осилса, эркак ўзини айблангандек ҳис қиласи. Аёлларнинг қайгуриш ҳуқуқига ҳурмат кўрсатиш керак.

– Шундай ҳуқуқлари борми?

– Ҳа. Аёллар ҳиссиётга бериувчан бўлганлари учун тез хафа ва тез хурсанд бўлишади. Бир зумда йиғлаб, бир зумда кулишади.

– Шу йиғи-сифи мавзусини очманг. Кўз ёшлар аёлларнинг қуроли дейишади-ку, менимча, орқага қараб отадиган қурол бўлса керак. Ши-

рин бўлар-бўлмас нарсаларга йифлагани сари менинг жаҳдим чиқади.

– Аёллар руҳиятини билмаганинг учун жаҳлинг чиқади. Аёллар эркаклардан кўпроқ йифлагашади, йифлагани учун хотинингни камситма. Аёлларнинг кўз ёшлари ожизлик аломати ҳам, курол ҳам эмас. Ҳаётга ҳислари билан қарайдиган мавжудотнинг кўзларидан ҳам ҳис томчиларининг тўкилиши режалаштирилган нарса эмас, балки аксарият ҳолларда бошқарилмайдиган ҳолатдир. Аёллар йифлаш билан зўриқишидан халос бўлишади.

– Мен эса менга таъсир ўтказиш учун йифлайди, деб ўйлар эканман...

– Тушуниш билан муомала қил. Аёллар ҳар ойда такрорладиган узрли кунлардан олдин бироз асаби таранг, йифлоқи бўлиб қолишади. Шундай кунларда, ҳомиладорликда ва туғруқдан кейин жуда таъсирчан бўлишади, ўз-ўзидан ҳам йифлайверишади. Бу ҳолларда эркак бироз тушунишга ҳаракат қилиши керак.

– Аёллар бўлар-бўлмас нарсаларга ҳам қайгуришади. Масалан, хотиним ўтган ҳафта қўшни нинг аммаси муаммоси учун ҳам қайгуриб ўтирганди. Унга нима, ҳайронман.

– Аёлларнинг қайгуриш ҳуқуқига ҳурмат кўрсат. «Бунинг нимасига хафа бўласан? Сенга нима? Нима учун унга ачинасан?!» дейиш аёлни янада хафа қиласди ва эрим мени тушунмаяпти деб ўйлади. Аёллар эркаклардан кўра таъсирчан яратилган. Аёллар ҳам ўзи баҳтли бўлишини, ҳам атрофдагиларни баҳтли бўлишини хоҳдайди. Шунинг учун бошқаларнинг муаммолар учун ҳам хафа бўлади.

- Эркак кишининг буни тушуниши бироз қийин бўлса керак...
- Зоро, тушунишинг шарт эмас, озроқ сабрли бўлсанг кифоя
- Бўпти. Хотинимнинг қайғуриш ва йиғлаш туйғусига ҳурмат билан қарайман. Лекин сиз ҳам унга айтинг, ранжишини кўп чўзиб юбориб, қовоғини солмасин!
- Сен атай асабига тегмасанг, шундогам кўп давом этмайди. Фақат нега хафалигини сўра, уни эшит, қайғуси сенга бемаъни туйилса, изоҳдама. Шунинг ўзи унга етади. Бир янгилиши бўлганида юзига солма. Ҳар доим такрорланмайдиган хато бўлса, амаллаб чида.
- Сизни эшитганим сари бугунгача хатоларнинг аксарига унга хайриҳоҳ бўлмаганим ва тушунишга ҳаракат қилмаганим сабаб бўлганини пайқаяпман. Бунинг ўрнига сабрлироқ бўлганимда, муаммолар камаяр экан.
- «Турмуш ўртоғим билан танишишни унутиб-миз» китобимда «Саксон фоиз» деган бир ҳикоя бор. Яқин дугонамнинг бошидан ўтган воқеани қаламга олгандим.
- Дугонам кечки пайт сайр қилишни яхши кўрадиган, лекин айтган вақтида уйга келмайдиган эридан жаҳли чиқиб, эшикни очмабди ва телефонни ўчириб ухлабди. Эри тунда кўчада қолиб кетибди, бошқа шаҳарда яшаганликлари учун борадиган бирор қариндоши ҳам йўқ экан. Мехмонхонага бориб, юраги сиқилганидан ётоқнинг ёпинчигини ҳам очмайди. Тонггача ётоқ устида ўтиради. Эргаси куни уйига келиб, ҳеч нарса бўмлагандек одатдагидек ўзини тутади. Хотини ҳайрон қолади. У жуда кучли жанжал ку гаётган

экан-да. Эрига кеча оқшом мендан жаҳлингиз чиқмадими, деб сўрабди. Эри жаҳлим чиқди, жуда қаттиқ ғазабландим, фақат эрталабгача ўйладим. Сен саксон фоиз яхши аёлсан. Энди бир хато қилдинг деб, йигирма фоиз хато учун саксон фоиз яхшилигингни йўқقا чиқаролмайман, дебди.

– Қандай яхши нуқтаи назар! Жаҳлимиз чиққанида кўзимиз кўпам яхшиликларни кўравермайди. Ҳамма нарса алғов-далғов. Кейин қанчалик тузатишга уринсак ҳам, уддасидан чиқолмаймиз. Ўзимнинг қўлимдан келадими-йўқми, билмадим, лекин ўша олижаноб эркакка оғаринлар айтаман.

– Қирқ йиллик оиласи ҳаётини муҳаббат билан давом эттирган кишилардан бу севгининг сирини сўраганимда: «Бirimiz бақирганда, иккинчимиз жим бўлдик. Ким ҳақ, ким ноҳақ деб ўтирамадик», деган эди.

– Оила ҳақ даъво қилинадиган жой эмас.

– Бу ҳафтани ҳам ҳаётий кичик ҳикоя билан тугатаман. Маънавият султонларидан бири уйланган аёлининг инжиқ ва жанжалкашлигини билибди. Ўзича бир тадбир ўйлабди. Аёлга: «Кўряпманки, сен бироз шартаки ва бесабр экансан. Сен билан бир келишувга келайлик. Иккимиз бирданига ғазабланмайлик. Мен жаҳлим чиққанда сен сабр қил, сенинг ғазабинг қайнаганда мен сабр қиласман. Шундай қилиб бир-бirimизга чидаб, турмушни давом эттирамиз», дебди. Аёл шартни қабул қилибди. Бу келишув туфайли фаровон, саодатли умргузаронлик қилишибди.

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ ҚАДАМ

Муҳаббатга душман бўлган хислатларингдан қутул

– Барча ёмон хислатлар муҳаббатга душман бўлса керак...

– Тўғри. Аммо баъзи хислатлар муҳаббатга мутлақо тўсқинлик қиласи. Буларнинг биринчиси – кибр. У севгининг душманидир. Шайтон кибр туфайли жаннат ва раҳматдан маҳрум қолган.

– Ўзимни кибрли эмасман, дея ўйлайман. Лекин албатта одам баъзан ўзининг қандайлигини билмайди.

– Камтарлик жуда қадрли инсоний хислат. Кибрли киши билан суҳбатлашиш унчалик муҳим эмас. «Орага севги кирса, инсонлар тенг бўладилар», дейди Румий ҳазратлари. Кибрли киши ҳеч ким билан, айниқса, хотини билан ўзини тенг кўриши жуда ҳам мушкул. Али розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинади: «Уч нарса муҳаббатга васила бўлади: чиройли хулқ, мулојимлик ва камтарлик».

– Мулојимлик ва камтарлик гўзал ахлоқнинг ичида эмасми?

– Шундай, лекин менимча, муҳаббат учун мулојимлик ва камтарликнинг аҳамиятига эътибор қаратиш учун алоҳида айтганлар. Муҳаббатли суҳбат учун бу иккиси жуда ҳам зарур. Чунки ўзига мафтун, қаттиққўл, қўрс, қўпол одам билан суҳбатлашиб бўлмайди.

– Оилада аёлда фуур, эркакда кибр бўлмаслиги керак...

– Жуда ҳам түғри айтдинг. Чунки жуфтлар бир-бирини қанчалик севса севсин, албатта, тортишув, ранжишлар бўлади. Ранжиш кибр ва гуур сабабли аразу аччиққа айланади. «Мен узр сўрамайман, у сўрасин»га ўхшаган кутишлар фурур ва кибр сабабли бўлади.

– Шундай қиласиз ростдан ҳам. Мен ҳар доим биринчи қадамни хотинимдан кутаман. Ноҳақ бўлганимда, аслида мен қадам ташлаб, узр сўрашим керак, лекин мен ноҳақ бўлсан ҳам, Шириннинг узр сўрашини истайман. Шунинг учун ранжишларимиз узоқ давом этади.

– Муҳаббатга ғов иккинчи ёмон хислат – ҳамма нарсани кўнглига яқин олиш. Эркакларда бу хислат аёлларга нисбатан тарозининг палласини босиб юборади. Эркаклар аёл фитратини билмаса, аёлларнинг ўзига хос хатти-ҳаракатларини кўнглига олиб, ранжиб, аразлаб юраверишади. Шунинг учун ҳам эркаклар аёл психологияси ҳақида маълумотларга эга бўлиши керак.

– Мен сиз билан мулоқот қилаётганимдан бери аёллар ҳақида тўплаган маълумотларимдан кўп фойдаландим. Авваллари Шириннинг баъзи қилиқларидан жаҳлим чиққан бўлса, энди уларга шунчаки аёл феъли сифатида қарай оламан.

– Муҳаббатга ғов учинчи ёмон хислат – худбинлик. Аёллар учун кишилар ва ўзаро муносабатлар аҳамиятли. Аёллар дунёга оналик фитрати билан келгани учун муносабатларда ён босувчи бўлишади, ўзгаларни ўзларидан кўра кўпроқ ўйлашади. Эркаклар эса худбинликка яқинроқ бўлишади. Миллат сифатида фарзанд тарбиясида кўп хато қиласиз. Ўғил болалар эркакликни фақат яхши касбу кор ва пул топиш деб били-

шади. Уларга севишни ўргатишимиз керак. Ана шунда оилавий турмушда эркак фақат ҳаловатини, ўзининг хурсандчилигини ўйламайди. Аёли ва болаларининг маънавий эҳтиёжларига кўз юммайди. Хатоларини англайди.

– Хатосини англайди деганингизда хаёлимга бир латифа келди. Истасангиз, бу ҳафтанинг латифаси мендан бўлсин.

– Яхши бўларди, марҳамат.

– Хотини гапларини эшитмаганидан азият чеккан кекса эркак шифокор маслаҳатига борибди. Шифокор карлик даражаси қанчалигини билиш учун синаб кўриш кераклигини тавсия қилибди. Эркак хотини ошхонада овқат қилаётганида беш қадам орқасида туриб: «Нима овқат қилдинг, хотинжон?» деб сўрабди. Хотини жавоб бермаган экан, бир қадам, бир қадам яқинлашиб беш марта сўрабди. Энг охирида аёли ғазаб билан: «Нега бир нарсани беш марта сўрайсиз?! Тўрт марта товуқ шўрва қилдим дедим-ку? Кармисиз?!» дебди. Аслида хотиннинг эмас, эрнинг кулоги кар экан...

– Чиройли латифа экан. Худбинлик мавзусига жуда ҳам мос келди. Оилавий турмушда баъзида эркак ўз хатоларини билмайди ва бутун қабоҷат ва англашилмовчиликни хотинидан деб билиб, ундан ғазабланади.

– Бу ҳафталик сухбатимизни тугатадиган жумлани ҳам мен айтаман унда, қани кўрайлик-чи, айтганларингизни тўгри тушунибманми. Оилавий турмушда ҳамма ўз хатоларини кўриб, ўз янгишларини тузатишга ҳаракат қилса, ҳеч қандай муаммо қолмайди.

– Худди шундай.

ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ ҚАДАМ

Моддий масалаларда турмуш ўртогинг- нинг ҳам фикрини сўра

– Пул масаласини хотинимга қўйиб берсак, касод бўламиз. Аёллар пул сарфлашни билмайди.

– Ўз аёлингга қараб бутун аёлларни айблама. Ҳа, аёллар пул сарфлашни яхши кўради, савдо-сотик қилиб стрессдан халос бўлишади. Лекин ғоятда тежамкорлик билан, оиласвий бюджетни ўйлаб, нимани қаерда сарфлашни яхши биладиган аёллар кўп.

– Ширин қаерда «чегирма» деб ёзилган бўлса, сеҳрлангандек ўша томонга ошиқади. Аслида ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ. Ўн йил харид қиласа ҳам, уйдагилари унга етади.

– Аёллар ва эркакларнинг кийимга эҳтиёжи бир хил эмас. Аёллар учун кичик нарсаларнинг ҳам аҳамияти бўлгани сабабли кийинаётганида тақинчоқ, соч тўғноричга ўхшаган аксессуарларни, пойабзal, сумка, катмон каби заруратларнинг кийимларига ҳамоҳанглигига эътибор қилишади. Эркакларнинг бундай дарди йўқ. Шунинг учун эркак ўзининг пойабзal заруратни турмуш ўртогининг пойабзal зарурати билан таққосламаслиги керак.

– Шундоғам таққослаб бўлмайди-ку. Таққослаб бўлмайдиган даражада катта фарқи бор. Харид масаласида анча-мунча келишолмаймиз.

– Сен пул сарфлаш масаласида Ширинга олдиндан ҳукм бераётгандексан, назаримда. Эркаклар ҳам пул сарфлашда исрофгарчилкка йўл кўяди. Масалан, баъзи эркаклар ўзига пул сарф-

лаётганида унчалик мулоҳаза қилмайди, лекин уй учун бирор нима оладиган бўлса, энг арзони ни олиб, хотинининг жаҳдини чиқаради.

— Лекин мен ундей эмасман. Ошхонага харид қилганимда, егулик олганимда, энг сифатлисими, энг яхисини олишга ҳаракат қиласман. Соғлом ва сифатли овқатланиш, айниқса, болалар учун шарт.

— Мен уй жиҳозлари, майший техника каби аёлга кўпроқ зарур бўладиган нарсаларни харид қилаётганда, унинг фикрини олишни наzarда тутгандим. Уй жиҳозлари инсон ҳаётида бир неча бор ўзгаради. Сифатлисими ва жуфтининг ишини осонлаштирадиган хилидан олсанг, хотининг камроқ чарчайди ва вақти кўпроқ қолади. Шунинг учун уйга зарур жиҳозларни олаётганда, чўнтакка бироз оғирлик қиласа-да, хотининг истаганини олишга ҳаракат қилган маъқул.

— Бир неча ой олдин дазмол бузилди. Янги дазмол олиш арафасида яхшигина жанжаллашиб олдик. Бориб энг қимматини танлади...

— Эски дазмолни неча йил ишлатганларингни биласанми?

— Камида беш-олти йил ишлатилди, ҳойнаҳой.

— Аёл сифатсиз дазмол билан икки соатда қилган ишини яхши дазмол билан ярим соатда баҷаради. Кичик совуткич жуда кўп овқатнинг чиқиндига ташланишига сабаб бўлади. Кичик кир ювадиган машина бир мартада ювиладиган кийимларни бир неча мартада ювилиши деганидир. Аввалгилар арzon иллатсиз бўлмас, қиммат ҳикматсиз бўлмас, деган сўзни бекорга айтмаган. Аслида бундоқ олиб қараганда, сифатли

матоҳ сотиб олган эркак фойда қилади. Сифатли буюмлар узоқ йиллар ишлатилади ва пул тежалади. Ҳатто аёл пулни ўйлаб, сифатсиз нарса қилмоқчи бўлса, эркак уни сифатли харидга ташвиқот қилиши зарур.

– Тўғрисини айтсам, ҳар доим арzon нарсани танлаб келдим...

– Ширин ҳам ҳар доим уй анжомларини ишлатганида, сендан ёзғириб қулогингни қиздирса керак. Аёллар умрининг аксариятини уйда уй анжомларим билан ўтади. Шунинг учун уй билан боғлиқ масалаларда эркакнинг чўнтағига ҳаддан ортиқ оғирлик қилмаса, аёлнинг хоҳиш-истаклари биринчи даражали бўлиши керак. Уйга олинган нарса-буюмлар, деворнинг бўёқ ранги, янги уй қурилаётганида уй ичидаги тўшамалар, уйнинг фасади каби масалаларда уй бекасининг танлови муҳим.

– Тўғри айтасиз. Аслида рафиқамнинг айтганларини олмасам, нимадир бўлиб мен харид қилган нарсалар бирпаста бузилади, кейин хотиним танлаган жиҳоз уй тўридан жой олади.

– Бу ҳафтани ҳам бир латифа билан тугатамиз унда.

Бир эркак китоб дўконида сотувчига: «Сизда аёллар билан курашиб, зафар қозонган эркаклар ҳақида китоб борми?» деб сўрабди. Сотувчи қўли билан нарироққа ишора қилибди: «Бор, жаноб, эртак китоблар анави қаторда!..»

ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚАДАМ

Муаммоларга бепарво бўлма

– Оилавий ҳаётда бирор муаммо чиқса эркаклар, «қоч ёки кураш» услубини қўллашади. Ё муаммоларни кўрмаганга олиб, мashaққатдан қочишади, ёки турмуш ўртоқлари билан билан яширин жангта киришади.

Фарҳод чуқур уҳ тортди:

– Аёл билан жанг қилмоқчи бўлган эркак енгилишга маҳкум. Автоматдай шиддатли, ханжардай кескир, теккан жойини чуқур жароҳатлаган «тил» деган қурол соҳиби билан жангта киришиш энг бошданоқ енгилишни қабул қилишдир. Шунинг учун мен хотиним билан жанг қилмайман. Муаммоларни кўрмаганга олиб қўявераман...

– Машаққатдан қочиш уларни янада қўпайтиради. Шу сабабли эр-хотин бир-биридан совийди. Ҳолбуки, эркак уйнинг раҳбари ва оила учун маъсулидир.

– Хотиним билан тортишишдан қўрқаман. Шунинг учун у билан ҳеч нарсани гаплашишини хоҳламайман...

– Оилада баъзан кучайиб кетмайдиган тортишувлар бўлиши керак. Муаммо ва ташвишларнинг умуман муҳокама қилинмаслиги, ошкор этилмаслиги хаспўшланишини билдиради. Кичик тортишувлар турмушнинг туз-зираворидир. Муҳими, ҳаддан ортиқ ғазаб билан, ўзни бошқаролмасдан, ҳеч қачон юзма-юз бўлмайдигандек, кейин пушаймонлик олиб келадиган гаплар айтилмасин.

– Ширин бир марта менга шундай гап айтдики, эшитсангиз ишонмайсиз: «Сен тоғларни менга бўлган муҳаббатинг учун ёриб ўтмадинг, балки бу ишни машҳур бўлиб, номинг муҳаббат қаҳрамони сифатида юз йиллар давомида тилларда достон бўлиши учун қилдинг!» деди. Юрагим оғриди...

– Жуда янглиш сўз айтибди-да. Қаттиқ қишишганда айтгандир ҳойнаҳой.

– Унинг ўлчови билан ўлчангандан айбим жуда катта эди. Эртаси куни меҳмонлар келади деб, кечки пайт торт қилмоқчиди. Торт учун сут керак экан, мени кечаси дўконга сутга юбормоқчи бўлди. Бормадим. Унинг жаҳли чиқди. Ростдан ҳам унинг учун тоғларни тешганимда, икки қадамлик дўконга боришга эринмас эканман. Севган эркак тунда хотинига сут керак бўлса, дўкондан тайёр сутни олиб келиш нари турсин, керак бўлса сигир топиб, янги сут соғиб олиб келиши керак экан. Шунинг учун тоғларни унинг ишқида эмас, шухрат учун тешган эканман...

– Мен гоҳида тортишув керак деганимда, бундай қолипга сифмайдиган баҳсларни назарда тутмагандим. Аёллар кичик нарсаларни бўрттиришни яхши кўришади. Бундай ҳолатларда эркак жим бўлиши ва вазминлик билан вазиятга баҳо бериши зарур. Имкон қадар жавоб бермасин. Лекин ҳақиқатан муҳокама қилиниши керак бўлган мавзулар, муаммолар, самимият билан айтилиши, ҳис-туйгулар изҳор қилиниши, керак бўлса тортишиш ҳам керак.

– Сизга бир сирни очаман. Ширин хато қилганида эмас, ўзим хато қилганимда кўпроқ

тортишаман. Қайси куни бир китобда ўқидим: «Эркаклар хато қилганида узр сўраш ёки афсусда эканини айтиш ўрнига мудофаага ўтиши ва тортишишни афзал кўради». Шуни ўқиб, ўзимни қилган ишимни яхшироқ тушундим.

– Эркаклар хатоларига иқрор бўлиш ва узр сўрашни қудратдан айрилиш ва ожизлик сифатида кўрганлари учун, узр сўраш ва хатоларини тан олишдан кўрқишиади. Ҳолбуки, эркак хатосини тан олганида хотинининг кўзида юксалади. Аёл учун бу севгининг эътирофи ҳисобланади.

– Мен жаҳлимни назорат қилолмай қолишдан кўрқиб, у билан тортишувга киришдан чекинаман...

– Газабнинг сабаби кўп ҳолларда тўпланиб қолган аламзадалик бўлади. Аёллар гаплашиш билан газабини ташқарига сочади, эркаклар гаплашишни унчалик ҳам севмагани учун жаҳлинни ичига ютиб, тўплаб юради. Хотинингдан жаҳлинг чиққанида буни унга билдиришдан тортинма. Эркакларнинг ҳам қалби бор, ҳис-туйфуси бор, туйғуларни кўрсатиш хотининг олдида қадрингни туширмайди, аксинча, орттиради.

– Биз эркакларга ҳис-туйғуларимизни кўрсатиш ожизлик экани уқтирилган. Эркаклар йифламайди, эркаклар ҳар доим кучли бўлади, дейилган. Ўзимизни ҳар доим бир қалқон ортига яширдик...

– Ошкор этилмаган туйғулар фазабга айлануб, портлашга ёхуд эркакнинг сирли аразига айлануб қолади. Ҳатто болаликдан эркак-аёл фарқининг аёнлигини кузатиш мумкин. Ўғил

болалар эътибор кўрмаса ё аразлайди, ёки аламзада бўлади. Қиз фарзанд эса шов-шув қиласди, йифлайди, атрофдагиларнинг диққатини жалб қилишга уринади.

– Кап-катта бўлганларида ҳам шу феъл-атвори давом этади, деяпсиз-да?

– Неча ёшда бўлишидан қатъи назар, ҳар бир аёлнинг ичида албатта қиз боланинг руҳи яшайди. Ҳар бир эркакнинг ичида эса катта бўлмайган ўғил боланинг кўнгли бор. Эркак ва аёл шуни унутмасдан бир-бирларига муомала қилишса, жуда кўп муаммоларга ечим топилади.

– Бу гапларингизни ҳеч қачон унутмайман!

– Бу ҳафтанинг ҳам охирига келдик. Кейинги ҳафта сўнгги қадам билан учрашувимизни тугатамиз.

ҚИРҚИНЧИ ҚАДАМ

Севишни ўрган

– «Севиш скрипка чалишдай гап. Билмайдиган одам чалса, хунук овозлар чиқади», деган гап бор. Скрипка чалишни билган одамгина ундан чиройли садолар таралишига муваффақ бўлади. Севишни билган одам эса бунинг мукофотини олади.

Бир деҳқондан «Сигиринг қанча сут беради?» деб сўрашибди. «Сигирим ҳечам сут бермайди, сутни мен ундан соғиб оламан!» деда жавоб қайтарибди.

– Мехр-муҳаббатга эришиш учун ҳаракат қилиш керак, деяпсиз-да?

– Ҳа. Севги бобида зиқна бўлмаслик керак. Севиш – осон, муҳими севишни билиш! Севишни билган киши ўзига ёққандай эмас, балки севгилиси ёқтиргандай сева олган кишидир. Севиш – севганимиз учун кўнглимизга ёқмаган нарсаларни қилишимиз демакдир. Ана ўшанда севгининг қадри бўлади.

– Аёл билан эркакнинг севги тили бошқача, тўғрими? Буни жуда чиройли тасвирлаган бир латифа бор.

Тунда эр-хотин бирга бўлгандан кейин эркак орқасини ўтириб, ухламоқчи бўлибди. Аёл: «Хўжайин, мени севасизми?» деб сўраса, эри: «Бироз олдин севдим-ку!» деб жавоб берган экан.

– Эркакларнинг севги тили кўп ҳолларда жинсий ҳаёт, аёлларнинг севги тили эса чиройли сўздир. Албатта, ҳар доим истиснолар ҳам бўлади. Мавлоно Румий ҳазратларининг бир сўзлари бор: «Эй, кўнгил, баҳор фаслининг қонуни шу – аввал мушук миёвлайди, кейин булбул сайрайди». Эркак миёвлаганида жуфти келади, лекин эркак булбул бўлишни унугтади. Фақат миёвласа, бир муддатдан сўнг жуфти мушукликдан истеъро бериб, сичқон бўлади. Эридан қочади. Эркак эса хотинини қувлар экан, баҳорни ўтказиб юбориб, фақат қишида яшайди. Кўра олганлар учун табиатда инсонга ўрнаклар кўп.

– Чиндан ҳам чиройли ўрнак.

– Эркак рафиқасига қандай тегинишини билиши керак. Аёлларнинг териси эркаклардан кўра нозик бўлгани сабабли бироз сезгиридир. Қолаверса, аёлларнинг мушаклари эркак мушакларининг ярмига teng. Шунинг учун рафиқангга қаттиқ тегинма, чунки оғриқни сен-

дан кўра кўпроқ ҳис этади. Жони оғриганида «Нима бўлибди, ҳамма нарсани бўрттирасан, секингина ушладим-ку!..» дема, сен оҳиста деб билганинг унинг жонини оғритади.

– Буни билмасдим. Ширин билан бу борада кўп тортишамиз. Мен уни инжиқлигидан «оғрияпти» деб баҳона қиляпти, деган хаёлга борардим.

– Унга оҳиста тегиниш, уни оҳиста қучиш, унинг соchlарини силаб, қўлидан тутишга бефарқ бўлма. Ҳар сафар қучганингда уни ётоқقا ирғитсанг, сендан узоқлашади. Эркак учун бундай қилиш бироз қийин бўлishi мумкин, лекин севги машаққат талаб қилади, файрат, фидойиликни тақозо этади. Сен хотинингдаги севгига бўлган эҳтиёжни аритсанг, у ҳам сенга мўл-кўл жавоб беради.

– Шунинг учунмикан, Ширинни қачон қуҷоқламоқчи бўлсам, қўлимдан бир баҳона билан сирғалиб чиқади...

– Аёллар қучишни, тегинишни севадилар. Бундан қочса, сенинг ниятингдан шубҳалангани учун бўлиши мумкин. Никоҳда жинсий ҳаёт бўлади ва албатта бўлиши керак, лекин аёлнинг жисмига тегинишдан аввал кўнглини олиш зарур.

– Кўнглини олсам ҳам, ўзини ўйлайдиган манфаатпарастсан, дейди...

– Фақат у билан бирга бўлишни хоҳлаган кечангдагина унга яхши муомала қилиб, ширин сўзлар айтсанг, ана шунда ўзини ўйлайдиган, дейди. Чунки жуда кўп аёл бу борада шикоятчи.

– Бу мавзуда яна бир кичик латифа айтсанм бўладими?

Бир эркак тунда хотинининг ёнига яқинлашибди. «Гўзалим, севимли рафиқам, ягона севгилим эрига тайёрмикан?» дебди. Хотини: «Бир ҳаммомга бориб келай, кейин...» дебди. Аёл ҳаммомдан чиқиб келаётганида гиламнинг четига оёғи тойиб йиқилибди. Эри хавотир билан учиб турибди: «Нима бўлди, ягонам? Тузукмисан?» Аёлга ҳеч нарса бўлмабди. Бирга бўлгандан кейин яна ҳаммомга кетибди, қайтаётганида яна ўша ерда йиқилибди. Бу сафар эри ётган жойидан бақирибди: «Бўлди-да! Кўзингга қарасанг бўлмайдими, кўрмисан?!»

— Маъноли латифа. Бундай ҳолатда албатта аёл эркакнинг манфаатпарастлигини ўйлади. Майда нарсалар аёллар учун жуда аҳамиятли. Майда гўзалликлар ҳам, нохушликлар ҳам аёлларнинг назаридан четда қолмайди. Эркак қилган ишини пайқамаслиги, лекин бу иши билан хотинини қаттиқ жароҳатлаши мумкин.

Аёллар учун кичкина нарсалар аксарият пайтларда катта нарсалардан кўра қадрлидир. Аёлинг учун машина олишинг эмас, калитни беряётганда унга айтган сўзларинг ва юзингдаги ифодаларнинг маъноси муҳим. Машина олганинг учун фақат ўша куни севинади, лекин ширин сўзингни ҳар эслаганида жилмаяди.

— Аёллар майда нарсалар билан севина оладилар, лекин биз эркаклар майда нарсаларни фақат унутамиз.

— Эркаклар майда нарсаларга эътибор қаратиши учун ўзига яраша ҳаракат қилиши керак. Эркаклар майда деб қараган нарсалари аслида жуда катта ва аҳамиятли бўлиб кўринади. Масалан, тозалик қоидалари оиласиб ҳаётнинг май-

да-чуйдалари каби кўринади, лекин уларсиз ҳа бўлмайди. Ҳидга эътиборли бўлиши керак, ти ва тирноқ покизалиги ниҳоятда муҳим. Эркакундузи ишхонасида пиёз-саримсоқ еган бўса, хотинига яқинлашишдан аввал оғиз ҳиди бартараф қиласиган чораларни топиши дарка Соқол-мўйлови бўлса, тартибланган ва тоза билиши лозим. Уйга тер ҳиди билан келган бўлодуш қабул қилиши керак, хотинига ёқадиган ифорлар ишлатиши жоиз.

– Бу айтганларингиз менимча майдага эмажуда ҳам эътиботалаб нарсалар. Аёл ҳам, э как ҳам тозаликка диққат қилиши керак. Одатурмуш қурганидан кейин унинг жисми факъузи эмас, турмуш ўртоғи учун ҳам аҳамият бўлади.

– Сўнгги қадам сифатида мавзууни якунламиз. Эркак севишни билиши, аёлининг жисми га тегинишни ва кўнглини олишни ўрганиш керак.

– Аёл қалбининг калити ширин сўз эканин ўргандим.

– Аёл қалбидан жой олганингдан кейин тахтада шоҳ бўлишни хоҳласанг, яна бир нечта майданарсаларга эътибор беришинг керак. Рафиқсан билан гаплашаётганингда буйруқ ва кўрсатмабериб эмас, илтимос ва талаб-истак оҳангид гаплашсанг, миннатдорчилик билдиришни унумасанг, жони диддан сенга хизмат қиласи. Сен бошига тож қиласи. «Менга чой қуй!» дейиш билан «Жоним, бир чой қуясанми?» дейиш орасид аёл учун катта фарқ бор. Иккисида ҳам олиб қиласи, лекин чиройли сўрашни билсанг жону дидан бажаради. Сен ҳам чойни завқланиб ичаси

– Ҳар доим чойнинг таъми бир хил бўлмайди, демак, бунинг сабаби хоҳдамай дамлаганида экан-да.

– Чиройли сўзлар, ширин ҳазиллар, бирга кулиш муҳаббатингизни орттиради. Лекин ҳазиллашаман деб, қалбига озор берадиган бўлсанг, ҳазиллашмай қўявер. «Чумчуқмия хотиним»га ўхшаган бемаъни мурожаат билан рафиқасига севгисини қўрсатмоқчи бўлган бир эр ҳақида эшитгандим.

– Бу ҳазил эмас, очикдан-очик ҳақорат қилиш! Бир марта мен ҳам Ширинга совуқ ҳазил қилгандим, бир ҳафта мен билан гаплашмади.

Бир байрамда ишхонамдан кичик, безалган қути топиб олдим. Ширинга бир ҳазиллашгим келди. Совға қутининг ичига бир дона хатчўп қўйиб, чиройли қилиб ўраб уйга олиб келдим. Ширин қутини кўриб, жуда ҳаяжонланди. Қутини очиб, қаттиқ хафа бўлди. Устидан кулдим, деб ўйлади, ҳолбуки, шунчаки ҳазиллашгандим.

– Хато қилиш инсонга хос. Хато қилганингда уни қучиб, кўзларига қараб севгингни изҳор қилсанг, муҳаббатингиз янгиланади ва хатоларни ювиб кетади. Жуда чиройли бир аёлга келишган ва бадавлат бўлмаган эрини қўрсатиб: «Сен шу одамни қандай ёқтиридинг, қандай севдинг?» деб сўрашибди. Аёл шундай жавоб берибди: «Унинг кўзлари жуда ҳам гўзал, сиз унинг кўзларини ҳеч қачон менчалик яқиндан кўрмаганингиз учун чиройини ҳам кўролмайсиз». Аслида четдан қараганда, эркакнинг кўзлари жуда гўзал дейдиган даражада эмас. Лекин аёл кўзларда жуфтининг ўзига бўлган севгисини, муҳаббатини кўргани учун

бу күзлар ҳам, эри ҳам унга жуда чиройли бүлиб күринади.

– Төгни толқон қилиш севгининг жуда осоқисми экан. Севиш осону, севгини яшатып мушкул экан.

– Сүнгги қадамимизни бир пайтлар дафтрымга ёзиб олганим кичкина бир мулоҳаза билан якунлайман: «Ҳаёт осмонга қаратат отилга беш түп билан ўйналадиган ўйиндир. Бу түплардан бири резинадан, қолганлари ойнадан ясаган. Бу түплар – ўзимиз, оиласымиз, соғалигими дўстлигимиз, ишимиздир. Резина түп ишими ойнадан ясалган түплар синганида ўрнига янги сини қўйиб бўлмайди. Ҳолбуки, ҳаммамиз резина коптокни ушлашга берилиб кетиб қолганларини синдириб қўямиз...»

– Жуда чиройли мулоҳаза экан, сиздан кўнарсаларни ўргандим. Кошки, буларни ўрганин учун бунчалик кеч қолмасам эди. Лекин ҳечда кўра кеч яхшироқ. Сиздан миннатдорман! Зер учрашув бошланган илк ҳафтадан бери уйимида кўп нарса ўзгарди. Жуда ҳам хурсандмиз!

– Кўнгил ўчогида муҳаббат олови ёнади. Муҳаббат олови ўча бошласа, юраклар музлайди. Ишқ олови сўнганида муҳаббат бўлса, севги кўнгилларни бир-бирига иситади. Шунин учун ҳам ҳамма нарсадан олдин муҳаббатни йўқотмаслик керак! Муҳаббат оловининг гуриллаб ёниши учун эса муҳаббатта хизмат қилмодаркор. Муҳаббат оловига ўтин ташлаб туриш керакки, тафти кўнглингиз ва хонадонингизни иссик тутсин. Қирқинчи ҳафтада, қирқинч қадамда сизлар билан учрашувимиз битди. Си менга миннатдорчилик билдиридингиз, мен ҳа-

сизга миннатдорчилик билдираман. Севгин-гиз учун, оилавий ҳаётингиз учун саъй-ҳаракат қилдингиз, қадамлар қўйдингиз. Бир неча йил аввал бир-бирингизга етишишда йўлингизга тўсиқ бўлган тоғларни бир-бирингизга бўлган буюк муҳаббат билан ошиб ўтдингиз. Ўзингиз истаб, хоҳлаб ўртангиздаги тоғларни парчалаб ташладингиз! Биз эса муҳаббат нималарга қодир эканини сизларнинг шарофатингиз билан кўрдик.

– Катта раҳмат!..

ТАМОМ

Адабий-бадиий нашр

СЕМА МАРАШЛИ

ТҮЙДАН КЕЙИН ҲАМ МУҲАББАТ БЎЛСИН
Ҳикоялар

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий муҳаррир
Дилфузा САЛИХОДЖАЕВА

Техник муҳаррир
Аброр МАШАРИПОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Шаҳзод РАМАЗОНОВ

Босишга 11.03.2021да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоги 5,5 Шартли босма табоги 9,24.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 18.

Баҳоси келишилган нархда.

«Noshirlik yog‘dusi» нашриётида тайёрланди.

«Reliable Print» МЧЖда чоп этилди.


100113. Тошкент, Навоий қўчаси, 5A уй.



Сема Марашли

*Тўйдан кейин ҳам
иухаббат бўлсин*

ISBN 978-9943-70-



9 789943 7047



misbahkitoblar



misbahkitoblar



misbahkitoblar



misbahkitoblar